


✓ ПАНДЕМИЯ ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ КЎРСАТКИЧИГА АЙЛАНДИ 7.

✓ ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС УЧУН «ФОРС-МАЖОР» ТИЗИМИГА ЎТАДИМИ? 10.

✓ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА 6 МИЛЛАРД АҚШ ДОЛЛАРИ ЮБОРГАН 19.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

№ 14 (1896-1899) 2020 йил 2 — 9 апрель ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

ХОЛАТ 12:

МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ:

кимлар таътилга
чиқади, кимларга ҳақ
тўланади, имтиёзлар
кимларга берилади?

ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ 16:

ПРОПИСКА:

Янги тартиблар
аҳолига ҳақиқатда
қулайлик яратадими?

ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ 17:

Энди адвокатларнинг
телефон сўзлашуви
эшитилади...(ми?)

СЕЙСМИК МУҲИТ 21:

Сайёрамиз сейсмик
фаоллик даврига
кирдими?

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ 28:

Ислом динида
касалик бор жойга
кирмаслик, агар кирса
чиқмаслик буюрилган

«Mahalla»га ошно бўлинг, маҳалладош, уйда қолинг!



СИНОВЛИ КУНЛАРДА...

**МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КўРАЁТИР?**

3-12.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ўн миллион сўмдан мукофот берилади

Инсоният бошига мисли кўрилмаган кулфатлар ёғдирган Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага жорий йилда 75 йил тўлади. Орадан бир инсон умрича вақт ўтган бўлса-да, уруш даҳшатлари, унинг азоб-уқубати асло унутилгани йўқ. Урушда жон фидо этган ўғлонлар ёди мардлик ва жасорат тимсоли бўлиб хотираларимизни безаб турган бўлса, аини пайтда сизу биз билан бир ҳаводан нафас олиб яшаётган, бугунги ёруғ кунларга етиб келгани учун шукрона айтаётган нуруний уруш қатнашчиларига орамиздаги афсоналар сифатида ҳурмат кўрсатамиз.



ЭҶТИРОМ

Президентимиз жорий йилнинг 30 март куни «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Фармонга мувофиқ, мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронлари моддий рағбатлантирилади.

Ушбу рағбат 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдоридagi бир йўла пул мукофоти сифатида берилади. Нафақат хонадон, балки бутун маҳалласига файз киритиб, қарилек гаштини сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бундай эҳтиромдан руҳлангани, кайфияти чоғ бўлгани аниқ. Фармонда ушбу мукофотнинг тантанали топирилиши ҳақида қатор вазирлик ва ташкилотлар, жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги зиммасига ҳам вазифалар юкланган. Демак, нурунийлар севинчи ҳали давом этади.

Халқимиз синовли кунларни бардоши билан снган

Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига қора кунларни солди. Қанчадан-қанча юртдошларимиз оловли жангҳоларда ҳалок бўлди, қанчаси бир умрга ногирон бўлиб қайтди. Минглаб болалар етим қолди. Юртимиз аҳолиси очарчилик, йўқчиликдан азоб чекди. Бироқ шундай қийин давларда ҳам халқимизнинг қадди букилмади.

Ана шундай оғир давларда айрим ўзбек оилалари турли миллатга мансуб болаларни ўз бағрига қабул қилиб, етимларнинг бошини билгани, бир бурда нонини улар билан баҳам кўргани чин маънода олижаноблик намунаси.

Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмадуов ва унинг рафикаси Баҳрихон ая уруш йилларида етим ва қаровсиз қолган 13 болани, урушдан сўнг яна 3 болани тарбиялаб, вояга етказганлар. Улар орасида рус, беларусь, молдован, украин, латиш, қозок, татар, чуваш, яҳудий, ўзбек бола-

лари бўлган. Шоаҳмадуовлар болаларни меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб, ўқитганлар. Айтиш жоизки, ушбу ўзбек оиласи инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида тарихда қолди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда ана шундай олижаноб юртдошларимиз ҳаёти, матонати, жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар, бадний асарлар яратиш ишлари кучайиб, улар қаҳрамонлигини удуғловчи тарғибот тадбирлари кенг қулоч ёйди.

«Уруш қатнашчилари ҳаётини китоб қилмоқчимиз»

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутасаддилари ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан боғлиқ қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганлар.

— *Вазирлик томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг фронтда ва ундан кейинги ҳаётини ёритувчи биографик китоб чоп этиши ишларига киришилган, — дейди вазирликнинг кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Абдусаттор Бўстонов.* — Мудоофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши ва фронторти меҳнат ногиронлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида соғлигини йўқотган ҳарбий хизматчиларга мақсадли ёрдам кўрсатиш, уларни протезлар, ногиронлар аравачалари ва бошқа зарур тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш ишлари ҳар қачонгидек доимий эътиборимизда бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан доимий хабар олиб туриш бўйича қўнғилчилар гуруҳлари ташкил этилган. Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида бу саъй-ҳаракатларимиз салмоғи янада ортади.

Уруш қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз томонидан мукофотлар топириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш бугуннинг қутлуғ анъанасига айланди. Зеро, вақт ўтиб боргани сари уруш йилларида чинакам инсонийлик намунасини кўрсатган юртдошларимизнинг ғалабага қўнган ҳиссасининг кадри ҳам ортиб бораверади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Саховат — инсон қиёфасига зеб

Айни кунларда республикамиз маҳаллаларида хайру саховат тадбирлари кучайиб бораётгани халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини намоён этаётди. Саховатпеша юртдошларимиз маҳалласидаги кам таъминланган, эътиборга муҳтож оилалар, кексаларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Жумладан, Самарқанд вилояти Оқдарё туманида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман бўлими ва ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан 110 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, тумандаги ҳар бир секторда биттадан кўй сўйилиб, 60 та кам таъминланган оилага улашилди.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги саховат тадбирлари ҳам эътиборга молик. Туманда фаолият юритиб келаётган чорва фермер ҳўжаликлари ҳомийлигида 22 бош қорамол маҳаллаларда истикомат қилаётган кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга топширилди.



Қорамолни қабул қилиб олаётганларнинг кўзларида қувонч ёшлари калқиди. Сут-қатикқа эҳтиёж янада ортан бугунги шароитда хонадонда, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган кам таъминланган оилаларда соғин сигирнинг бўлганига не етсин.

Хоразм вилояти Богот тумани «Меҳнатгули» маҳалласида япвочи Хурсандбек Отажонов — I гуруҳ ногирони. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими ходимлари ва маҳалла раисининг ташрифи унинг бошини осмонларга етказди.

— *Одам доим меҳрга талпинади, айниқса, бир оғиз ширин сўзининг қийматини мен яхши англайман, — дейди Хурсандбек.* — Ногиронлигим сабабли ташқарига чиқолмайман. Бугун озиқ-овқат, гигиена воситалари олиб келингани аини мудоао бўлди. Ҳаммаси учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

МУХБИРИМИЗ.

ТОМОРҚАЧИЛИК



Юмушлар кутиб турмайди

Томорқадан унумли фойдаланиш қишлоқ жойларда яшаётган ҳар бир хонадонга мўл даромад келтиради. Коронавирус инфекциясига қарши кизгин кураш кетаётган аини давларда ҳам баҳорги томорқа ишлари Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани маҳаллаларида бир зум бўлсин, тўхтагани йўқ. Тумандаги Кенағас қишлоғи «Довуд» маҳалласида истикомат қилаётган кам таъминланган оилаларга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Қўшқўпир тумани бўлими томонидан мевали кўчатлар тарқатилди. Ушбу синовли кунлар, албатта, чекинади, экин экиш учун қулай бўлган ушбу давлар асво эсло кутиб турмайди. Буни қўшқўпирлик томорқачилар жуда яхши билишади.

Темур ҲАЙИТБОЕВ,
Қўшқўпир тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходими.

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги қандай чоралар кўраёттир?

К

оронавирус эпидемиясини жиловлash — айна пайтда давлатимизнинг асосий стратегиясига айланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 26 март куни корона-вирус инфекцияси тарқалишига қарши курашни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида халқимизни ушбу эпидемия таъсиридан ҳимоялаш мақсадида ижтимоий ва тиббий муҳофазани кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимиз мазкур йиғилишида коронавирусга қарши кураш жараёндарида маҳалланинг таъсири кучли бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаб, эпидемик вазиятга қарамай айрим жойларда карантин қоидалари қўпол равишда бузилаётгани, хусусан, хонадонларда турли маросимлар уюштирилаётганини афсус билан қайд этди. Маҳаллалар мутасаддилари ҳар бир хонадондаги вазиятдан яхши хабардор бўлиши шартлигини таъкидлади.

Фуқаролар йиғинлари ходимлари бугун нималар билан банд?

Карантин қоидалари жорий қилинган бўлса-да, ҳаёт давом этмоқда. Маҳаллаларнинг айрим кечиктириб бўлмаб вазифаларини ҳам бажариш шарт. Жумладан, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бугунги мураккаб шароитда вазирликнинг худудий бошқармалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари билан онлайн тарзда иш юритилиб, зарур кўрсатмалар бериб борилаёттир. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ва коронавирус инфекциясига қарши фаол курашиш мақсадида юртимиз ма-

ҳалларидида қатор долзарб вазифалар ижросига киришилган.

Хусусан, эҳтиёжманд, қийналган оилалар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни озик-овақат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳаракатлари тобора кучайиб, бу ҳолат халқимиз бирдамлигини намоён этмоқда. Ижтимоий ҳимоя тадбирлари республикамизнинг ҳар бир маҳалласида кузатилаётгани қалбга таскин беради. Эътиборли жиҳати шуки, маҳалла мутасаддилари фаолият жараёнига замонавий коммуникация технологияларини кенг жорий этишмоқда.

— Аввало, маҳалламиз аҳли учун телеграмм тармоғида махсус гуруҳ ташкил этдик, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани «Катта Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Найма Жабборова**. — Уй шароитида карантин ўтаётган 3 та хонадонимиз бор. Уларнинг белгиланган қоидаларга риоя қилишлари, карантин тартибини бузиб ташқарига чиқишларининг олдини олиш мақсадида худудимиздаги 8-оилавий поликлиника ходимлари билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини олиб бордик. Кўчаларимизни ҳар кун 3 мартадан айланиб, овоз-кучайтиргич ёрдамида одамларни огоҳликка ундамоқдамиз, ташқарида мақсадсиз юрсанлар билан алоҳида тушунтириш ўтказилаёттир. Синовли кунларда маҳалла мутасаддиларига елкадош бўлаётган саховатпешалар бор, ана шундайлар аҳолига бепул туҳму, гўшт тарқатишмоқда. Якка-ёлғиз яшаётган қарияларнинг ҳолидан қунига хабар олиб, озик-овақат маҳсулотларини етказиб бермоқдамиз.

Бўш вақт жиноятчилик учун қулай... (ми)?

Коронавирус инфекцияси тарқалган даврда уйда қолаётганлар учун фойдали машғулотлар жуда кўп. Жумладан, китоб ўқиб, маънавиятни бойитиш, фарзандлар билан шуғулланиш, уй-joy-ини тартибга келтириш ва ҳоказо. Аммо бўш вақт айримлар учун жиноятчиликка етакловчи омил бўлиши ҳам эҳтимолдан узок эмас. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг фармойиши асосида жорий йилнинг 28 мартдан 28 апрелига қалар «Оилаларда соғлом мухитни мустаҳкамлаш» тарғибот ойлги ўтказилмоқда.

— Ойлик давомидида оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалланинг жасмиёндаги ва фуқаролар ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини кучайтириш, оилаларда карантин қоидаларига риоя қилинишига эътибор қаратилади, — дейди **Маҳалла ва оилани кўллаб-қувват-**



лаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова. — Қолаверса, мактаб ёшидаги фарзандларимизнинг таълим олишида танаффус бўлмаслиги учун ота-оналарнинг масъуллиги, оиланинг ҳар бир аъзоси зиммасида бўлган ижтимоий масъулият ҳиссини юксатириш ҳақида тарғибот олиб боришмоқда. Фарзандларимизни жаҳон ва миллий адабиётнинг ёрқин намуналари билан таништириш, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига қатъий амал қилишларига доир тушунтириш бериш ҳам маҳалла эътиборидан четда қолмаслиги керак.

ва ногиронлиги бор кексалар учун озик-овақат маҳсулотлари ҳамда зарур тиббий буюмлар тарқатилди.

Бу каби хайрли ишлар тарғибот ойлги давомида мунтазам йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Тўйлар тўхтаган, аммо...

Тўй ва маросимлар, меҳмондорчиликлар, одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирлар таққиланган шу кунларда кексалик ёки касаллик туфайли вафот этгаётганлар жанозаси ўтказилаётгани бор гап. Халқимиз «Му-сулмончиликда тўйга бормасанг-да, мусибат етган хонадонга бориб хол-ахвол сўра» қабиллада яшашни одатга айлантган. Аммо бугунги вазият мутлақо ўзгарган.

— Сўнги бир ҳафта давомидида туманимизда кексалик ва сурункали касалликлар туфайли 5 киши вафот этди, — дейди **Богот тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Эркин Рўзметов**.

— Тушунтириш ва тарғибот ишларимиз натижасида «Хуррият», «Бозор», «Ёш ўсмир», «Ўзбекистон» ва «Янги қадам» маҳаллаларида уюштирилган жсаноза маросимларига марҳумларнинг яқин қариндошларидан иборат 10-15 нафар киши иштирок этди. Қолаверса, маҳаллалар аҳлига дафн маросимларидан бошқа маъракалар ўтказилмаслиги ҳақида тушунтириш берилди. Бугунги вазиятни тўғри баҳолаган боготликлар карантин қоидалари асосида яшамоқда.

Кун тартиби тўғри ташкил этилса, вақт мазмунли ўтади

Вазирлик ходимлари ҳар бир хонадонда соғлом мухитни мустаҳкамлаш учун карантин даврига мўлжалланган, тавсиявий характерга эга «Намунавий оила кун тартиби»ни илгари сурмоқдалар. Мазкур кун тартиби оиланинг ҳар бир аъзоси (нуронийлар, ота-она ва фарзандлар) эҳтиёжидан келиб чиқиб, фақатгина уй ичида бажарилиши мумкин бўлган вазифалардан иборат. Аник режа интизомга ўргатади. Интизом эса бугунги таҳликали кунларда жуда муҳим. Шундай экан, мазкур тавсиявий кун тартибининг юрдошларимизга фойдаси тегиши шубҳасиз.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»

Эътиборли жиҳати шуки, маҳалла мутасаддилари фаолият жараёнига замонавий коммуникация технологияларини кенг жорий этишмоқда.

Халқимизга хос яна бир фазилат — якка-ёлғиз кексаларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиш, озик-овақат ва дори-дармонсиз қолиб кетишларининг олдини олишда ҳам ойлик доирасидаги вазифалардан. Бир сўз билан айтганда, маҳаллада ҳамжихатлик, меҳр-оқибат муҳити қанчалик кучли бўлса, синовли кунлар қатта талафот етказмайди.

Бугун интернет имкониятларидан фаол фойдаланилмоқда. Аммо айримлар бундай қулайликни аҳоли орасида ваҳима, асоссиз миш-мишлар тарқатиш мақсадида кўллаётгани ҳам бор гап. Ойлик доирасида шу каби вазиятлар доимий назорат қилиб боришмоқда. Бозорлардаги нарх-навоининг асоссиз ошиб кетмаслиги учун маҳаллалар фаолиик кўрсатиши тарғиб этилаёттир. Аникланган ҳолатлар бўйича мутасадди ташкилотлар хабардор қилинмоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида мазкур ойлик доирасида илк тадбир ўтказилди. «Ҳар бир инсон меҳр ва эътиборга лойик» шiori остидаги хайрия ишларида Топкент шаҳридаги кўплаб саховатпеша хамюртларимиз ўзларининг бегараз ёрдамлари билан иштирок этишига ойлик доирасидаги тадбирларнинг аҳамиятини исботлади. Тумандаги 140 дан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз яшовчи

ДАРВОҚЕ...

Тарғибот ойлги давомида миллий қадриятлар — ҳунармандчилик, гилам тўқиш, куллулчилик, этикдўзлик, каштачилик асосида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган оилаларга алоҳида аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, уларнинг сонини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилади. Тўғри овқатланиш, санитар-гигиеник қоидаларга амал қилиш, жисмоний фаолликни ошириш, кексалар саломатлигини асрашга доир тарғибот ишлари мунтазам йўлга қўйилади. Оила-турмуш муносабатлари доирасида юзага келиши мумкин бўлган турли низо ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида худудий профилактика инспекторлари суҳбатлар ўтказиб боради.

«Ўзтемирўйлийловчи» АЖ қарийб 87 мингта чиптанинг пулларини қайтарди.

«ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗ КАСБИМДАН БУ ҚАДАР ҒУРУРЛАНМАГАНМАН»

дейди Вирусология илмий текшириш институти шифокори Хушнурса Саидгазиева

Хитойда коронавирус авж олган дамларда инфекцияга чалинганларни даволашда иштроқ этаётган бир ҳамширанинг унга овқат келтирган 10 ёшли қизчаси билан узокдан мулоқот қилгани, аёлнинг боласини бағрига босолмай оналик меҳрини имо-ишораларда изҳор этгани миллати, тилини дини турфа бўлган дунё аҳлини таъсирлантириб юборганди. Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси на сарҳад, на миллат танламай шиддат билан тарқалиб бораётгани оқибатида соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари катта масъулият юкланмоқда, улардан фидойилик талаб этилаётир. Айни пайтда нафақат инфекцияга чалинганларнинг, балки бутун инсониятнинг умид кўзи шифокорларга қадалган, десак муболаға бўлмайди.



ДАРВОҚЕ...

Таъкидлаш жоизки, пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилинган. Уларга маҳаллий ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда. Маълум қилинишича, мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари қучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сихатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилган.

Бундай улкан масъулиятни чуқур ҳис этган юртимиз тиббиёт ходимлари ҳам жасорат ва шиддат билан COVID-19 балосига қарши мардона курашмоқдалар. Маълумотларга кўра, коронавирус инфекциясини юктириб олганлар орасида 11 нафар шифокор ҳам бор. Айни пайтда уларнинг фидойилиги бутун халқимизни тўқинлантирмоқда.

Шифокорлар — бугуннинг қаҳрамонлари

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев сўнгги кунларда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган катор видеоселектор йиғилишларида, икки марта халқимизга йўллаган мурожаатида ҳам шифокорларимизнинг шарафли меҳнатига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимиз ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдирар экан, жумладан: «Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос

Фидойилик ва қаҳрамонлик учун рағбат

— Қарорга мувофиқ, коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришмагандан, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимлар ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча рағбатлантирилади.

— дейди Санитария-эпидемиология агентлиги директори, давлат бош санитария врачлари Баҳром Алматов. — Бу рағбат врач-ҳодимлар, врач-лаборантлар учун — 25 миллион сўм, ўрта тиббиёт ходимлари, ҳамшира-лаборантлар учун — 15 мил-



лион сўм, кичик тиббиёт ходимлари учун — 10 миллион сўм, бошқа ходимларга — 5 миллион сўм қийматида белгиланган. Махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилди.

Сир эмас, коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юктириб олдан тиббиёт ходимлари сони юртимизда 11 нафарни ташкил этмоқда. Қарорда бундай

тиббиёт ходимлари учун ҳам алоҳида ғамхўрлик акс этган, яъни беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юктириб олган тиббиёт ходимлари, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимлар учун 100 миллион сўм тўланади. Коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида мазкур инфекцияни юктириб оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига эса 250 миллион сўм миқдорда бир марталик тўловлар тўланади.

«Кўлни қўлга бериш орқали муваффақиятга эришдик»

Куни кеча Вирусология илмий текшириш институти клиникасининг коронавирус инфекциясига қарши қаҳрамонларча курашган бир гуруҳ тиббиёт ходимларининг 14 кунлик фаолияти якунига етиб, улар уйларига юксак эҳтиром билан кузатилиди. Ушбу

фидойи шифокорлар ўрнида энди бошқа тиббиёт ходимлари — навбатдаги қаҳрамонлар фаолият бошлашди. Дарҳақиқат, бу инсонлар том маънода бугуннинг қаҳрамони га айланишди, халқимиз уларни олқишламоқда, ўз миннатдорликларини турли кўринишларда изҳор қилмоқда.

Айни дамда инсоният бошига мисли кўрилмаган кулфат тарқатаётган коронавирус пандемиясига қарши курашаётган шифокорларни Гиппократ касамига содиқлик билан бирга, виждон амри, халқи ва мамлакатни олдидаги жавобгарлик туйғуси ҳам оёқда мустаҳкам ушлаб турибди. Республика вирусология илмий текшириш институти клиникаси шифокори Хушнурса Саидгазиева ҳам буни 14 кунлик фаолияти давомида яққол ҳис этганини таъкидламоқда.

— Касалликка қарши кураш бошлаганимизда беморларнинг умид билан тикилиб туришимиз, давлатимиз ва ва-

зирлигимиз ҳар қандай даво воситасини узлуксиз етказиб бергани боис сўзга 20 соатлаб ишласак-да, руҳан тетик юрдик, бирор камчилик сезмадик, — дейди Х.Саидгазиева.

— Ҳаммамиз ҳам жиҳатликда беморларимизнинг тушуб қолмаслиги учун ҳаракат қилдик ва улар ҳам бизга катта ёрдам беришди. Фақат ана шу қўлни-қўлга бериш орқали бугунги муваффақиятга эришдик.

Шифокорларни қўллаб-қувватлаш учун юртдошларимиз томонидан уюштирилган челленждан хабар топиб, кўзимизга ёш келди. Беморлар олдида узлуксиз бўлиб, бу ҳолатни тўлик кузата олмадик, лекин эшитишимиз билан шу юрт фарзанди эканимиздан фахрландик.

Мухтарам Президентимизнинг биз, тиббиёт аҳлининг меҳнатларини эътироф этганлари, бутун халқ номидан миннатдорлик билдирганлари кучимизга куч қўшди. Қолаверса, моддий рағбатлантириш тўғрисидаги қарорни айни иш кизгин пайтда эшитдик. Ҳеч қачон ўз касбимдан бу қадар ғурурланмаганман. Албатта, моддий рағбатлантириш ҳам муҳим. Лекин, энг асосийси, маънавий қўллаб-қувватлашни ҳис қилдик. Бу қарор барча тиббиёт ходимларига катта далла бўлди.

* * *

Умуман олганда, бугунги кунда давлатимиз томонидан ушбу вирусли инфекцияни жиловланган, тарқалишининг олдини олиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар фуқароларнинг қасалликни юктириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралайди, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловланган хизмат қилади. Ушбу вазиятда эса ҳар биримиз зиммамиздаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, интизомга риоя қилишимиз, ҳамжиҳат бўлишимизни даврнинг ўзи тақозо қилаётир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Вазирлар Маҳкамаси берган хабарга кўра, Ўзбекистон Хитойдан 27,8 миллиард сўм эвазига вирусни аниқлайдиган 200 мингта тест-системаси ҳамда 50 мингта бир марталик бош кийимли ҳимоя комбинезонини сотиб олди. Олиб келинган юкнинг умумий оғирлиги 20 тоннага яқин.

лион сўм, кичик тиббиёт ходимлари учун — 10 миллион сўм, бошқа ходимларга — 5 миллион сўм қийматида белгиланган. Махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилди.

Сир эмас, коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юктириб олдан тиббиёт ходимлари сони юртимизда 11 нафарни ташкил этмоқда. Қарорда бундай

Инсонпарварлик юки ортилган поезд Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига йўл олди.

«ИККИНЧИ БОР ТУФИЛИШ БАХТИ»

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирусга чалинган беморларнинг соғайгани ҳақидаги хушxabарни бутун Ўзбекистон байрам каби қаршилади. Сабаби, ушбу ҳамюртларимизнинг орамизга қайтиши аслида инсон иродаси энг хавфли касалликни ҳам енгилга қодирлигини намён этди. Қолаверса, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига Президентимиз ташаббуси билан алоҳида эътибор қаратилгани коронавирус балосига қарши самарали курашишга замин ҳозирлади. Эндликда юртимизнинг барча ҳудудларида махсус шифохоналарнинг жадаллик билан қурилаётгани, зарур тиббий ускуналар, жумладан, 200 мингта тест-система ҳамда 50 мингта бир марталик бош кийимли ҳимоя комбинезони сотиб олинди, 500 та сунъий нафас олдириш аппаратлари харид қилиш чоралари кўрилаётгани шифокорларимиз фаолияти самарадорлигини янада оширади, албатта. Бу эса айна пайтда коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларнинг соғайиб кетишларида муҳим аҳамиятга эга.



Алишер Мусабеков — COVID-19 коронавирус инфекциясидан шифо топган ҳамюртимиз. У 49 ёшда. Коронавирусга чалингани унинг ҳаётдаги жиддий синовлардан бири бўлди.

— Ўзим тошкентликман, Қозоғистонга иш юзасидан боргандим, қайтишда, чегарадан ўтишда тепловизор орқали текширишди ва ҳароратим оисгани маълум бўлди, дейди А.Мусабеков. — Дарҳол карантинга олишди ва текширишлардан кейин вирусология илмий текшириш институтига олиб келишди. Ҳадиқсизраганим, карантинга олишганида кўнглимдан норозилик ўтгани

яна қайта туғилдим, Ўзбекистонимнинг кучли кўлларини ҳис қилдим. Бунинг бирор муболағасиз айтман. Шифокорлар эрта-ю кеч ёнимизда бўлишди, на дори-дармондан, на озиқ-овқатдан бирор камчилик сезмадик. Ҳаммаси кўнглидагидек, бизни барча шароитларга эга алоҳида палаталарда сақлашди, дунё воқеаларини телевизор орқали кўриб, яқинларимиз билан мулоқот қилиб турдик. Шифокорларга минг бор раҳмат айтаман. Юрдошларимизга шунини айтишни истардимки, бу — яшириладиган ёки жуда оғир ўтадиган касаллик эмас. Ўз вақтида керакли чоралар кўрилса, ҳаммаси жойи-

— Ҳадиқа Шаҳобованинг бу борада ўз фикри, аччиқ бўлса-да тажрибаси бор.

— Касалликдан бутунлай соғайиб, ёруғ юз билан ошам, яқинларим баерига қайтиши бахтига муяссар бўлганимдан бошим осмонга етмоқда, — дейди Х.Шаҳобова. — Аввало, бизга гамхўрлик қилиб, соғайиб кетишимиз учун барча имкониятларни яратиб берган Президентимизга мингдан-миг ташаккур айтаман. Бизни даволаган шифокорлар, ҳамшираларнинг барчасига катта раҳмат. Барака топишсин, Оллох улардан рози бўлсин! Тиббиёт ходимлари бизни фақат дорилар билан эмас, ширин сўзлари билан ҳам даволашди, руҳан кўллаб-куватлашди. Дори-дармон ўз йўлига, аммо ишончим қомилки, энг яхши даво — меҳр экан. Назаримда, соғайиб кетишимизда айнан мана шу меҳр, гамхўрлик ва тиббиёт ходимларининг ишончи асосий омил бўлди. Чунки ҳар куни уларнинг кўзига умид ва ҳадиқ билан термилардик, уларда тушқунлик ёки саросима бор-йўқлигини билишга интилардик. Шифокору ҳамширалар, ҳатто санитар ходимларнинг кўтаринки кайфияти, хушмуомаласи эса қалбимдаги гўборларни ариштиб юборарди. Мана, бузун сонпа-соғман, уйбун инфекцияни бутунлай енгдим. Бу галабада, албатта, Вирусология илмий текшириш институти клиникасида меҳнат қилаётган заҳматкаши тиббиёт ходимларининг ҳиссаси беқий. Мен уларнинг жонбозлигини умрбод унутмайман.

Яна ўз ҳаётимга, ошам баерига қайтману, биз ҳаммиса ҳам қадрига етавермайдиган бебахо неъмат — саломатлик, янаши завоқи, оила кучоғи қанчалар тансиқ эканига, уларни йўқотиб қўйиши қанчалар даҳшатли эканига амин бўлман. Коронавирус балоси тарқалиб кетишининг олдини олиш учун давлатимиз жерий қилган чекловлар доирасида уйда, оиласи, фарзандлари даврасида ўтирган юрдошларимиз бунинг бизчлик англай олмайдилар,

аммо карантин қоидаларидан бўйин товлаш даҳшатли хато бўлишини тушуниб етишларини хоҳлардим.

Бошқа беморларга ҳам тезроқ соғайиб, эсон-омон оиласи баерига қайтишини тилайман. Ҳалқимиз соғ-омон, юртимиз тинч бўлсин! Бу касаллик юртимиздан, ер юзидан тезроқ кетсин. Бирор она болаларидан айро тушмасин. Ҳар битта одам карантин қоидаларига амал қилиб, ниқоб тақиб юрса, гигиенага риоя қилса, бу иллат унга яқинлашмаслигини таъкидлашни истардим. Фидойи, ўз касбининг устаси бўлган шифокорларимизнинг билими, малакаси эса ушбу касалликни енгилга қодир эканига мен гувоҳман.

Хушxabарлар давомли бўлади

Коронавирус инфекциясига чалинган беморлардан яна 4 нафари бутунлай соғайиб, реабилитацияга кузатилди ва касалликни енганлар сони 12 нафарга етди. Хасталикдан фориг бўлган ҳар бир фуқаро шифокорларга алоҳида мин-

натдорчилик билдирди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизмати хабар беришича, улардан бири жорий йилнинг 14 март куни Лондон — Тошкент йўналишидаги рейс билан пойтахтимизга келган. 16 март куни унда коронавирус касаллиги аниқланган. Ўтган вақт давомида у Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида тўлиқ даволанди. Эътироф этиш жоизки, фидойи шифокорларимиз томонидан кеча-ю кундуз тиббий назоратга олинган ҳолда, халқаро стандартлар асосида зарур даво муолажалари олиб борилгани ушбу беморнинг буткул соғайишини таъминлади.

Айни пайтда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам тиббиёт ходимлари коронавирус инфекциясига чалинган беморларнинг соғайиб кетиши учун бор маҳоратларини ишга солиб, қаҳрамонларча курашмоқда. Бундай фидойилик эвазига ҳар куни хушxabарлар — соғайилган ҳақида эшитишимизга ишончимиз қомил.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»



рост. Аммо шифокорларнинг хотиржамлиги, ўз ишларига жиддий ёнаошишлари мени тинчлантирди. Шу ўринда ўз бошимдан ўтказган инсон сифатида юрдошларимга айтмадиган гапларим бор — аввало, ваҳимага тушимаслик керак, ишу билан бирга, шифокорларнинг эҳтиёт чоралари бўйича айтган ҳар бир тавсиясига амал қилиш даркор. Мен даволашнинг ҳар бир босқичида бунинг теран англаб етдим — бежиз эсон кўйдирилмапти. Шу ўринда касалликдан йироқ бўлиш учун ваҳима ҳам, бепарволик ҳам бирдек хатарли эканини унутмаслик жоиз. Айни пайтда кўнглимнинг безъитиборлигига, бу касаллик менга юкмайди, қабилда бепарво бўлаётганига тушунмайман. Таъкидлаш ўринлики, мен

да бўлади. Карантиндан бўйин товлаш, касалликни яшириши фақат ёмон натижага олиб келади. Бунинг шаксан кузатдим. Аллоҳга шукр, соғайиб чиқдик. Шифохонада бошқа беморлар қолди, умид қиламанки, улар ҳам тез орада соғайиб чиқиб, сафимизга қўшилишади. Юртимиздаги ҳамма беморлар ҳам соғайиб кетишсин.

«Дори-дармон ўз йўлига, энг яхши даво — меҳр экан...»

Коронавирус инфекциясига чалиниши — даҳшатли мусибат эмас. Бу касалликни, албатта, енгса бўлади. Бунинг учун нима муҳим? COVID-19 иллатидан бутунлай фориг бўлган 8 нафар юрдошларимиздан бири

ДАРВОҚЕ...

ТУРКИЯ COVID-19 АВЖ ОЛГАН МАМЛАКАТЛАР 10 ТАЛИГИГА КИРДИ

Айни пайтда Италияда тождор вирус пандемияси билан боғлиқ вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда, ўлим кўрсаткичи бу ерда 12428 ни ташкил этиб, бу Хитойга нисбатан 4 баробар кўпдир.

10 таликда АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Бу ерда касалликка чалинганлар 188 мингдан кўпроқни ташкил этиб, кунига 20 мингдан ортиқ янги ҳолат аниқланмоқда. Океан ортида вафот этганлар сони 4000 дан зиёд. Кейинги ўринларни Италия (зарарланганлар сони 105 792), Испания (95923), Хитой (81518), Германия (71690), Франция (52128), Эрон (44605), Буюк Британия (25150), Швейцария (16605), Туркия (13531).

Россияда коронавирус билан зарарланганлар 2337 нафар, вафот этганлар сони 17 тани ташкил этмоқда.

Айни пайтда дунё бўйича COVID-19 инфекцияси билан оғирланган 853127 киши, тузалганлар 176834 нафарга етган. Шулардан 41983 нафари вафот этган.

Ўзбекистонда аэропортлар ёпилади ва авиақатновлар бутунлай тўхтатилади.

ҚОИДАЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК ОФИР ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН!

Хўш, БУГУНГИ ҲОЛАТ ҚАНДАЙ ВОҚЕЛИКЛАРНИ НАМОЁН ЭТАЁТИР?
ҲАММАМИЗ ҲАМ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБГА РИОЯ ҚИЛЯПМИЗМИ? НЕГА ОДАМЛАР
КАРАНТИННИ БУЗИШГА УРИНЯПТИ?

Бугун синови кунларда яшайпмиз. Коронавирус пандемияси нафақат бизни, балки бутун дунёни хавотирга соляпти. Бу даврда ваҳимага тушиш эмас, ўрнатилган қоидаларга рия этиш керак. Бойси карантин қоидаларига амал қилмаслик нафақат битта шахснинг ўзига, балки жамиятга ҳам катта хавф туғдириши мумкин. Хўш, бугунги ҳолат қандай воқеликларни намоён этаётир? Ҳаммамиз ҳам белгиланган тартибга рия қиляпмизми? Аслида, сизу биз кўп эшитаётган ва тилга олаётган карантиннинг ўзи нима?

Карантин ўзи нима?

Карантин — италянчадан «кирк кун» деган маънони англатади. Карантинлаш эса тиббиётда ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишини чеклашга қаратилган эпидемияга қарши маъмурий ва санитария тадбирлари мажмуидир. У маълум худудни касаллик тарқатуви манбадан муҳофаз қилиш ва йўқотиш, касалликнинг бир жойдан бошқа худудларга тарқалиб кетишига йўл қўймайсизка қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади.

Карантиндаги шахслардан нега телефон олиб қўйилмоқда?

Карантин эълон қилинган жойда аҳоли орасида барча турдаги алоқа, борди-келди чекланади. Юртимизда ҳам шунга ўхшаш вазиятнинг гувоҳи бўляпмиз. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори билан карантинга жойлаштирилган шахсларга тегишли бўлган мобил телефон, аудио ва видео воситалар, банк карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча олиб қўйилади.

Вирусолог олимларнинг таъкидлашича, ушбу буюмлар инфекцияни ўзида сақловчи ва тарқатувчи хусусиятга эга бўлиб, уларни карантин худудига олиб кириш санитария талабларига зиддир. Қарор билан тасдиқланган Низомда вақтинчалик олиб қўйилган буюмлардан шахс инфекция юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борган жойларини аниқлаш мақсадида ўрганилиши кўрсатиб ўтилган. Россия, Сингапур, Исроил ва бошқа бир қатор давлатларда бу усулдан фойдаланилаётганини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда карантиндаги шахс ўзлари билан алоқада бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни яширади ёки унутиб қўяди. Юртимизда коронавирус аниқланган биринчи бемор билан содир бўлган воқеа бунга яққол мисол бўла олади.



Шунингдек, ушбу чеклов жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотларини тарқатмаслик учун ёрдам беради. Ижтимоий тармоқларда карантин жойларидан олинган кўплаб видео ва сахналар тарқатилмоқда. Кўплаб пост ва роликларда вирус билан курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, чет элдан олиб келинган фуқароларни сақлаш шароитлари тўғрисида асоссиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилмоқда. Шу билан бирга, ушбу муассасаларда жойлаштирилган бошқа шахсларга тегишли маълумотлар бўйича конун ҳужжатларида белгиланган чекловларга қўшимча рия қилинмайди.

Қонунга кўра, жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари махфий ахборот тоифасига кириди. Бузилган маълумотлар ва фақат субъектив баҳолашлар аҳоли ўртасида ваҳима пайдо қилиб, жамиятда турли миш-мишлар тарқалишига олиб келиши мумкин. Вақтинчалик олиб қўйилган буюмлар шахс даволаш муассасасидан чиқайтган вақтдагина ўзига қайтариб берилади ёки унинг яқин қариндошлари ёхуд вакилларига топширилади.

Жавобгарлик кучайтирилди, ҳатто жиноят иши очилиши мумкин

Инфекция тарқалишининг олдини олиш ишларини тўлақонли амалга ошириш, эпидемияга қарши курашиш қоидаларига сўзсиз рия этилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги конун имзоланди.

Унга кўра, Жиноят кодексининг 2571-моддасининг санкцияси оғирлаштирилиб, Санитарияга оид конун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, одамларнинг оммавий касаллинишига ёки захарланишига олиб келиб, бу қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса — етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, бир нечта одам ўлимига са-

баб бўлса, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига ўзгартириш киритилиб, унга кўра, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида никобсиз бўлиш — базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, юқоридagi каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан, шифохонадаги ички тартибга рия этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва бу жойни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларни узрли сабабларсиз бажармаслик фуқароларга — базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қоидаларга амал қилинмаптими?

Карантин тадбирлари эълон қилинган вақтдан 31 март санасига қадар республикамиз бўйича карантин қоидаларига амал қилмаслик билан боғлиқ жами 14 минг 968 та ҳолат аниқланган. Уларнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрида (2 минг 621 та ҳолат) кузатишган.

Хусусан, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги Муқанна кўчасида яшовчи А.А. жамоат жойида тиббий никобсиз юргани аниқланиб, маъмурий жавобгарликка тортилган. Тушунтириш ва тарғибот ишларига қарамай, ўз билганини қилганлар орасида Қарши шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маҳалласида жойлашган компьютер ўйинлари маркази



ДАРВОҚЕ...

Юртимиздаги жазони ижро этиш муассасаларининг барчаси карантин режимига ўтказилган. Маҳкумларга яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашув вақтинча тўхта-тилди. Бунинг ўрнига улар телефон орқали гаплашишлари мумкин.

иш бошқарувчиси ҳам бор. Мазкур фуқаро шу кунга қадар компьютер ўйинлари марказининг фаолиятини тўхтатмагани учун унга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилган.

Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Хизиробод» маҳалласида истиқомат қилувчи А.Ю. эса карантинга олинган бўлса-да, карантин жойини ўзбошимчалик билан тарқ этган. Бу хатти-ҳаракат ҳам маъмурий жавобгарлик учун асос бўлди. Карантин тартибини касддан бузгани учун жиноят иши қўзғатилган сурхондарёлик А.А.нинг қилмиши оқибатида у билан мулоқот қилган 8 нафар оила аъзоси тиббий карантинга олинди.

Тошкент вилояти Паркент туманида яшовчи Т.Э.нинг беписандлиги 6 нафар, бухоролик Ш.Р.нинг қилмиши 4 нафар оила аъзосининг карантинга олинишига сабаб бўлди. Улар тиббий карантинни бузишлари оқибатида нафақат ўзи, балки оила аъзоларининг ҳам ҳаётини хавф остига қўйишди.

Карантинда сақланаётган барча фуқароларни оғохлантирмайсиз: қоидаларга жиддий муносабатда бўлинг. Ўйламадан қилган ҳаракатингиз нафақат ўзингиз, балки атрофдагиларнинг ҳаётига ҳам хавф туғдириши мумкин. Ҳар бирингизга худудий профилактика инспектори бириктирилган. Уларнинг талабларига қатъий амал қилинг. Уйингизни ёки тиббиёт масканини асло тарқ этманг.

Карантин қоидалари ва санитария чекловларига рия қилиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, ҳамон қоидабузарлик ҳолатлари кузатилаётгани ачинарли, албатта. Хурматли юрдошлар, ҳар биримиз зиммамиздаги вазифага янада масъулият билан ёндашиб, санитария-гигиена талабларига қатъий рия қилишимиз лозим. Шундангина коронавирусга қарши тура оламиз. Унутманг, биз биргаликда бу синовларни, албатта, енгиб ўтамиз.

Шохрух ГИЁСОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоатчилик ва оммавий ахборот
воситалари билан алоқалар
бошқармаси раҳбари.

Коронавирусга қарши дори воситаларини инсонларда клиник синовдан ўтказиш бошланади.

Пандемия жамиятнинг ижтимоий мослашуви кўрсаткичига айланди

Биз ҳаммаиз мисли кўрилмаган, синовли вазиятда-миз. Яқин тарихда инсоният бундай глобал касаллик билан энди юзлашиб турибди. Бугунги эпидемиологик вазиятда мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг ўзаро бирдамлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши олдимизда турган муаммоларни осон енгиб ўтишимизда яқиндан ёрдам беради. Шу кунларда Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли иш — «Биз — биргамиз!» лойиҳаси бошлаб юборилгани бу борада муҳим аҳамият касб этади. Хўш, халқимиз орасида ижтимоий масъулият хисси қай даражада шаклланган?



Муаммо шундаки, бугун биз барча масъулиятни давлат ва соғлиқни сақлаш тизимига юклаган одағланганмиз. Ижтимоий алоқалар тизимимизга эга бўлган жамиятда яшаганимиз учун ҳатто кимдир биз учун нон пиширишга, бизни ишга олиб бориб қўйишга ва грипдан даволашга ишонамиз. Ушбу қулайликларни шунчаки кимдир яратиб беришга мажбурдек қабул қилишимиз айнан ижтимоийлашув, — бу жамият ҳар бир аъзосининг алоҳида жавобгарлигини аниқлаштиришни бутунлай унутишимизга сабаб бўлди. Бунинг салбий оқибатига эса ҳозирги синовли дамларда яқсон гувоҳ бўлиб турибмиз: ваҳимага тушиб бозордан озиқ-овқат ташиш, қўйиб берса, қўчда бемалол тиббий никобсиз юриш, ҳеч нарсани ўйламай карантин ҳудудидан кочиш қолиш ва ҳоказо. Бундай худбинона табиатимиз ўзгалар тугул, ўзимизга ҳам ёрдам беришга қодир эмаслигимизни кўрсатади. Шундай экан, «Биз — биргамиз!» лойиҳаси айни шу иллатларимизни «дав»лашда қандай ўрин тутайди? Умуман, ушбу ташаббус қайси ижтимоий вазифаларни амалга оширишни кўзлайди?

1500 дан ортик ёрдамга муҳтож оилага ижтимоий кўмак берилади

— «Биз — биргамиз!» ижтимоий лойиҳаси вазирлигимиз томонидан 2018 йилдан буён амалга ошириб келинади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Эркинжон Абдуллаев. — Аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур лойиҳа доирасида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонлар ижтимоий ва иқтисодий кўмак доирасига қамраб олинаётир. Маълумки, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш мақсадида одамларнинг ҳаракатланишига айрим чекловлар киритилганлиги натижасида, аввало, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, яъни кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор шахслар ва ишсиз фуқароларни зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш эҳтиёжи ортомқда. Бундай шароитда нафақат давлат, балки ҳомийлар ва са-

маълум килди. Олиб борилган ўрганишлар натижасида Адлия вазирлиги, Шодиев халқаро фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Мадал» нодавлат ношжорат ташкилотлари томонидан республика бўйича 1500 дан ортик ёрдамга муҳтож оила аниқланди. Фондининг ёрдами билан жами 13 турдаги бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббиёт воситаларини ўз ичига олган ижтимоий ёрдам тўпламлари шакллантирилди. Мазкур ижтимоий ёрдам тўпламлари ортилган автоуловлар ички ишлар органлари кузатуви билан республиканинг олис ҳудудларида яшовчи

улар ўртасидаги бирлик, меҳр-шафқат бирмунча кучайганига амин бўласиз. Оғир вазият халқимизни маълум даражада бирлаштирган. Аммо, тан олиш керак, бу ҳукуватимиз ва бошқа давлат, жамоат тузилмаларининг хизмати эвазига шакллантирилмоқда. Афсуски, ҳар куни бу касалликка чалинганлар сони кўпайиб бораётган бир пайтда, вазият тўлиқ назорат остида деб айта олмаيمиз. Бу эса қўшимча чоралар кераклигини аниқлатади. Биринчи навбатда, ҳар биримиздан масъулият талаб этилади.

Жорий йилнинг 29 март куни Хитой коронавирус эпидемияси устидан галаба қозонганини эълон қилди. Инфекция ҳали тўлиқ бартараф этилмади, аммо унинг тарқалиши тўлиқ назоратга олинди. Биринчи навбатда, бунга хитойликларнинг ажойиб интизоми ва масъулияти туфайли эришилди. Улар инфекциянинг тарқалишига фақат биргаликда курашиш мумкинлигини ўз вақтида тушуниб, керакли чораларни кўришди. Ва бу дарҳол натижа кўрсатди. Аксинча вирусга аҳамият бермаган баъзи мамлакатларда инфекциянинг назоратсиз тарқалиши ва касалликни юктириб олганлар орасида ўлимнинг кескин охиб кетиши ҳолатлари кузатишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, коронавирус пандемияси жамиятнинг ижтимоийлашув кўрсаткичи бўлиб, бу бизнинг қанчалик масъулиятли, инсонпарвар ва меҳрибон эканлигини белгилаб беради. Биз оиламиз, қўллаб-қувватлашимизга муҳтож ёлғиз инсонлар, айниқса, хавфли гуруҳга кирувчи кексалар тўғрисида қайғуришга тайёرمىзми? Шу маънода «Биз — биргамиз!» ижтимоий лойиҳаси аҳолининг умумий мақсад ва манфаатлар йўлида бирлашишга ўргатиши, жамиятимизда инсонпарварлик муҳитини қарор топтиришга хисса қўйиши билан чуқур аҳамият касб этади.

Тўлкин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Афсуски, ҳар куни бу касалликка чалинганлар сони кўпайиб бораётган бир пайтда, вазият тўлиқ назорат остида деб айта олмаимиз. Бу эса қўшимча чоралар кераклигини аниқлатади.

вобталаб инсонлар томонидан ҳам улар учун керакли моддий ёрдам ажратилиши муҳим ҳисобланади.

Айни кунларда бу борада қатор хайрли ишларга қўл урилаётгани кишини хурсанд қилади. Хусусан, Шодиев халқаро фонди Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларга ўзининг хиссасини қўйишга ва дастлабки босқичда аҳолининг кам таъминланган қатламига моддий кўмак беришга тайёрлигини

юртдошларимизга етказиш учун йўлга чиқди. Ижтимоий ёрдам тўпламларини эгаларига топшириш пайтида ҳудудий адлия органлари ва «Мадал» нодавлат ношжорат ташкилотининг жойлардаги филиаллари томонидан уларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Эзгуликнинг қаноти бор

Мазкур лойиҳа самараси одамларнинг бир-бирига меҳр-мурувватли, оқибатли бўлишига, қолаверса, ўз фуқаролик масъулиятларини тўлиқ ҳис этиши, ўрнатилган қонун-қоидалар ва тартибларга сўзсиз риоя қилишига ҳам хизмат қилади. Чунки эзгуликнинг қаноти бор, дейишганидек, агрофла бўлаётган инсонпарвар муносабатлар, савобли юмушлар кўпчилиги учун ибрат вазифасини бажариши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ҳозир одамлар билан суҳбатлашсангиз, коронавирус пандемияси сабаб

ДАРВОҚЕ...

КОРПОРАТИВ ИЖТимоий МАСЪУЛИЯТ НИМА?

Корпоратив ижтимоий масъулият (КИМ) масаласи ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳар тарафлама, ҳатто фойда олишдан ҳам муҳимроқ вазифа деб қабул қилинган. Чунки ҳар бир корхона даромад олиш, жамиятнинг ривожланишига ўз хиссасини қўйиш билан бирга табиатга зарар етказмасликка ҳаракат қилишни ўз бурчи деб билади. Масалан, Буюк Британиянинг энг чекка қишлоқларида ҳам катта кичик корхоналар ўз обрўси ҳақида қайғуради, фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида ҳисобот беради.

Жаҳон бозорида муваффақият қозониш учун компания ва ташкилотлар кучли КИМ сиёсатини ишлаб чиқишлари, иқтисодий, ижтимоий ва экологик стандартларини яхшилаши зарур. Масалан, энг йирик инвестицион компанияларнинг ривожланаётган мамлакатларга киришдан қўрққанининг сабаби шунки, улар киритаётган сармояларининг этикага тўғри келмайдиган тадбиркорлик фаолиятига ишлатилишидан хавфсирашади, чунки бу уларнинг обрўсига путур етказиши.

КИМ қашшоқлик, инсон ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, таълим, мажбурий меҳнатни тугатиш сингари масалаларни ҳал қилиш учун ривожланиш воситаси бўлиши керак. Корхоналар ва ташкилотларнинг бу борадаги сиёсати маҳаллий қадриятлар, муаммолар ва ривожланиш муаммоларига асосланган бўлиши даркор.



«Автотранспорт воситалари ҳаракатланишига махсус рухсатнома олиш» хизмати жорий этилди.

БАРЧА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР ПАНДЕМИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА



Дунёдаги қалтис эпидемик вазият туфайли Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида бир қатор қатъий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторида коронавирусга қарши курашишда шифохоналарни тезлик билан куриш тажрибаси кўпчилик давлатлар мисолида ўзини оқлади. Хитой давлатида олиб борилган ишларда бунга яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг топшириғига биноан, коронавирус тарқалиб кетишининг олдини олиш, хориждан олиб келинаётган юрдошларимизнинг карантин муддатига қулайроқ шароитларда яшати, мабодо вирус аниқлангудек бўлса, даволанишлари учун қулай ва замонавий шароит яратиш мақсадида тез фурсатда шифохона куриш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди. Хўш, юртимизда бутун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳусусда мутахассисларга юзландик.

10 триллион сўм ҳажмдаги жамғарма тузилган

— Президентимиз раислигида жорий йилнинг 26 март кунини коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аликшер Шодмонов. — Унда буғунги кунда долзарб бўлиб турган барча масалалар кўриб чиқилди. Ҳозирда бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилган. Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. Бу офатдан халқимизнинг асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилувчида. Ҳусусан, касаллик аниқланган илк кундан оқибатда таълим ва ишнинг муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатновчи тўхтатилди. Одамлар гавжум бўладиган жойлар, ҳусусан, барча буюм бозорлари, умумий оқватларини шохдорчалари вақтинча ёшилди. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қорхона ва таъшиқлотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда. Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимида ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сизатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди. Пандемияга қарши курашиш

бўйича 100 миң атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда бошқа давлатлардан олиб келинмоқда. Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охириги 10 кун ичида 20 та чартер рейс амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, кўшн давлатлар билан чегараларимиздан 80 миңдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилактик, санаторий ва бошқа шифо мақодаларида карантинга олинди. Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда. Илгор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилди.

«Махсус шифохоналар» қурилиши яқунланмоқда

— Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва самарали даволаш чораларини кучайтириш мақсадида қисқа фурсатларда қатор шифохоналарни барпо этиш ишлари жадал бошлаб юборилди, — дейди Қурилиш вазирлиги Ботир Зокиров. — Жумладан, Тошкент шаҳрида учта замонавий ихтисослашган тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда. Биринчиси, бу 144 ўринга мўлжалланган Чилонзор туманида янги қурилаётган шаҳар 3-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонаси



ва 158 ўринли шаҳар 4-сонли болалар кардиоревматология клиник шифохона бинолари яқин ойларида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Яшнобод туманида жойлашган Тошкент стоматология институтининг янги қурилаётган биносини 250 ўринли замонавий даволаш муассасасига айлантириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур бино жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилади.

Пойтахтимиздан 25 километр узоқликдаги Тошкент вилоятидаги Юқори Чирчиқ туманининг 50 гектардан зиёд майдонда карантин ҳудуди ташкил этилиб, шифохона куриш ишлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда коммуникация тармоқларини тортиш ишлари ҳам параллел олиб бориляпти. Газ, сув, электр энергияси етказувчи линиялар тортиляпти. Мутахассислар ҳар бир масалада бамаълаҳат иш тутишмоқда.

Карантинга мўлжалланган иншоот ёнида махсус шифохона қурилади. Мабодо келганлар орасида ўн тўрт кунлик карантин муддати ичида касаллик белгилари топилса, улар шу ерда ёнма-ён қад кўтарилган шифохонага ўтказилади ҳамда бемор шу ерда даволанади. Иншоотлар оралиғида махсус санитар зона ташкил этилиб, улар орасидаги масофа 150 метрни ташкил этади.

Карантин иншоотларида мазмунли дам олиш имкониятлари ҳам яратилади, хоналарга телевизорлар жойлаштирилади, иссиқ ва совуқ сув, иситиш ҳамда совитиш мосламалари ва бошқа зарур инфратузилма барпо этилади. Ҳозирда бу ерда бир миң олти юзга контейнер жойлаштирилмоқда. Контейнерларнинг том қисмида махсус изоляция материали ўрнатилган бўлиб, у контейнер ичида зарур микроклимни яратишга кўмак беради. Хоналарнинг ҳар бири ҳожатхона, душ, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, совитиш мосламалари ҳамда телевизор билан жиҳозланади. Ҳар бир фуқаро 27 турдаги шахсий гигиеник восита билан таъминланади.

Худди шундай Тошкент ви-

лоятининг Зангиота туманида ҳам 27 гектар ер майдонига 10 миң ўринли янги шифохона қурилиши жадаллик билан бошлаб юборилди. У иккита блокдан иборат. Бинолар енгил конструкциялар асосида қурилмоқда. Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида 1000 ўринли блок ишга тушиши кўзда тутилган. Ҳозирда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, 2000 дан ортиқ курувчи ва 600 дан ортиқ техника жалб қилинган.

Хулоса ўрнида

Шу билан бирга, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида кўп тармоқли махсус тиббиёт мажмуасининг қурилиш ишлари икки миңдан зиёд илчи жалб қилинган. Бунёдкорлик ишларига нафақат маҳаллий, балки чет элдан келган мутахассислар ҳам ҳисса қўшмоқда. Кўп функцияли шифохона учун аҳоли тураржойларидан белгиланган узоқликдаги ҳудуд танланди. Айни дамда қурилиш ишлари билан бир қаторда хоналарни энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, бионинг атрофини ўраб олиш ҳамда унда канализация, дезинфекция тизимларини йўлга қўйиш ҳаракатлари бошлаб юборилган. Ишлар туну кун олиб борилмоқда, жорий йилнинг 20 апрелигача иншоотни қуриб, топшириш режалаштирилган.

Кўпга келган синов халқимизнинг азалий инсоний кадрларини яна бир бор юзага чикарди. Янги шифохоналар қурилишининг жадаллик билан бошлаб юборилгани, халқимизнинг бошига бироз ташвишли кунлар келганда кўлни-кўлга бериб, эзгу ташаббусларга эрганишга куч топаётгани ҳамжиҳатлик, бирдамлик, бунёдкорлигимизни яна бир бор намоён қилмоқда.

Шунингдек, айни пайтда Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида ҳам коронавирус билан касалланганлар ва уларнинг карантини учун худди шундай муассасалар қурилмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРГА ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Жорий йилнинг 26 мартда Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, нодавлат тиббиёт ташкилотларига коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябргача қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат берилди. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномага кўра амалга оширилади. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади. Нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус билан касалланганларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Инқирозга қарши кураш жамғармаси ҳисобидан қопланади. Эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, заруратга кўра, нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

Россияда коронавирус таҳлили учун ўта аниқ тест-тизим яратилди.



«ФРИЛАНСИНГ»: ҚУЛАЙЛИК ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

КАРАНТИН ДАВРИДА БУ ТИЗИМ ҚАНДАЙ
АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида бугун мамлакатимиздаги кўплаб ташкилотлар ходимларини масофадан туриб ишлаш тизимига ўтказмоқда. Жорий йилнинг 28 март куни айти йўналишдаги Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжат ходим ва иш берувчиларнинг айти вазиятдаги мажбурият ва вазифаларини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, айти пайтда ушбу тажриба нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда кенг қўлланиляпти. Аслини олганда, дунё тажрибасида «Фрилансинг» деб аталувчи масофадан туриб ишлаш усули фойдали тизимлардан бири ҳисобланади. Фрилансинг тамойилида вақт ва жойнинг аҳамияти йўқолади ҳамда транспорт муаммоси, идора-офисларни ташкил этиш учун ортиқча маблағ сарфланмайди. Уй шароитида исталган вақтда ишлаш имкониятини берувчи бу тизим ишчиларга, ортиқча харажатларнинг тежалиши, домий иш ўрни яратиш зарурати бўлмагани учун иш берувчиларга ҳам бирдек қулай.

Масофадан туриб ишловчиларга бугунги кунда талаб ортиб бормоқда. Бундан ташқари, ўз мамлакатидан чиқмасдан туриб, хориж компанияларида ишлаш олиш имконияти мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтиришида ҳам кўл келади. Шу маънода юртимизда кейинги йилларда бу тизимни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2020 йилги Давлат дастурида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида фрилансинг хизматини ривожлантиришга алоҳида уру берилган.

Фрилансинг тизими кенг жорий этилади

Хўш, фрилансинг хизмати ўзи нима? Бу борада жаҳон тажрибаси ва унинг мамлакатимиз тараккиётидаги ўрни қандай? Карантин даврида масофадан туриб ишлашнинг шартлари ва имкониятлари нималардан иборат?

Дунёда турли мутахассис-

лар фрилансинг тизимида фаолият юритади. Айтикса, интернет ва алоқа воситаларидан унумли фойдаланувчи таржимонлар, компьютер технологиялари мутахассислари, архитекторлар ҳамда дизайнерлар кўпроқ фрилансер сифатида иш бажаради. Бу тизимдан биринчи бўлиб АҚШда ўтган асрнинг 70-йилларида фойдалана бошланган. «Freelancer» атамаси инглизча сўз бўлиб, «штатсиз ишчи», «хусусий мутахассис» деган маъноларни англатади. Бу ибора биринчи бўлиб Волтер Скотнинг «Айвенго» романида «Ёлланма аскар» маъносида қўлланилган.

Бугунги кунда АҚШ фуқаролари ушбу тизимдан фойдаланишда етакчи ҳисобланади. Шунингдек, ҳиндистонликлар ҳам фрилансер сифатида ишлаб, мўмай даромад олади. Статистик маълумотларга кўра, ушбу мамлакатда 15 миллиондан зиёд киши фрилансер сифатида фаолият юритади.

— *Фрилансинг тизими соҳаларга рақамли технологияларни жорий этиш орқали ривожлантирилади, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассиси Шаҳноза Равшанова.* — Жорий йилги Давлат дастурида бу тизимни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, вазирлигимиз ва бошқа маъмул ташкилотлар зиммасига «Фрилансинг» тизимини оммалаштириш бўйича «Йўл

харитаси»ни тайёрлаш вазифаси юклатилган. «Йўл харитаси» жорий йилнинг май ойида эълон қилинади. Шунингдек, Давлат дастурига биноан, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик базаси ҳам такомиллаштирилмақда. Ушбу ҳужжатларда ҳам масофавий ишлаш тизими бўйича меъёрлар қиритилади.

Фрилансер сифатида, асосан, IT-технологиялари мутахассислари фаолият юритади. Шу боис мамлакатимизда IT-мутахассисларини тайёрлашга қаратилган тадбирлар ҳам соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиди. Хусусан, «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси фрилансинг хизматининг янада тараккий топишига ҳисса қўшади.

Масофадан туриб ишлаганларга меҳнат таътили берилмайдими?

Юқорида таъкидлаганимиздек, юртимизда коронавиралар даврида иш берувчилар ходимни уларнинг розилиги билан масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкинлиги белгиланди. Хўш, бу тизим қандай амалга оширилади?

— *Яни Низомга мувофиқ, бу ҳуқуқдан биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар фойдаланади, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Севара Давла-*

ДАРВОҚЕ...

ФРИЛАНСЕР БЎЛИШ УЧУН ҚАЙСИ КАСБНИ ТАНЛАШ КЕРАК?

Фрилансинг тизимининг қулайликлари ҳақида эшитган инсон фрилансер сифатида ишлашни олдиға мақсад қилса, не ажаб. Аммо бунинг учун нима қилиш кераклигини барчамиз ҳам билавермаймиз. Келинг, сизга дунёдаги фрилансинг тизимида фаолият юритиб, энг кўп маблағ топиш мумкин бўлган касблар ҳақида маълумот берамиз.

Дастурчи — IT соҳаси бўйича мутахассислар бугунги кунда нафақат дунёдаги, балки юртимиздаги энг кўп маош олувчи кишилар ҳисобланади. Бу соҳада масофадан туриб ишлаш имконияти кенглиги ҳам айти мудоао ҳисобланади.

Дизайнер — дизайн касбларининг ўзи ҳам бир неча турларга бўлинади. Масалан, веб-дизайнер, ландшафт дизайнери, киийм дизайнери ва бошқалар. Уларнинг ҳар бирида киши масофадан фаолият юритиши мумкин. Энг қулайи ва кўп маош тўланадигани эса веб-дизайнерлик ҳисобланади.

Таржимон — ушбу касб эгаларига бугун талаб катта. Қайси соҳани тадқиқ этманг, хориж тажрибасини ўрганишга тўғри келади. Хорижий мамлакатдаги тизим ҳақидаги маълумотларни тушуниш учун эса таржимонларга мурожаат қилишга тўғри келади.

това. — Ходимнинг масофавий иш усулида, мослашувчан иш жаъвалида ёки уйда ишлашга ўтказилиши иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади. Кўнчилик масофавий ишлаш тизимига ўтилгач, меҳнат таътили берилмайди, дея мурожаат қилмоқда. Қайд этиш керак, мазкур ишлаш усулига ўтказилган ходимларнинг меҳнатга таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

Бундан ташқари, ходимларни масофавий ишлаш тизимига ўтказишда Меҳнат кодексининг 73-моддасида белгиланган шартлар ва уларга қўшимча бир қанча талаблар ҳам бажарилиши шарт. Хусусан, иш берувчи ходимни алоқа воситалари билан таъминлаши, интернет тармоғидан фойдаланиши учун шароит ҳозирлаши зарур. Ходим шахсий жиҳоз, техника воситаларидан, интернетдан фойдаланганда харажатларини қоплаш тартиби ҳам аниқ белгиланиши талаб этилади. Ушбу Низом қасаба уюшмалари федерацияси билан келишилган ҳолда тузилган. Унинг бандлари иш берувчи ёки ишчи томонидан бузилса, қонун ҳужжатлариға мувофиқ жазо чоралари қўрилади.

Масофадан туриб ишлаш хавфсизлиги, эркин, қулай иш режими, камхаржлиги билан ҳам ходим, ҳам иш берувчига қулайлик яратади. Хатто бу тизим орқали бошқа бир мамлакатда туриб, бошқа юртдаги катта компанияларда фаолият юритиш ҳам мумкин. Шу жиҳати билан тизим аҳоли бандлигини таъминлашдаги энг яхши механизмлардан ҳисобланади. Ушбу тизимнинг мамлакатимизда оммалашishi, албатта, аҳоли фаровонлиги, юртимиз тараккиётиға муносиб ҳисса қўшади. Бунинг учун эса, энг аввало, ўз ишининг устаси бўлган интеллектуал салохияти юқори, етук кадрларни тайёрлашимиз талаб этилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»





ахон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чеклов киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмақда. Бу эса, ўз навбатида, энг йирик иқтисодийга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.



Ўзбекистон бизнес учун «форс-мажор» тизимига ўтадимми?

АГАР «ФОРС-МАЖОР» ҲОЛАТИ ЮЗ БЕРГАНИ ТАСДИҚЛАНСА, ШУ АСОСДА БИР КУН МУДДАТДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА ТЕГИШЛИ СЕРТИФИКАТ РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРИЛАДИ

Глобал иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодий тизимига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда. Бу омил ўз-ўзидан ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали, олдини олувчи чоралар кўришни тақозо қилади. Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик sanoati каби республика иқтисодий тизимнинг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуқсиз

ишлашнинг таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ белгиланди.

Фармонда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасига чеклов амал қиладиган давр учун энгиб бўлмайдиган кучлар («форс-мажор») ҳолати келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилиш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатлари асосида бир кунлик муддатда тегишли сертификат бериш вазифаси юклатилди. Хўш, белгиланган вазифа ижроси қандай бажарилади?

«Форс-мажор» у қандай тизим?

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, «форс-мажор», бу — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини қўллаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалар бўйича томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлардир.

— Жаҳонда коронавирус пандемияси тарқалиши туфайли уни бартараф этишга қаратилган кескин чораларнинг кўрилиши ташқи савдо соҳасида «форс-мажор» ҳолатини юзага келти-

риб, шартномавий мажбуриятларнинг тўлақонли бажарилмай қолишига олиб келмоқда, — дейди **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари Сардор Рўзиев**. — Ўзбекистон ҳам коронавируснинг тарқалиши сабабли ҳукумат шартномалар бажарилмаган тақдирда бизнес учун «форс-мажор» режимини эжорий этишга қарор қилди. Бундай ҳолатларга қарздорнинг контрагентлари томонидан мажбуриятлар бузилиши, бозорда уни бажариш учун зарур бўлган товарларнинг йўқлиги ва бошқалар кирмади.

Умуман олганда, томонлардан биринчи энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолати юзага келган тақдирда, улар ўзаро манфаатли шартлар билан келишиб олишга ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, шартнома мажбуриятларини ўзгартриш орқали бажариш муддатини узайтириш шулар жумласидан.

Қонунчилик нима дейди?

Фуқаролик кодексининг 333-моддасига мувофиқ, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс бунга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар туфайли имкон бўлмаганини исботлай олмаса, жавобгар бўлиши белгиланган.

Тадбиркор кимга мурожаат қилиши лозим?

Вазирлар Маҳкамасининг «Энгиб бўлмайдиган кучлар («форс-мажор») ҳолатларини тасдиқлаш механизмининг амалга киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тартиби белгиланган.

— Маҳаллий тадбиркорлик субъектлари энгиб бўлмайдиган кучлар оқибатида ташқи савдо шартномаларидаги мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаганда «форс-мажор» ҳолатлари тасдиғини олиш учун **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Савдо-саноат палатасига мурожаат қилиши лозим**, — дейди **Савдо-саноат палатаси матбуот хизмати раҳбари Дилфуза Рўзметова**. — Бунинг учун юзага келган ҳолатни тасдиқлаш учун манфаатдор томоннинг ариза-

си, хорижий ҳамкор билан тузилган экспорт/импорт шартномаси ҳамда шартномага спецификация нусхалари, шартнома бўйича бажарилган мажбурият ҳажмлари тўғрисида маълумот, энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисида сертификат олиш учун йиғим тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси талаб қилинади.

Сертификат расмийлаштириш муддати қанча?

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, агар бу ҳолат юз берганини тасдиқласа, унинг асосида бир кун муддатда тадбиркорлик субъектларига тегишли сертификатни расмийлаштириб беради.

— Ўзбекистоннинг «форс-мажор» тизимига ўтиши айрим соҳаларга салбий таъсир қилганда, аммо аксарият йўналишларнинг ривожланишига туртки бўлади, — дейди **Тошкент молия институти ўқитувчиси Меҳмон Алиқуллов**. — Биринчидан, аҳоли турмуш тарзида катта ўзгариш кузатилади. Баъзи хизмат турлари, масалан, логистика тизими, тур агентликлари фаолияти, меҳмонхона бизнеси, умумий овқатланиш, савдо-сотик шулар сирасидандир. Иккинчи томондан эса, янги хизмат турлари кириб келади. Уларнинг аксарияти талай қулайликлар яратди. Яна бир ҳолат — сертификатнинг қисқа муддат ичида берилишидир. Бойси тадбиркорликда ҳар бир кун ганимат. Фурсатни бой бермасдан керакли ўринда муҳим қарорни қабул қилиш барқарор фаолиятни таъминлайди.

Ўзаро тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш — бутун халқимизни ана шу сифатлар бирлаштирмоқда. Пандемия сабабли юзага келадиган вазият, унинг оқибатларини юмшатиш учун ҳукумат томонидан кўриладиган тезкор тадбирлар замирида ишбилармонларга қулайликлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, оғирини енгиш қилиш мақсади мужассам. Юртимизда амалга жорий этиладиган «форс-мажор» тизими ҳам шундан далолат бермоқда.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан юқорида кўрсатилган сертификатларни расмийлаштиришда республиканинг ҳўжалик субъектларига ёрдам бериш учун барча зарур чоралар кўрилади. Алоқа учун телефон рақамлари:

а) Вазирлиқнинг марказий аппарати: сертификат бериш бўйича ваколатли бўлима — 71 238 50 23, 71 238 50 22; аризаларни рўйхатга олиш учун бўлима — 71 238 50 00;

б) вазирлиқнинг ҳудудий бўлимлари: Қорақалпоғистон Республикаси - 61 222 31 91;

Андижон вилояти - 74 223 24 03;
Бухоро вилояти - 65 221 51 84;
Жиззах вилояти - 72 226 56 24;
Қашқадарё вилояти - 75 221 07 14;
Навоний вилояти - 79 223 78 99;
Наманган вилояти - 69 227 76 46;
Самарқанд вилояти - 66 230 48 42;
Сирдарё вилояти - 67 225 36 65;
Сурхондарё вилояти - 76 223 36 45;
Тошкент вилояти - 70 762 58 97;
Фарғона вилояти - 95 402 60 90;
Хоразм вилояти - 62 223 15 06;
Тошкент шаҳри - 71 210 03 28.

Коронавирус эпидемияси туфайли юртимиздаги таълим муассасалари вақтинча ёпилгани туфайли шу ҳафтадан бошлаб мактаб ўқувчиларини масофадан ўқитиш амалга оширилмоқда. Халқ таълими вазирлиги вилоятларда ва узоқ ҳудудларда интернет тезлиги пастлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда видеодарсларнинг телеканаллар орқали намойиш этилишини таъминлаётир. Айни дамда соҳа мутасаддилари масофавий ўқитишнинг сифатли ва самарали амалга оширилишига эътибор қаратишган. Умуман олганда, таълимнинг бу шакли ҳозир пайдо бўлиб қолгани йўқ. Олий ўқув юртларида махсус сиртки таълимда жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни ўқитиш ёки бошқа шарт-шароитларда қўлланилган. Аммо илгари масофавий ўқитишнинг оммавий тарзда олиб борилмаганини ҳисобга олсак, ўқув жараёнининг бундай кескин ўзгариши ёшларнинг билим олишига салбий таъсир кўрсатмайдими?



Масофавий таълим вақтинчалик зарурат эмас

Ёхуд соҳани инновацион ривожлантиришида айни таъриба асқатади

Масофадан ўқитиш таълим жараёнида қандай ўрин тутаети?


Масофавий ўқитиш аслида замонавий таълимнинг ўзига хос қўриниши бўлиб, уни вақтинча илжосизликдан қўллаш эмас, кенг оммалаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу тизимнинг кенг тарқалган, бошқаларига нисбатан самаралироқ бўлган икки усули мавжуддир. Булар — видеоконференция технологиясига ва интернет тармоғига асосланган масофавий ўқитиш усуллари.

Видеоконференция технологияси асосида қурилган масофавий ўқитиш тизимини синхрон қўринишдаги масофавий ўқитиш деб аташ ҳам тўғри бўлади. Бунга сабаб, ўқув жараёни ўқитувчи ва ўқувчи учун реал вақт мобайнида амалга олади. Яъни унда иккала томон ҳам бир пайтда қатнашиши талаб қилинади. Баъзи ҳолларда бундай талаб ноқулайликларни келтириб чиқаради, айниқса, агар ўқитувчи ва ўқувчилар истикомат қиладиган жойларда вақт анчагина фарқ қилмаган бўлса. Аммо реал вақт мобайнидаги мулоқот ва ахборот алмашишуви масофавий ўқитиш жараёни самарасини оширади. Интернет тармоғига веб-технологияга асосланган масофавий ўқитиш усули эса анча арзон, содда қўринишдаги масофавий ўқитиш усули ҳисобланади. Бу усул ўқитувчи ва ўқувчилардан бир вақтнинг ўзида масофавий ўқитиш жараёнида қатнашиши талаб қилмайди, ўқувчилар ўқув материаллари (электрон маъруза матнлари, видеоролик ва бошқалар)ни иккинчи томонда ўқитувчи бўлмаган тақдирда ҳам қайта кўриб ўрганишлари мумкин. Бу ҳолда ўқитувчи ва ўқувчи орасида қандай қилиб мулоқот ва савол-жавоб ўтказилади, деган савол туғилиши мумкин. Бу ишни электрон почта, ЧАТ иловалар ва овозли почталардан фойдаланиш йўли билан

амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, интернет тармоғи орқали турли мультимедиа иловаларини узатиш имкони мавжуд. Самарали масофавий ўқитиш жараёнини ташкил қилиш йўлидаги биринчи қадам ўқувчиларнинг талабларини ўрганиш, ўқув материалларининг мазмунини танлаш ва ўқитувчи учун ўқув жараёнидаги мавжуд чегараларни аниқлашдан иборат. Масофавий таълимнинг кўп муҳитлиги ўқув дастурларини режалаштириш ва курсларни ишлаб чиқиш тамойилларида ўз аксини топади.

Телевизион дарслар жадвали ҳар ҳафта эълон қилинади

Ҳозирги вазиятда видеоконференция усулини татбиқ этиш имконсиз. Ўқув дастурлардаги билимлар телевизион дарслар орқали ўқувчиларга етказилиши эса ўзига хос талабларни ўз ичига олади. Бу дарсларни фақат ўқувчиларга етказилиши эса ўзига хос талабларни ўз ичига олади. Бу дарсларни фақат ўқувчиларга етказилиши эса ўзига хос талабларни ўз ичига олади. Бу дарсларни фақат ўқувчиларга етказилиши эса ўзига хос талабларни ўз ичига олади.



кузатиб бориши лозим.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда 30 мартдан урта телеканалда телевизион дарслар намойиш этишини бошлади. Хусусан, Uzdigital TV МЧЖ абонентлари 1-4-синфлар учун телевизион дарсларни National Geography Wild каналда, 5-8-синфлар учун Eurosport

каналда ва 9-11-синфлари учун эса «Охота ва рыбалка» каналда томоша қилишлари мумкин. Кабель телевидение ҳамда IP-телевидение абонентлари эса телевизион дарслар бошқа телеканаллар ўрнига намойиш этилади.

Шунингдек, видеодарслар ерсунъий йўлдоши орқали узоқ ва бориш қийин аҳоли пунктларида ўрнатилган кам қувватли телеузаткичлар орқали қўшимча каналлар шаклида 4 та телевизион канал орқали очик ҳолда бепул асосда тарқатилиши ташкиллаштирилди.

Телевизион дарслар эфир вақти ҳақидаги маълумотлар билан ҳар ҳафта Халқ таълими вазирлигининг расмий сайти

(www.uzedu.uz) ва ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали танишиб бориш мумкин.

Педагоглар ҳам бекор ўтиргани йўқ

Телевизион дарсларни параллел равишда интернет тармоғига вазирликнинг расмий веб-сайтида, kundalik.com ҳамда онлайн мактаб

электрон портали орқали кузатиб боришга имкон яратилган. Kundalik.com орқали ўқитувчилар ўқувчиларнинг видеодарслар орқали билим олишини назорат қилиб, баҳолаб боришади. Kundalik рақамли таълим платформаси Ўзбекистон мактабларида масофавий таълимни ташкил қилиш учун барча зарур функцияларга эга.

Шу билан бирга, фарзандлари билимини мустаҳкамлашда ота-оналар ёрдамларини аямаслиги, фақатгина теледастурлар орқали берилаётган дарсларда эмас, балки мунтазам равишда мактаб дастурини ўзлаштиришида кўмак беришлари лозим. Шунингдек, барча педагоглар ўз фанлари бўйича масофавий тарзда — телефон, ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам равишда ўқувчиларга педагогик ва психологик ёрдам бериш, уларнинг билимларидаги бўш-ликларни тўлдириб боришга ҳаракат қилишяпти.

Ота-оналарга фарзандлари билан шуғулланиши учун рағбат

Ота-оналарни фарзандлари билан биргаликда дарс тайёрлашга рағбатлантириш мақсадида Республика таълим маркази томонидан онлайн танлов ҳам эълон қилинди. Танлов шартларига кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс «Online-мактаб» доирасида телеканалларда эфирга узатилаётган видеодарслар мавзулари бўйича фарзанди билан биргаликда дарс тайёрлаш жараёнини исталган қурилмада тасвирга олади. Тасвирга олинган 3-5 дақиқалик видеолархани 2020 йил 31 мартдан 5 апрель кунини соат 20:00 га қадар куйидаги манзилга юбориши лозим: t.me/rtn_tanlov_uchun.

Иштирокчилар томонидан юборилган энг яхши видеолархалар дарсни тушунириб бериш услуби ва мазмунига қараб саралаб олинади. Сараланган видеолархалар 2020

йилнинг 10 апрель кунини t.me/rtnlibrary каналида эълон қилиниб, улар орасидан ғолиблар жамоатчилигининг овоз бериши орқали аниқланади.

Видеолархалар 1-6-синф ва 7-11-синф мавзулари бўйича алоҳида сараланади ҳамда жами 16 нафар ғолиб 13 апрель кунини соат 15:00 да t.me/rtnlibrary каналида эълон қилинади. 3 та ғолиб, шунингдек, энг яхши деб топилган яна 5 та номинация бўйича видеолархалар муаллифларига пул мукофотлари топширилади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳам бўлиб, унда ота-оналарнинг фарзандлари билан биргаликда бадий китоб ўқиш видеолархалари онлайн танлови ҳам ўтказилади.

Хулоса ўрнида

Бугунги кунда олиб борилаётган масофавий таълим жараёни ўқувчиларнинг билим олишига танаффус пайдо бўлишига йўл қўймаслик билан бирга, ушбу тизимни ривожлантиришда кенг таъриба орттиришга ҳам ҳизмат қилади. Боиси мазкур тизим ёшлар учун илм эгаллаш борасида имконият ва қулайликларни кенгайтириш орқали таълим соҳасининг келажакни белгилаб беради. Албатта, бу келажакда мактаб муҳитида таълим олиш йўқолади, дегани эмас, балки мактабда олинган билимларни мустаҳкамлашда қўшимча шароит яратилишини аниқлатади. Энг аҳамиятлиси, шу кунлардаги таъриба масофавий ўқитишнинг афзалликларини таълим берувчиларга ҳам, таълим олувчиларга ҳам чуқур аниқлаб, уларда ушбу тизимдан самарали фойдаланиш малакасини шакллантириши шубҳасиз.

Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати билан ҳамкорликда Тўлқин ШЕРНАЕВ тайёрлади.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ



Кимлар таътилга чиқади, кимларга ҳақ тўланади, имтиёзлар кимларга берилади?

АГАР ХОДИМ БОҒЧА ЁКИ МАКТАБ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛИШИДАН ОЛДИН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ОЛИБ УЛГУРГАН БЎЛСА ЁКИ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ОЛИШНИ ХОҲЛАМАСА, УНИНГ РОЗИЛИГИ БИЛАН ХОДИМ ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ТАЪТИЛГА ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИН

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий миқёсда тиббий карантин жорий қилинди. Шу боис барча турдаги ташкилотлар ва ишчи-хизматчиларнинг ўзаро меҳнат муносабатларида қатор саволлар пайдо бўлди: «Карантин даврида иш қандай олиб борилади? Бу жараёнда меҳнат таътилига чиқиш тартиби қандай? Кимларга ҳақ тўланади, кимлар ўз ҳисобидан таътилга чиқарилади?» Айни саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа вакилларига юзландик.



тўловлар») зикр этилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 4-моддасига асосан, кўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари (қонунлардагига нисбатан кўшимча) бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Таътил ходимнинг хоҳишига кўра берилади

Маълумки, коронавирус туйфайи юртимиздаги аксарият ташкилотлар, жумладан, таълим муассасаларининг фаолияти вақтинча тўхтатилди. Бу ҳолат, ўз навбатида, ана шу ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг маълум муддат иш фаолияти чекланишига олиб келади. Шу билан бирга, мазкур вазият ёш болали оилаларнинг бир азоси мажбурий таътилга чиқиши заруратини юзага келтирди.

— Айни шароитдан келиб чиқиб, 2020 йилнинг 28 март куни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг тегишли буруғи билан мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари (МТТ) ва умумтаълим муассасалари боилангич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Муҳитдинов. — Унга кўра, ходимлар — боғча тарбияси ёшида бўлган ёхуд умумтаълим мактабининг 1-4-синфларида ўқийдиган фарзандларнинг ё отаси, ёки онаси, ё бўлмаса, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз хоҳишига кўра йиллик ҳақ тўланадиган таътил олишга ҳақли. Бунда таътил ходимнинг хоҳишига кўра, таътиллари эъзавадидан қатъий назар берилади (биринчи иш йили учун 6 ой ишлаган бўлиши шарт эмас).

Хўш, агар ходим карантин давридан олдин меҳнат таътилини олиб улгурган бўлса

чи? Бу ҳолат ҳам Низомда ўз аксини топган. Унга асосан, агар ходим боғча ёки мактаб фаолияти тўхтатилишидан олдин меҳнат таътилини олиб улгурган бўлса ёки меҳнат таътили олишни хоҳламаса, унинг розилиги билан ходим масофавий иш усули, мослашувчан иш графиги ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказилиши, шунингдек, иш ҳақи сақланмаган таътилга чиқарилиши мумкин.

— Бу жараёнда яна бир жиҳатни унутмаслик керак, — дейди Э.Муҳитдинов. — Таълим муассасаларида карантин давом этиши муносабати билан меҳнат таътили тугаган кун ишга чиқишнинг илоҳжи бўлмаганда, ходим иш берувчи номига мuddати ва боиланиши санаси кўрсатилган иш ҳақи сақланмаган таътил олиш ёки масофавий ишлашга вақтинча ўтказилиши бўйича ариза юборади. Бунда иш берувчи

керакки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 мартдаги тегишли фармонига мувофиқ, давлат бюджетидан молиялаштирилмаган барча МТТ, умумтаълим мактаблари, олий таълим, спорт ва маданият муассасалари ходимларига иш ҳақи тўлаб борилади.

Ходимларнинг 50 фоизи таътилга чиқарилиши керакми?

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, карантин (чекловчи тадбирлар) шароитида иш берувчи ўз маблағлари ҳисобидан ходимларнинг шахсий химояси учун барча зарурий чораларни кўриши лозим. Хўш, бу қандай тадбирларни ўз ичига олиши мумкин?

— Коронавируснинг олдини олиш бўйича республика комиссиясининг қарорига кўра, жорий йилнинг 23 мартидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча корхона ва муассасалар (мулкчилик шаклидан қатъий назар) асосий иш фаолиятига тавсир этмаган ҳолда ишчи ва ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарди, қолган ишчиларнинг фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда)

ташқил этилмоқда, — дейди Адлия вазирлиги Мухитдинов. — Шунингдек, Президентимиз томонидан аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтириши ҳамда бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ходимларининг камида 50

фоизини ҳақ тўланадиган таътилга чиқариши, қолганлар масофадан ишлашга ўтказилиши зарурияти белгиланди. Ким масофадан туриб ишлаши, ким таътилга чиқиши иш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишув асосида ҳал этилади.

Қисман ҳақ тўланадиган таътил қандай расмийлаштирилади?

Юқоридаги жараёнда танганинг иккинчи томони борлигини ҳам унутмаслик керак. Дейлик, карантин чоралари муносабати билан корхонада иш тўхтатилган. Бўш туриб қолган вақт учун ходимларга ўртача иш ҳақини сақлаб қолишнинг молиявий жиҳатдан имконияти йўқ, улар эса иш ҳақи сақлаб қолинмаган таътилга чиқишга рози эмас. Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутиш мумкин?

Бу вазиятда, яъни иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда таътил тақдим этиш имконияти ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда жамоа шартномасида ёки бошқа локал ҳужжатда ёзилиши керак. Агар корхонада жамоа шартномаси бўлмаса, бундай таътил тақдим этишнинг тафсилотларини ходим билан тузилган меҳнат шартномасига кўшимча келишувда келишиб олиш лозим.

Қайд этиш керак, амалдаги Меҳнат кодекси ходимга иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда таътил беришни назарда тутмайди. Бирок Меҳнат кодекси, бу — меҳнат тўғрисидаги қонуни ҳужжатларининг ҳаммаси эмас. Таътил мобайнида бундай ҳақ тўлаш тўғрисида янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 374-моддасида («асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда таътилга бўлган ходимларга берилмаган

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси кимларга берилади?

Меҳнат кодексининг 285-моддасига кўра, карантин эълон қилинганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади. Хўш, у кимларга ва ким томонидан берилади? Унинг миқдори қанча?

— Қонунчиликка кўра, агарда ходим карантин вақтида санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан атрофидоги шахслар орқали юқумли касалликка чалиниши хавфининг олдини олиш мақсадида ишдан четлатилган бўлса, унга нафақа тайинланади, — дейди Тошкент давлат юридик университетини ўқитувчиси Муҳаммад Каримжонов. — Яъни агар ходим карантинга олиниши муносабати билан ишдан четлатилган бўлса, ходимнинг бу даври учун унинг иш жойидан меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлаб берилиши керак. Қонунчиликда бундай нафақа меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан, бошқа ҳолларда эса ходимнинг умумий иш стажига, қарамогидоги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтинчи фоизидан юз фоизгача миқдорда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори (ҳозирда 679 минг 330 сўм)нинг 35,2 фоизи (239 минг 124 сўм)дан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

«Mahalla» мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ДАРВОҚЕ...

Карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парварishi қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади. Улар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

ходимга аризасида кўрсатилган санадан бошлаб иш ҳақи сақланмаган таътил беришга мажбур (Меҳнат кодексига белгиланган максимал муддат бўйича чекловлар карантин даврида татбиқ қилинмайди).

Кўпчилик «Таълим муассасалари ишламаётган бўлса, уларда меҳнат қилаётган ходимларга иш ҳақи тўлаб бориладими?» деган саволни ҳам кўймоқда. Алоҳида таъкидлаш

Дунёда глобал муаммолар қалашиб ётибди. Урушлар, террорчилик ҳаракатлари, экологик инқироз, очарчилик, қашшоқлик, аҳоли сони ўсиши, озик-овқат хавфсизлиги, энергетика тақчиллиги, ОИТС, онкология ва бугунги кунда бутун инсоният соғлиғига раҳна солаётган коронавирус каби офатлар... Уларнинг ҳар бири инсоният бошига минг бир синову кулфатлар солиши мумкин, соляпти ҳам. Глобал муаммолардан яна бири, бу – камбағаллик ҳисобланади.



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УЧУН ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ



Шу боис жорий йилнинг 26 март кунин Президентимизнинг «Иқтисодийтни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Хўш, ушбу фармон билан иқтисодда қандай ўзгаришлар юз бериши мумкин? Шу ҳусусда мутахассисларга юзландик.

Вазирлик қайта ташкил этилади

— Фармоннинг қабул қилиниши бугунги кунда айни муддао бўлди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Сурайё Гаффорова. — Фармонга мувофиқ, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги дея қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланди. Жумладан, вазирлик иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиди, камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширади ва мувофиқлаштиради. Президентимизнинг жорий йил 24 январь кунин Олий Мажлиса йўллаган Мурожаатномасида: «... Бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни давлатишига кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиши мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг

овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётини эҳтиёжлари нима бўляпти, деган савол ҳар кунин қийнайди...» дея таъкидлаб ўтганди.

Дарҳақиқат, ўрганишлар натижасига кўра, ҳозирги кунда ҳудудларимизда, айниқса, кишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4-5 миллион нафарга тенг аҳоли дегани. Ана шу юрдошларимизнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмайди.

Ўзбекистонда камбағалликнинг мавсумий қисми мавжуд

— Олимлар камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини ошириш, деб ҳисоблашади, — дейди

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори Шерзод Мустафоқулов. — Одамлар учун муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бунинг учун қишлоқ жойларда тадбиркорлик учун шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш керак.

Статистик таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда кейинги икки йил ичида ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,3 баробар кўпайган, нафақалар миқдори эса 2 баробар ошган. Бу, албатта, тахсинга сазовор иш. Лекин ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш билан муаммо тўлиқ ечимини топмаслиги кундай равшан.

Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда камбағалликнинг кучли мавсумий таркибий қисми мавжуд. Яъни иш билан банд бўлганларнинг тахминан 27 фоизи кишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатади. Шу сабабли фаровонлик ва истеъмол даражаси хар фаслда хар хил.

Масалан, ҳосил йилнинг-термин пайтида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчилар ва сотадиганлар учун кўпроқ ишлаш имкониятлари юзга келади. Бошқа даврларда эса даромад камади. Озик-овқат ҳам кўпинча захиралардан сарфланади ёки сотиб олинади. Уй хўжаликларини истеъмол харажатларининг деярли учдан икки қисми ҳали-ҳануз озик-овқат маҳсулотларига тўғри келишини ҳисобга олсак, бу кишлоқ хўжалиги, озик-овқат маҳсулотлари нархи, озик-овқат хавфсизлигининг мавжуд эмаслиги ва қашшоқлик ўртасидаги муҳим боғлиқликларни намойиш қилади. Мавсумийлик ички иқтисодий фаолиятнинг кўп-лаб бошқа соҳаларида ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда кейинги 10 йилда меҳнат ва кичик бизнес даромадларининг ўсиши

камбағалликнинг қисқаришига олиб келганини инкор қилмай-миз. Иш ҳақи ва бизнесдан келадиган даромад манбалари аҳамияти тобора ортини билан нафақалар, ижтимоий ёрдам дастурлари ва бошқа даромад турларининг роли камайгани ҳам рост. Бирок Ўзбекистоннинг меҳнат бозорига сезиларли заифликлар мавжуд. Халқаро валюта фондининг мамлакатлар бўйича сўнги ҳисоботида, меҳнат захирасига хар йили 500 минг нафар янги ишчи қўшилишига қарамадан, иш билан бандликнинг қайд этилган ўсиши ва киши бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ўртасида номуносибликлар сақланиб қолмоқда. Ушбу мулоҳазани янада ривожлантирадиган бўлсак, иқтисодиётда банд аҳоли сонига тўғри келадиган товар ва хизматлар ҳажми, яъни меҳнат унумдорлиги даражаси бошқа ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар билан солиштирганда унчалик ҳам юқори бўлмаётди.

Умумий расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда меҳнат қиладиган аҳолининг 38 фоизи норасмий иш билан банд (43 фоизи ёшлар). Бу ишчи кучининг катта қисми расмий ижтимоий сугурта дастурларидан фойдаланмаётганини аниқлатади.

Хулоса ўрнида

Фармонга мувофиқ, тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича барча ўрта ва узок муддатли концепциялар, стратегиялар ва дастурлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади. Қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва қарорлар вазирлик томонидан камбағаллик даражасига таъсирини баҳолаш нуктага назардан экспертизадан ўтказилади. Рақобат ва монополияга қарши курашиш, техник регламентларни ўрганиш, ер муносабатларини тартибга солиш, геология ишлари, давлат активларини бошқариш, давлат-хусусий

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон – аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган (киши бошига йилига ўртача 1533 АҚШ доллари). Аслида даромаднинг ўртача даражаси икки гуруҳга бўлинади. Даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар – киши бошига йилига 1036 – 4085 АҚШ доллари ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар – киши бошига йилига 4086 – 12615 АҚШ доллари. Биринчи гуруҳдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган. Бу ўлчовлар бўйича киши бошига кунига 3,2 АҚШ доллари – камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичи. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 АҚШ доллари камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичидир. Демак, Ўзбекистон учун қашшоқлик чизиғи – кунига 3,2 АҚШ долларидан кам пулга яшаш дегани. Мисол учун, беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 АҚШ доллари ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал деб ҳисоблаш мумкин.

шериклик механизмини тақомиллаштириш бўйича чоралар ва сиёсатнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашда вазирлик иштирок этади.

Фармон билан, шунингдек, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Вазирлик ҳузуридаги Урбанизация агентлиги тугатилиб, унинг функция ва вазифалари вазирликка ўтказилди.

Бундан ташқари, Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва унинг ҳудудий филиаллари вазирликка ўтказилиб, уларнинг негизда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ташкил этилади.

Буларнинг барчаси юрти-миздаги камбағаллик даражасини пасайтириш билан бирга, одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун олиб борилаётган саяё-ҳаракатлардир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

2020 йил 1 октябрга қадар 2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон саноатини ривожлантириш стратегияси, камбағалликни камайтириш дастури ҳамда 2021 йилдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида минимал истеъмол савати ва яшаш минимуми жорий этилиши юзасидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Ипотека бўйича субсидиялар кимларга берилади?

Хўш, аслида СУБСИДИЯЛАР АҲОЛИГА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ? УНИ ОЛИШНИНГ ТАЛАБИ ВА МЕЗОНЛАРИ ҚАНДАЙ? ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚАНЧА КИШИГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН?

Халқимизда: «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам, инсон учун яшаш жойи, уйи Ватан сингари қадрли бўлади. Аммо юртимизда оилали, бола-чақали бўлсада, ижтимоий аҳволи оғир, кам таъминланган ёки бошқа бир сабаб билан ўз тураржойига эга бўлмаган инсонлар кам эмас. Ижарама-ижара сарсон бўлиб юрган ёки бир уйда икки-уч оила қимтиниб яшаётган бундай инсонларни асло бахтли, турмуши фаровон, ҳаётдан рози, деб бўлмайди.

Шу боис юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда жисмоний имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни тураржой билан таъминлаш мақсадида арзон уйлارнинг барпо этилаётгани муаммонинг оқилона ечими бўлаётган. Шунингдек, ижтимоий фаол ёш оилалар учун бир қатор имтиёзларга эга «Ёшлар уйлари»нинг қурилатгани, қатта байрамлар арафасида эхтиёжманд оилаларга янги хонадонларнинг совға қилинаётгани сўзимизни яна бир қарра исботлайди.

Умуман олганда, уй-жойга эхтиёжи бўлган фуқароларни тураржой билан таъминлаш мақсадида аҳолига турли имтиёз, имконият ва қулай

шароитлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, айрим шахсларга, шу жумладан, кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашиши шулар жумласидан.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 25 мартдаги «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан эса Низом асосида ушбу тизимнинг барча тамойиллари тўлиқ белгилаб олинди. Айни



пайтда фуқароларнинг субсидия олиш борасидаги аризалари Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинмоқда.

Хўш, аслида субсидиялар аҳолига қандай қулайликларни тақдим этади? Уни олишнинг талаби ва меzonлари қандай? Жорий йилда қанча кишига субсидиялар ажратилиши белгиланган?

Квартира қийматининг неча фоизи тўлаб берилади?

Аввало, маълум тоифадаги фуқаролар учун уйлارни бозор нарҳида харид қилишга бериладиган енгилликни бошқа тизимлар билан адаштирмаслик зарур. Кўпчилик субсидия ажратиш тизими жорий этилган, арзон уй-жойлар бериш тўхта-тилди, деб ўйланди, ё бўлмаса, бу тизимни бошқа дастурлар билан чалқаштирди. Алоҳида таъкидлаш керакки, уй-жой учун субсидиялар ажратиш янгидан жорий этилган бўлиб, у бошқа тизимларга алоқаси йўқ.

— Ушбу субсидиялар кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга тақдим этилади, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Дилмурод Ражабов. — Хусусан, субсидия ажратилиши белгиланган фуқарога уй-жой олиш учун ипотека кредитининг бошланғич бадали шахарларда сотиб олинган квартира қийматининг камида 20 фоизи, қишлоқ жойларда эса камида 10 фоизи миқдоридан қоплаб берилади. Шунингдек, кредитнинг дастлабки беш йили давомида унинг фоизларини қоплаш учун қишлоқ жойлардаги тураржойлар учун 10 фоиздан, шахарларда 12 фоиздан ошган қисми учун тўлаб берилади.

Фоиз ставкасининг давлат томонидан тўланадиган қисмлари ҳар ойнинг 25-санасидан кечиктирилмай сўндириб бо-

рилади. Фуқарога бериладиган субсидиялар миқдори унинг комиссияга тақдим этган аризаси ва ҳужжатларига биноан, тегишли меzonлар асосида баҳоланган, қанча кредит олиши мумкинлиги комиссия томонидан белгиланади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, жорий йилнинг 1 мартидан субсидия олиш учун ариза бериш бошланган. Бу жараён 1 октябргача давом этиб, ушбу муддат тугагандан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди. Масъул ташкилотлар 10 иш кунидан



ариза берувчининг ижтимоий меzonларга мувофиқлигини у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқади. Субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш бўйича комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ҳамда ижтимоий меzonлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра ариза берувчига ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Субсидия учун неча балл керак?

Субсидия олиш учун мурожаат қилган фуқаро ариза тўлдириш билан бирга, Низомда белгиланган ўзининг ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот берувчи ҳужжатларни Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига электрон тарзда плова қилиши ёки маълумот бериши зарур. Фу-

қаронинг мурожаати бир соат давомида масъул ташкилотлардан белгиланган комиссия аъзоларига етказилади.

— Агентлигимизнинг барча бўлинмалари билан масъул ташкилотлар ўртасида электрон ҳужжат алмашиш тизими яратилган, — дейди Давлат хизматлари агентлиги мутахассиси Севара Зокирова. — Фуқароларга тақдим этган маълумотларига кўра, тўртта меzon асосида балл берилади. Агар фуқаро барча критерийларга тўғри келса, умумий 50 балл йиғиши мумкин. Субсидия олиш учун эса 30 балл йиғиши кифоя қилади. Меzonлар асосида фуқаронинг қанча даромад олиши, жисмоний-ижтимоий аҳволи ва бошқа томонлари ўрнатилади.

Комиссия аъзолари худудлардаги тиббиёт бирлашмаси, ички ишлар бўлими, молия бўлими, давлат солиқ инспекцияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар иттифоқи бўлими, бандлик маркази ва ер тузиш кўчмас мулк кадастри ходимларидан

таъкидлаш керакки, ушбу муддат тугагандан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди. Масъул ташкилотлар 10 иш кунидан

шакллантирилади. Шунингдек, уларнинг адолат тамойиллари асосида ҳаққоний фаолият олиб бориши ҳам доний назорат қилиб борилади.

Қайд этиш керак, жорий йилда қишлоқ жойлардан 4 мингта, шахарлардан 13 мингта хонадон учун тегишли суммада субсидия ажратилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, бундай ўзгаришлар айрим сабаблар туфайли ижарада ёки бир хонадонда тикилиб яшаб юрган юрдошларимизга ўз уйлари бўлишига замин яратди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг турмуш шароити янада яхшилланишига, халқимизнинг фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Жамиятда эртанги кунга бўлган ишонччи мустахкамлаб, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин ҳозирлайди, албатта.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

I. Ариза берувчи ёки оиласининг даромади — 10 балл (энг юқори балл)

(меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори асосида)

II. Ҳозирги тураржой мақоми

1) Ижара (эр-хотин ўз мулкда уй-жойи мавжуд эмас) — 20 балл

2) Эгасининг руҳсати билан текин тураржой (эр-хотин ўз мулкда уй-жойи мавжуд эмас) — 20 балл

III. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар

1) «labor-migration» дастурида рўйхатдан ўтган меҳнат мигранти — 10 балл

2) Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар — 10 балл

3) Алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар — 10 балл

4) Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар — 10 балл

5) Ягона (ёлғиз) боқувчига эга бўлган оила — эркак — 10 балл

IV. Оилادا қуйидаги шахслар мавжудлиги

1) Биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс — 10 балл

2) Сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи — 10 балл

3) Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришлайётган — 10 балл.

Пайариқ тумани ҳоқими карантинга олинди.

ФХДЭ ОРГАНЛАРИ ЯНГИ ТИЗИМДА ИШ БОШЛАЙДИ

БАРЧА ҲУЖЖАТЛАР
ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА
ТЎЛДИРИЛАЁТГАНИ
САБАБЛИ ФУҚАРОЛАРГА
ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ МУДДАТИ
ҚИСҚАРИБ, СИФАТИ
ЯХШИЛАНДИ



ДАРВОҚЕ...

Эндиликда Давлат хизматлари марказлари тизимида янги архивариус лавозимини жорий этиш ҳисобиغا ФХДЭ органлари архив ҳужжатларини тақдим этиш жараёнида уларни қўлда излашдан воз кечиш мўлжалланмоқда.

Ҳар биримиз зарурат юзасидан, жумладан, чақалок туғилса, никоҳ тузиладиган бўлса, ўлим ҳодисаси қайд этилса ёки бошқа ҳолатларда уни расмийлаштириш учун Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (ФХДЭ)га мурожаат қилганмиз. Бу жараёнда бир талай қоғозларни тўлдириш, имзо чекиш, тегишли тўловларни қилгандан кейин керакли ҳужжатни икки-уч кундан сўнг қўлга олганимиз ҳам бор гап. Бундай вазиятда олис бир кишлоқда яшовчи фуқаронинг туман марказидаги ўша идорани излаб, сарсон-саргардон бўлишини тасаввур қилиш кийин эмас.

Бугунга келиб барча соҳаларда тезкор, вақтни тежовчи, оврагарчиликка чек қўядиган интерфаол тизимларнинг жорий этилиши бундай муаммоларга чек қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2020 йил 1 апрелдан бошлаб, ФХДЭ органлари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Унга кўра, агентлик ФХДЭ органларининг ишини тизимли назорат қилиш, малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ҳуқуқни қўллаш ама-

лиётини мувофиқлаштириш, «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини юритиш ва ФХДЭ органларининг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича функцияларни бажариш.

«ФХДЭнинг ягона электрон архиви» бизга нима беради?

Аксарият ҳолларда ҳуқуқшунослар тилга оладиган бу атаманинг луғавий маъносини англаб олиш кийин эмас. Фуқаролик ҳолати ҳуқуқий жиҳатдан қай тарзда расмийлаштирилмасин, у аввал қоғоз шаклида сақланган бўлса, рақамли технология асрида унинг электрон кўриниши муҳрланади.

— 2015 йилдан бошлаб мамлакатимизда илк бор ФХДЭ органлари фаолиятига «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими жорий қилинган эди, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бўлим бошлиғи Ҳасанжон Насимов.

— Қайд этилган ҳар қандай фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви ушбу архивда сақланиб қолади. Ҳаттоки 2015 йилгача бўлган маълумотлардан 54 фоизи рақамлаштирилиб, ушбу ахборот тизимига киритилгани аризулик иш бўлди. Бу тажриба бизга нима беради? ФХДЭ органларининг манфаатдор вазирлик ва идоралар билан маълумотни электрон шаклда алмашиш имконияти пайдо бўлди. Бунда ҳозиргача Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат персоналлаштириш маркази, нотариал идоралар, Мажбурий ижро бюроси, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Давлат статистика қўмиталари билан идоралараро электрон ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Барча ҳужжатлар электрон шаклда тўлдирилаётгани сабабли фуқароларга ҳуқуқий хизмат

кўрсатиш муддати қисқариб, сифати яхшиланди.

Бундан ташқари, ФХДЭ органларида тўловни қабул қилиш ва унинг сарфланишини назорат қилиш учун онлайн (биллинг) тизими жорий этилди.

ИШ ДАФТАРЛАРИ АЛЛАҚАЧОН ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА ЮРИТИЛМОҚДА. ТУҒИЛГАНЛИК, НИКОҲ, НИКОҲДАН АЖРАЛИШ ВА ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ ГЕРБЛИ ГУВОҲНОМАНИ КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА ФАКАТ БОСМА ҲАРФ БИЛАН ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Қўлда ёзиб тўлдириш талаби энди йўқ. 2022 йил 1 январга қадар автоматлаштирилган «ФХДЭ ягона электрон архиви» тизимини шакллантириш назарда тутиляпти. Айни пайтда махсус ускуна ёрдамида ФХДЭ архиви ҳужжатларини рақамлаштириш бошлаб юборилди.

Экстерриториаллик тамойили нима дегани?

Фуқаролик ҳолатларини қайд этишдаги энг кўп ҳодиса, бу — вояга етган шахсларнинг никоҳ тузиши, яъни оила қуриши билан боғлиқдир. Оила кодексининг 212-моддасида фуқаролар никоҳини қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг япаш жойидаги ФХДЭ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Шу вақтгача амал қилинган тартиб ўрнида никоҳни қайд этиш бўйича давлат хизматларини экстерриториаллик тамойили асосида кўрсатиш ҳуқуқий йўналишдаги яна бир янгиллик бўлди.

— Никоҳни экстерриториаллик тамойилга кўра, истилаган ФХДЭ органида қайд этишни назарда тутган ҳолда,

қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда, — дейди Ҳ.Насимов. — Айни пайтда ФХДЭ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали бу тажрибани қўллаш кўзда тутиляпти. Юқорида таъкидлаганимиздек, «ФХДЭ ягона электрон архиви» ахборот тизимининг жорий этилиши, барча манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилингани никоҳни қайд этиш бўйича ҳам давлат хизматларини экстерриториаллик тамойили асосида кўрсатиш имконини беради.

Қандай қулайликлар вужудга келди?

Бугун адлия, ҳуқуқ соҳаларини янгилаш нафақат мазкур тизимда ишлаётган мутахассислар, балки аҳолини ҳам ортиқча оврагарчиликлардан халос этмоқда. Юртимизнинг қайси вилояти ёки туманига борманг, ФХДЭ органлари фаолияти тубдан тақомиллаштирилиётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

— Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда қозғолиққа таяниб қолганлик, — дейди Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси бош маслаҳатчиси Нодира Мирмуҳамедова. — Узундан-узун навбатларни айтмасангиз ҳам бўлади. Давлатимиз раҳбарининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори барчасига чек қўйди: қулай, тезкор, шаффоф тизим вужудга келди. Энди боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси туғуруқхонадан автоматик равишда электрон базага келиб тушади. Агар бир киши вафот этса, унинг ўлими ҳақидаги маълумотномани ФХДЭга яқин одами олиб кели-

ши шарт эмас. Бу тўғридаги тиббий маълумотнома туман ёки шаҳар касалхонаси базасидан бизга келиб тушади.

Шунингдек, эндиликда фуқароларни онлайн қабул қилиш мумкин. Янги тизимга ўтилгандан бери вилоят аҳолисига 30 мингта хизмат турини кўрсатишга муваффақ бўлди. Барча турдаги далолатнома ёзувлари электрон равишда «ФХДЭ ягона электрон дастури» ахборот тизимига киритилиб борилмоқда. Давлат хизматлари агентлигининг вилоят бўлими электрон ахборот базасида эса туманлар статистик маълумоти мавжуд.

Шу ўринда Нуробот тумани ФХДЭ бўлими томонидан 179 та дунёга келгани қайд этилмаган болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг берилиши, 365 нафар шаръий никоҳда яшаб келаётган оиланинг никоҳи қонуний расмийлаштирилиши, ажрим ёқасига келиб қолган 17 та оиланинг яраштирилиши ибратга моликдир. Аммо Ургут, Пастдарғом туманлари ва Самарқанд шаҳрида ҳуқуқий ҳолатларни расмийлаштиришда айрим номуносибликларга дуч келишимиз мумкин. Бундай ҳолатларга чек қўйиш эса давр талабидир.

Қайси соҳа бўлмасин, енгиллик ва қулайлик яратилса, бундан жамият манфаатдор, фуқаро рози. Бинобарин, ҳуқуқий ҳолатларининг ҳуқуқий жиҳатдан электрон шаклда тезкор, бехато расмийлаштирилиши, электрон архивда муҳрланиши худди шундай ижобий воқелик бўлиб қолади.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Жорий йилнинг 1 апрелига қадар ФХДЭ архиви ҳужжатларининг 53,5 фоизи, яъни 30,2 млн.таси рақамлаштирилиб, электрон тизимга киритилди. Яқин келажақда фуқаролар ўз зарурий ҳужжатларини 5-10 даққиқада олишлари мумкин.

Автотранспортлар ДХМ томонидан бериладиган махсус рухсатнома асосида ҳаракатланади.

ПРОПИСКА

Янги тартиблар аҳолига ҳақиқатда қулайлик яратадими?

ПРОПИСКА ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ НОРМАТИВ БАЗА ВА МЕХАНИЗМЛАР ШАХСНИНГ ЭРКИН ХАРАКАТЛАНИШ ҲАМДА ТУРАРЖОЙ ТАНЛАШГА ДОИР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Н

орматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига 2020 йил 16 мартда Вазирлар Мақамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини янада соддалаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жойлаштирилган эди. 31 март куни яқунланган муҳокамалар жараёнида икки юзга яқин таклифлар келиб тушди.



Ҳўш, ҳужжат билан қандай ўзгаришлар амалга оширилиши режалаштирилган? Улар фуқароларга қандай қулайликлар яратади? Умуман, қарорнинг моҳияти нималардан иборат?

Паспорт тизими соддалаштирилди

Сўнгги йилларда мамлакатимизда паспорт тизимини, хусусан, унинг шахс ҳуқуқларини чекловчи элементларини бекор қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, паспорт тизимида юзага келган бир қатор муаммо ва камчиликлар ушбу соҳани тубдан ислох этиш заруратини юзага келтирди.

Республикада (айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) мулкка эгаллик қилиш, меҳнат қилиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўқиш ва бошқа бир қатор ҳуқуқлар, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланишнинг прописка фактига бевосита боғлиқ бўлиб қолгани, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматлари кўрсатишнинг тўлиқ автоматлашган электрон тизимининг йўлга қўйилмагани, соҳада кўрсатилган давлат хизматлари турларини янада кенгайтириш чораларининг кўрилмагани шулар жумласидан.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган Давлат дастурларида прописка қоидаларини мақбуллаштириш ва либераллаштириш, бу борада шахснинг эркин ҳаракатланишига халақит бераётган бюрократик тўсиқ ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш вазифалари белгиланган ҳамда уларни ҳаёtgа татбиқ этиш механизмлари кўрсатиб берилди.

Жумладан, 2018 йилги Давлат дастури асосида илгари мавжуд бўлган фуқароларнинг пропискасиз ишга жойлашишига бўлган чеклов олиб ташланди. Эндиликда прописка фактидан қатъий назар республи-

ликнинг барча минтақасида меҳнат қилиш имкони юзага келди. Шунингдек, авваллари шахс 16 ёшга тўлгач, бир ой муддат ичида фуқаролик паспорти ёки мамлакатда доимий яшаш гувоҳномасини олмаганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд эди. Эндиликда 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг ушбу ҳолат учун жавобгарлиги бекор қилинди.

2019 йилги Давлат дастурига асосан, аҳолининг турган жойи бўйича ҳисобдан ўтиши онлайн шаклда Давлат хизматлари агентлиги томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди. Фуқароларнинг вақтинча пропискасиз мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш муддати 5 суткадан 10 суткага узайтирилди. Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жазо чоралари енгиллаштирилди. Аҳолини электрон ҳисобга олиш амалиётини йўлга қўйишда Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари кенгайтирилди.

Кўчмас мулкни олишда прописка талаб қилинмайди

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида ички миграцияни либераллаштириш ва мақбуллаштириш, хусусан, прописка институтини тубдан ислох қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифлар киритиш вазифаси белгиланди.

Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонида ушбу институтнинг шахс ҳуқуқларини чекловчи элементларини тўлиқ бекор қилиш асосида уни жаҳон стандартларига мослаштириш, аҳолини қулай ва мақбул шаклда ҳисобга олиш (қайд этиш) тизимини ишлаб чиқиш зарур-

лиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳўш, Давлат дастури асосида қабул қилиниши режалаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прописка тизимига доир қутилаётган ўзгаришлар нималардан иборат? Улардан қўзланган мақсад-муддао нима?

ҚАЙД ЭТИШ КЕРАК, ЯНГИ ТАРТИБГА КўРА, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмайди. Мазкур ҳолат келгусида ушбу ҳудудлардан барча (шу жумладан, мазкур ҳудудларда пропискаси бўлмаган) фуқароларга иккиламчи бозордан ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш ҳуқуқини беради.

Бу эса, ўз навбатида, келгусида мазкур тоифадаги шахсларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискадан ўтиш ҳуқуқини вужудга келтиради (шу билан бирга, янги қурилган уйлари сотиб олиш орқали прописка қилиш имкони аввалроқ юзага келганини таъкидлаш лозим). Шу асосда узоқ йиллар давомида пропискаси бўлмагани сабабли ўз номига кўчмас мулк расмийлаштириш имконига эга бўлмаган шахсларнинг бу борадаги муаммоларига барҳам берилади.

Давлат божи бекор қилинадими?

Ҳужжатга кўра, мамлакатимиз ҳудудида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган уйларида кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинади. Бу ўринда гап Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ўртасида конституциявий тенгликни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини бир хилда қафолатлаш ҳақида кетмоқда.

Маълумки, амалдаги тартиб (Вазирлар Мақамасининг 2017 йил 19 июлдаги 527-сон қарори) бўйича Ўзбекистонда доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан киймати БХМнинг 2500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда кўчмас мол-мулк сотиб олинганда — шартнома суммасининг 5 фоизи миқдоридида бож тўлаш талаб этилади. Худди шундай, бошқа давлатлардан келган ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан шартнома тузилган санадаги Марказий банк курси бўйича киймати 150 минг АКШ долларидан кам бўлмаган миқдорда янги қурилган кўчмас мол-мулк сотиб олинганда — шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорда бож тўланади (Тошкент пропискасига эга фуқароларга бундай талаб қўлланилмайди). Эндиликда мазкур божларнинг ундирилиши барча тоифадаги шахслар учун бекор қилинади.

Энди уй сотиб олиш учун 3 йил кутиш шарт эмас

Қонунчиликка киритилиши қутилаётган муҳим ўзгаришлардан яна бири — 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри

ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Рўйхатнинг 2-,5-,9-,11-бандлари билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган шахсларнинг ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш ҳуқуқининг 3 йилдан сўнг юзага келиши билан боғлиқ талаб бекор қилинади.

Эндиликда юқоридидаги бандлар асосида прописка қилинган шахслар Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида қанча муддат ишлагани ёки яшаганидан қатъий назар, ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса келажақда фуқароларнинг мазкур ҳудудлардан бирор бир чекловларсиз ҳамда оврагарчиликсиз тураржой сотиб олиш ҳуқуқи юзага келишини англайди. Қолаверса, мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқининг прописка фактига боғлиқлиги ўз аҳамиятини йўқотиб, шахснинг эркин тураржой танлаш имконияти кенгайди.

Шунингдек, ваколатли органларнинг доимий пропискадан чиқишда шахснинг харбий ҳисобдан чикнаниши тасдиқловчи маълумотномани талаб қилиш амалиёти бекор қилинади. Мазкур ҳолатда ички ишлар органларининг идораларо маълумотлар базаси орқали текширувни амалга ошириши асосида фуқаронинг ортиқча овора бўлишига йўл қўйилмайди.

Умуман олганда, Давлат дастури асосида жорий этилиши қутилаётган прописка тизимидаги янги норматив база ва механизмлар шахснинг эркин ҳаракатланиши ҳамда тураржой танлашга доир конституциявий ҳуқуқларини қафолатлаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Жаҳонгир Юлдашев,
ИИВ Академиясининг кафедраси бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори.

О

лий Мажлис Сенати томонидан 2020 йил 24 март кунини маъқулланган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Айниқса, мазкур қонуннинг 6-моддасига «адвокат сўзлашувини назорат қилиш прокурор санкцияси билан мумкин бўлиши», деган ўзгартириш киритилгани кўпчиликни ўйлантириб қўйди.



Энди адвокатларнинг телефон сўзлашуви эшитилади...(ми?)

ҲАР ҚАНДАЙ ҚОНУННИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ, ЭНГ МУҲИМИ, УНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИДАН ХАБАРДОР БЎЛМАСДАН МУҲОКАМА ҚИЛИШ, ФИКР БИЛДИРИШ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ШОВ-ШУВ КЎТАРИШ ТУРЛИ ТУШУНМОВЧИЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛАДИ

Ахир, қонун устуворлиги учун адвокатлар фаолияти қонуний жиҳатдан мустаҳкам бўлиши зарур. Адвокатларнинг сўзлашувлари назорат қилиниши бевосита уларнинг ҳуқуқларини пой-мол қилиш эмасми? Аслида ҳам янги таҳрирдаги қонун адвокатларнинг сўзлашувларини назорат қилиш имконини берадими?

Адвокатлар палатаси ўзгаришлардан беҳабар қолдимми?

— Қонун бўйича адвокатларга тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳаси Адвокатлар палатаси раиси томонидан имзоланиши (розиллик олинishi) белгиланган, — дейди Адвокатлар палатаси раиси Алим Эрназаров. — Бироқ юқоридаги қонун лойиҳасига киритилган ўзгаришларда палата ўз вақтида хабардор қилинмагани турли тушунмовчиликларга сабаб бўлди. Шундан сўнг Олий Мажлис Сенати аъзолари билан Адлия вазирлигида учрашув ташкил этилди. Мазкур учрашувда адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда келишиб ишлаш кераклиги, қонун лойиҳаси бўйича Палата жалб қилинмагани бузғун шифофлик, очиқлик сиёсати шароитида кўпчилик адвокатларнинг эътирозларига сабаб бўлгани таъкидланди.

Тушунмовчиликка нима сабаб бўлди?

— Халқимизнинг қонун ва қонун лойиҳалари муҳокамасида иштирок этиши бизни қувонтиради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Ҳамроев. — Аммо бунинг учун ҳар бир шахсда етарли ҳуқуқий билим, тажриба ва малака бўлиши керак. Қонуннинг мақсади, вазифаси, энг муҳими, унинг тўлиқ матнидан хабардор бўлмасдан муҳокама қилиш, фикр билдириш, таъбир жоиз бўлса, шов-шув кўтариш турли тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Ҳўш, аслида қонунда нима назарда ту-

тилган? Адвокатнинг телефони қандай ҳолатларда эшитилиши, назоратга олинishi мумкин?

Жиноят процессуал кодексининг 170-моддаси ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан, адвокатлик мақомига эга бўлган шахс суриштирув, тергов ва суд қарорларида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи сифатида асосланган ҳолда қайд этилган тақдирда, унинг телефон сўзлашувлари санкция асосида эшитилиши, назоратга олинishi мумкин. Демак, адвокатнинг телефонини санкция асосида эшитиш учун у жиноят иши бўйича асосланган вақтлар билан гумон

лелефонини эшитишга санкция беришга ваколатли эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, суриштирувчи ва терговчининг адвокатнинг телефонини эшитиш, назоратга олиш тўғрисидаги қарори етарли даражада асосланган бўлса, прокурор қарор юзасидан санкция беришни рад этишга ҳуқуқлидир.

Қандай ҳолатларда адвокатнинг телефонини эшитиш мумкин?

— Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган қонун нормасида адвокатнинг телефонини эшитиш ёки назорат қилиш учун санкция берилиши мумкин бўлган ҳолатлар яққол ақс эштирилган бўлиб, санкция берувчиларнинг доираси ҳам аниқ ва қатъий белгиланган, — дейди А.Ҳамроев. — Таъкидлаш керак, қонунга адвокатларнинг ҳуқуқларини чекловчи нормалар киритилмаган. Аввал, яъни амалда бўлган қонунда ҳам ваколати мавжуд бўлган прокурорнинг санкцияси асосида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи сифатида қарорда белгиланган адвокатнинг телефонини эшитишга йўл қўйилган.

Шу ўринда масаланинг яна бир нозик жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Ҳозир ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган давр. Эндиликда телефон қўнғироклари билан бир қаторда, СМС-хабарлар, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар шаклидаги узатмалар орқали ҳам мулоқотда бўлиб, жиноят содир этиш ҳолатлари учрамоқда. Матн шаклидаги маълумот узатишларини эса эшитиб бўлмайди. Шу боис уларни назорат қилиш эҳтиёжи мавжуд. Қонундаги «эшитиш» деган тушунчанинг «назоратга олиш» билан алмашганининг сабабини шу билан изоҳлаш мумкин.

Аммо қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида илгари санкция, яъни рухсат талаб этилмаган ҳолат — адвокатнинг телекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган хабарлари ва маълумотномаларини назорат қилиш учун ҳам санкция талаб қилинмоқда. Адвокат-

нинг ҳуқуқлари тергов ва суриштирув органларига бундай ҳолатларда санкция олиш мажбуриятини юклаш орқали кафолатланмоқда.

Ҳуқуқни яхши тушунган одам бу нормалар моҳиятини англашда қийналмайдми. Яъни мазкур нормалар, айрим юртдошларимиз талкин қилаётганидек, адвокатларнинг ҳуқуқларини чеклаш, улар фаолиятини асоссиз назоратга олиш эмас, аксинча адвокат институти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Адвокатлар ҳуқуқлари мустаҳкамланади

— Охириги икки йилда адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш ва унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди, — дейди А.Эрназаров. — Ҳусусан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш жараёни энгиллашди, лицензияни тўхтатиш ва бекор қилиш фақат суд томонидан амалга оширилиши белгиланди, уларга солиқ юки икки баробар камайтирилди, ҳимоя остидаги шахслар билан учрашув ва суд-тергов идораларига кириб чиқиш энгиллаштирилди.

Шу билан бирга, бугунги ривожланиш кўлами адвокатурага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бу борада ўтган йили мамлакатимизга ташриф буюрган БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия Саян ҳам Ўзбекистонда адвокатура институтининг макенени халқаро стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан тавсиялар берган. Айни пайтда бу борада амалий ишлар олиб бориляпти.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мазкур соҳада қатор янгиланишлар амалга оширилди. Бунинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олиши учун имконият яратишга хизмат қилди. Ана шундай бир вазиятда қонунларга киритилаётган ўзгаришлардан барчамиз тўғри ва тўлиқ тушунчага эга бўлишимиз зарур. Бунинг учун эса қонун ижодкорлари ва адвокатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳимдир.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Адвокатлар палатаси томонидан Адвокатура институти ривожлантириш концепцияси лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳада соҳани тубдан ислох қилиш билан боғлиқ барча жиҳатлар, шу жумладан, адвокатнинг дахлсизлигини таъминлашда уларга нисбатан тезкор қидирув ва суд-тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида санкция беришни прокурорлар ваколатидан судларга ўтказиш кўзда тутилган.

қилиниши, айбланувчи ёки судланувчи бўлиши шарт.

Бундай санкцияни ҳар қандай прокурор бера олмайди, албатта. Юқорида номлари келтирилган қонун ҳужжатларининг нормаларига асосан, фақат Бош прокурор, Қорақолпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларгина санкция беришга ваколатлидир. Бу ерда «уларга тенглаштирилган прокурорлар» деганда, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва Транспорт прокурори тушунилади. Демак, қонунга асосан, ҳар қандай прокурор ҳар қандай адвокатнинг те-

Табиий бойликларни, хусусан, сувни етарли даражада келажак авлодга етказиш ҳар бир шахннинг бурчидир. Негаки, табиий бойликлар ҳам туганмас хазина эмас. Шу билан бирга, дунё аҳолиси сони кун сайин ортиб бораётгани ва шунга монанд бундай манбаларга бўлган эҳтиёж ҳам кўпайиши инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бундай вазиятда эса оқилона ечим — соҳага замонавий, тежамкор технологияларни жорий этишдир. Хўш, бу борадаги ишлар қай аҳволда?



ИРРИГАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН СУБСИДИЯЛАР ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАР БИР ГЕКТАР ЕРНИ ФЙДАЛАНИШГА КИРИТИШ БИЛАН БОҒЛИК ХАРАЖАТЛАРНИНГ 50 ФОИЗИ, БИРОҚ БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ 50 БАРАВАРИДАН ОШМАГАН ҚИСМИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ

Соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш учун мамлакатимизда етарлича имконият, хусусан, қонуний асос яратилган. Жумладан, бу борада давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим ҳужжат бўлди.

— Фармон билан жорий йилда республика бўйича 44 миң гектардан ортиқ ерга сув тежовчи технологияларни қўллаш режалаштирилган, — дейди Сув хўжалиги вазири ўринбосари Акмал Мирзаев. — Аҳамиятлиси, 24,8 миң гектар пахта майдонини томчилатиб суғоришга ўтказиш мўлжалланган. Мазкур соҳада давлат қўллаб-қувватлови, хусусан, субсидиялар ажратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан «Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди бўйича 2020-2030 йилларда туманлар (шаҳарлар) кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари белгилаб олинди.

Соҳада давлат-хусусий шериклиги ривожлантирилади

Бундай лойиҳаларни амалга оширишни хоҳловчилар инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиб, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига доир харажатларни қоплаш учун компенсация олиши мумкин. Мазкур ҳолатда Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилади. Харажатларнинг қолган қисmini инвестор ўз маблағлари ҳисобига амалга оширади.

Инвестиция шартномаси ёки ДХШ тўғрисидаги битимда қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари рўйхати,

унга талаб этиладиган маблағларнинг дастлабки миқдори, бизнес лойиҳа, ҳар бир гектар ерга ажратиладиган субсидиянинг БҲМга қаррали миқдори ва бошқа мажбуриятлар назарда тутилиши керак. Ўз ўрнида лойиҳа ташаббускори ишлар якунланганидан кейин субсидия олиш учун Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органларига зарур ҳужжатларни тақдим этади. Келиб тушган ҳужжатлар 3 иш куни давомида кўриб чиқилиб, вазириликка тақдим этилади, у ерда ҳудди шундай муддатда харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун маблағлар лойиҳа ташаббускорининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Кадрлар ўз ўрнини топа олаётими?

Маълумотларга кўра, юртимизда 130 миң гектар майдонда сув тежовчи технологиялар тағбиқ этилган. Шундан 77,4 миң гектарда томчилатиб суғориш технологияси қўлланилмоқда. Жорий йил давомида эса яна 250 миң гектар майдонда шундай технологиялар жорий этилиши кўзланган. Муҳими, бу амалиёт шу тариха давом этиб, тежамкор технологиялар қўлланиладиган майдонлар 2025 йилга бориб 1 миллион гектарга, томчилатиб суғориладиган ерлар эса 250-300 миң гектарга етказилиши мўлжалланмоқда.

Бу қувонарли ҳолат, албатта.

АММО ҲАР БИР СОҲА ИСТИҚБОЛИНИ ЁШ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ҲАЛ ЭТИШНИ ҲАМ УНУТМАСЛИК КЕРАК. ХЎШ, ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЁШЛАР СОҲА КЕЛАЖАГИДА ҚАНЧАЛИК ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИБ БОРАПТИ?

— Сув хўжалиги вазирилик тизимидаги ташиқлотларда меҳнат қилаётган 30 ёшгача бўлган ёшлар томонидан жорий йилда умумий қиймати 13,3 млрд. сўмлик 193 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган, — дейди А.Мирзаев. — Ушбу лойиҳалар доирасида Фарғона вилоятида гишт ишлаб чиқариш, Жиззах вилоятида тикувчилик цехи,

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш Концепциясига мувофиқ, суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,73 гача ошириш, сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган ерлар майдонини 560 миң гектардан 190 миң гектаргача камайтириш, вазирилик тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 8,0 млрд. кВт.с.дан 6,0 млрд. кВт.с.га камайтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, суғориладиган жами шўрланган ер майдонларини 1935 миң гектардан 1603 миң гектаргача, ўрта ва юқори шўрланган ерларни 607 миң гектардан 258 миң гектаргача қисқартириш кўзда тутилган. Сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳа амалга оширилади.

Навоий вилоятида ёшлар боғи ташкил этилди. Шу кунга қадар 230 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Йил охиригача тизимда яратилган янги иш ўринлари сонини 2500 тага етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, ёшлар ўртасида сув хўжалиги соҳасидаги фан ва техника ютуқларини, замонавий ресурслар ва сув тежовчи технологияларни, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни жорий қилишга доир тарғибот ишларини кучайтириш, сув хўжалигини жадал ривожлантиришга хисса қўшиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинган. Соҳада кадрларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 500 нафар, 2021 ва 2022 йилларда 800 нафар, 2030 йилга қадар эса жами 5000 нафар олий маълумотли ёш мутахассисларни ишга олиш назарда тутилган. Қолаверса, соҳадаги 7000 нафар раҳбар-ҳодимнинг малакасини оширилади.

«Ақлли сув» — қандай тизим?

Давлатимиз раҳбари томонидан сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарурлиги белгилаб берилган. Бу борада вазирилик тизимида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) билан имзоланган битимга мувофиқ, республикаимизнинг асосий йиллик сув объектларига замонавий «Ақлли сув» тизими жорий қилиняпти. Ўтган йилги КОИСАнинг грант маблағи эвазига молиялаштирилган лойиҳа доирасида 61 та сув хўжалиги объектларига сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилди.

Ушбу тизим 2020 йилда яна 90 та объектда жорий қилинади. «Ақлли сув» тизимини 2025 йилда 300 тага, 2030 йилга бориб эса 1000 тага етказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси тўғрисидаги маълумотларни онлайн узатиш, мониторинг юритиш ҳамда суғориладиган майдонларнинг мелiorатив ҳолатини баҳолаш тизимини яратиш мақсадида 2020 йилда 2000 дона, 2025 йилда 6000 дона ва 2030 йилгача 27 270 дона кузатув қудуқларида геоахборот тизимлари ўрнатилди.

Сув хўжалигидаги илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишга жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2,2 баравар кўп ёки 2 млрд. 200 млн. сўм маблағ ажратилади. 2021-2022 йилларда ушбу рақамни 3,5 млрд. сўм ва 2030 йилгача 5,0 млрд. сўмгача етказиш режалаштирилган.

Умуман олганда, бутун сувни тежаб ишлатиш, табиий бойлигимизни келажак авлодга заволсиз етказиб бериш борасида қатор амалий ишлар бошланган. Келгусида бу ишлар янада ривожлантирилиб, соҳада камхарж, кўп фойда берадиган технологиялар қўламини янада кенгайтириб борилиши режалаштирилган. Демак, соҳа иктиқобли кўнгилга таскин бериш баробарида келажак ҳақида ёруғ режалар тузишга ундайди.

Боборовпан ҒОЗИДИНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистондан сўнг Қозоғистонда илк бор аёл киши ҳоқим этиб тайинланди.



Ўзбекистон Марказий банки томонидан эълон қилган маълумотларга кўра, 2019 йилда чет элдан жисмоний шахслар томонидан республикага юборилган пул ўтказмалари миқдори 6 миллиард долларга етиб, 2018 йилга нисбатан 17,5 фоизга ошган. Аввалги йилда ўсиш атиги 4,5 фоизни (2018 йилда 2017 йилга нисбатан) ташкил қилган эди. Аммо бу ҳали 2017 йилдаги валюта ўтказмаларининг кўпайиш ҳажмига етиб олмаганимиздан далолат. Яъни 2017 йилда жисмоний шахслар томонидан юртимизга юборилган валюта ҳажми 29,4 фоизга ўсган эди. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди Фозил Додиев билан мавзу юзасидан суҳбатлашдик.



ДАРВОҚЕ...

КОРОНАВИРУС ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

Жаҳон банки пандимеянинг иқтисодиётга асосий хавфларини эълон қилди. Унга кўра, вужудга келган вазиятда мамлакатларда иқтисодий ўсиш даражаси ўрта муддатли даврда пасайиши кузатилади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш қийинлашиши мумкин. Бунинг олдини олишда миллий фонд бозори барқарорлигини сақлаб туриш учун ички истеъмолни таъминлаш лозим бўлади. Мамлакатларда макрокитисодий мувозанат нобарқарорлашуви ортдан ЯИМ ҳажми қисқаради. Мувозанат бузилишига импорт самараси таъсирини камайтириш учун фоиш ставкаларини тушириш орқали ички истеъмолни таъминлаш мумкин. Туризм соҳасида турғунлик юзага келиши кузатилади. Натижада ишсизликка шароит яратилиши ва бунинг иқтисодий ўсишига ҳам салбий таъсири кузатилиши мумкин.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА 6 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИ ЮБОРГАН


Бу – мухожирларнинг пули

— Дарҳақиқат, Марказий банк томонидан 27 март куни эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи» ҳисоботида келтирилган маълумотлар шахсий ўтказмалар миқдори кескин ошганини кўрсатади, — дейди Ф. Додиев. — Бу маблагларнинг аксар қисмини ўзбекистонлик меҳнат мухожирларининг ўз оилаларига юборган ҳамда аҳолининг чет элда истиқомат қиладиган қариндошлари амалга оширган ўтказмалар ташкил қилади. Албатта, бундай пул ўтказмалари орасида ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар мақсадида амалга оширилганлари ҳам бор. Масалан, нисбатан кичик ҳажмдаги товар ва хизматлар экспортларида. Аммо мазкур пул ўтказмаларининг умумий ҳажмида ушбу экспорт операцияларидаги ҳисоб-китоблар нисбатан кам қисмини ташкил қилади.

фарқли тенденцияларда ўсиб борган. «Кириш» кўрсаткичида ижобий ўзгариш, яъни ўсиш тенденцияси 2017 йилдан бошлаб кузатилади бўлса, «чиқим»да бундай ўзгариш бир йил кейин — 2018 йилдан бошланган. 2019 йилда шахсий трансфертларнинг ижобий сальдоси кескин кўпайди.

чет элдан юборилган пул ўтказмалари таркибида Россия ва Қозоғистондан ташқари бошқа давлатлардан амалга оширилган трансфертлар улуши атиги 7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 17 фоизгача ошди. Бундай таркибий ўзгаришлар сезиларли даражада 2015 йилдан

2019 йилда жисмоний шахсларнинг Ўзбекистонга юборган пул ўтказмалари давлатлар кесимида, фоизда



Россия (77%) Қозоғистон (6%) Туркия (4%) АҚШ (3%) Корея (3%) Бошқа давлатлар (7%)

Қардан қанча келди?

Мазкур давр мобайнида жисмоний шахсларнинг Ўзбекистонга юборган пул ўтказмаларининг давлатлар кесимидаги таркибий ўзгаришлари эътиборга лойиқдир. 2014 йилда республикага

бошланган. 6 йил олдин «кириш» трансфертларининг 93 фоизи фақат 2 та мамлакатдан (Россия ва Қозоғистон) амалга оширилган бўлса, 2019 йилга келиб Ўзбекистонга юборилган пул ўтказмаларининг худди шу 93 фоизи 5 давлатдан юборилган (Россия, Қозоғистон, Туркия, АҚШ ва Жанубий Корея).

2014-2019 йилларда чет элдан Ўзбекистонга юборилган пул ўтказмалари динамикаси давлатлар кесимида олиб қаралганда бир неча мамлакатлар бўйича кизиқарли тенденцияларни кузатиш мумкин. 2019 йилда республикага юборилган пул ўтказмалари умумий миқдоридан улуши 1 фоиздан ортиқ бўлган мамлакатларга эътибор қаратсак, охириги 6 йилда АҚШ, Туркия, Жанубий Корея ва Исроилдан амалга оширилган трансфертлар миқдори юқори суръатларда ўсган. Жумладан, ушбу давр мобайнида пул ўтказмалари ҳажми АҚШдан 2,3 баробарга, Туркиядан 4,5 баробарга, Жанубий Кореядан қарий 3 баробарга, Исроилдан эса деярли 6 баробарга ошган. Шунингдек, Швециядан юборилган пул

ўтказмалари ҳажми нисбатан кам бўлса-да, барқарор ўсиш тенденциясига эга. Сўнгги 6 йилда ушбу мамлакатдан Ўзбекистонга амалга оширилган шахсий трансфертлар миқдори 6,9 млн. АҚШ долларидан (2014 йилда) 34,8 млн. АҚШ долларигача (2019 йилда) ошган, яъни 5 баробарга.


Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йилда республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши 15,4 фоизни ташкил қилди. Таққослаш учун, 2018 йилда бу кўрсаткич 14,4 фоиз бўлган, яъни 1 фоизга ўсган.

Вирус пул ўтказмаларини камайтирадими?

Ҳозирги вазиятда, яъни коронавируснинг дунёнинг деярли барча мамлакатларида юқори суръатларда тарқалиши, унинг жаҳон иқтисодиётга салбий таъсири ва натижада қутилаётган глобал рецессия каби омилларнинг юқоридан кўрсатилган тенденцияларга салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Ушбу омилларнинг хориждан Ўзбекистонга юбориладиган пул ўтказмалари миқдорига кўрсатилган таъсири жаҳон ҳамжамиятини коронавирус пандемиясини қиска вақт ичида «ожиллаш» қобилияти ва глобал иқтисодиётда қутилаётган рецессиянинг давомийлигига бевосита боғлиқдир.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

2014-2019 йилларда жисмоний шахсларнинг Ўзбекистонга юборган пул ўтказмалари таркибининг Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар кесимида ўзгариши, фоизда



2020 йилда шароити оғир қанча хотин-қиз уй-жой билан таъминланади?

АЙНИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ 34 МИЛЛИОН НАФАРДАН ОШДИ. АГАР ШУНЧА ОДАМНИНГ ТАХМИНАН 8,5-9 МИЛЛИОНТА ОЙЛАГА БИРИКИШИ ВА УЛАРГА ДЕЯРЛИ ШУНЧА МИҚДОРДА ТУРАРЖОЙ ЗАРУРЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛСАК, ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР НАҚАДАР САЛМОҚЛИ ЭКАНИНИ КЎРАМИЗ

Инсоннинг бекаму қўст яшаши учун, энг аввало, нима керак? Албатта, уй-жой. Агар одамда муқим яшайдиган тураржой бўлмаса, у ўзини ҳеч қачон эркин ҳис қилмайди. Қачонки, унинг ҳеч ким дахл қила олмайдиган шахсий бошпанаси бўлсагина, кўнгли хотиржам, тинч ва осойишта яшаши, меҳнат қилиши мумкин. Бу ҳақда сўз борганда, Юртбошимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасидаги «Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон, ўзининг «кичик ватани»га — уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади», деган фикрлари нақадар ҳаққоний эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.



Ҳаммада ҳам маблағ етарли эмас...

Мамлакатимизда ҳар бир йилнинг номланиши билан боғлиқ Давлат дастури билан амалга оширилади. Давлат дастури ижросини таъминлашдаги энг яққол ижро, шубҳасиз, қурилиш соҳасида кўзга ташланади. Унинг ўзига хос

хусусияти — йўқдан бор қилишдир.

Сир эмас, ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланиб улгурди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоизни ташкил этади. 2019 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари

бажарилиб, бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфлангани бунинг яққол исботидир.

Тан олиш керак, аҳоли кенг қатламли орасида ўз тураржой шароитини яхшилашга қурби етмайдиган, янги уй-жой сотиб олишни орзу қилса-да, маблағи етарли бўлмаган фуқаролар ҳам кам эмас. Давлатимиз томонидан бундай қатлам вакиллари инсонпарварлик нуқтан назаридан қўллаб-қувватланмоқда.

— Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги тегишли фармонида мувофиқ, жорий йилги Давлат дастури ижрога йўналтирилди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходими Шавкат Казакбоев. — Дастурнинг 204-бандида ҳудудлардаги 1 миң 576 нафар оғир турмуш шароитидаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Айни пайтда вазирлигимиз томонидан Ҳукуматнинг 2018 йил 12 апрелдаги «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорига мувофиқ, 2020 йилда арзон уй-жой билан таъминланиши зарур бўлган талабгорлар рўйхати шакллантирилди. Эҳтиёжманд қатламнинг ҳоши-истакларини ўрганиши ва қондиришида, энг аввало, ушбу қарор бандларидан келиб чиққан ҳолда иш тутилиши зарур.

Бошланғич бадал тўлаб берилади

Сўнгги йилларда нафақат Тошкент шаҳри, балки барча

вилоятларда кўз кўрса қувнайдиган, ўзига хос дизайн ва шакли билан одамни ҳайратга соладиган осмонўпар, яшаш учун барча қулайликлари бўлган тураржой бинолари қурилиб, ўз эгаларига топширилмоқда. Қурилиш вазирлиги томонидан жорий йилда арзон уй-жойлар қуриш дастури изчил давом эттирилиб, жами 12 миң 256 та қишлоқ ва шаҳарда янги иншоот бунёд этилади.

БУ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ МАҚБУЛ, АРЗОН ВА СИФАТЛИ БЎЛИШИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ. ШУБҲАСИЗ, ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАНДЕК, АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР БИРИНЧИ ГАЛДА БУНГА ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ЭЪТИЁЖИ БЎЛГАН НОЧОР ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИГА АЖРАТИЛАДИ.

— Аҳолида уй-жойга талаб ва эҳтиёж барча замонларда катта бўлган, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг оила масалалари бўйича мутахассиси Феруза Акрамова. — Статистик маълумотларга кўра, айни пайтда Ўзбекистон аҳолиси 34 миллион нафардан ошди. Агар шунча одамнинг тахминан 8,5-9 миллионга оилага бириктиши ва уларга деярли шунча миқдорда тураржой зарурлигини инобатга олсак, қурилиш соҳасида амалга ошириладиган ишлар нақадар кўламли ва салмоқли эканини кўраемиз. Ҳар бир оила

ўз иқтисодий имкониятига таянган ҳолда уй-жой қуради ёки сотиб олади. Аммо улар орасида камбағаллиги туфайли қадди-бастини тиклаб олишга қийналадиган қатлам ҳам мавжуд.

Албатта, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этади. 2020 йилги Давлат дастурида айнан шундай тонфага киритиш мумкин бўлган турмуш шароити оғир хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, ночор, нотўлиқ оила вакилларига кўмаклашиш назарда тутилган. Бу борада белгиланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, айнан шу тонфадаги шахсларга Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уй-жойнинг бошланғич бадал тўлови шакллантирилиб, қурилиш компанияларига ўтказиб бериш мўлжалланган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи аниқ-тиник белгиланмоқда. Талабгорнинг ҳужжатлари расмийлаштирилгач, мутасадди ташкилотлар бошланғич тўловни хусусий сектор, яъни нодавлат қурилиш компаниялари ҳисобига ўтказиб беришга қатъий киришиши зарур.

Инсоннинг дунёга келиши, ўсиб-улғайиши, соғлом ривожланиши ва узок умр кўриши учун жуда кўп омиллар талаб қилинади. Шубҳасиз, яшаш учун барча қулайликлари бор уй-жойи бўлса, ҳар бир киши тинч, осойишта умргузаронлик қилади. Жамиятда унинг ўз ўрни, касб-кори, илик муҳитдаги оиласи бўлади. Зеро, кичик ватани, кўрғони, яъни уй-жойи бўлган инсон бахтлидир.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Уй-жой ажратиш тартиби қандай?

— Уйга муҳтожлар кўп, уй-жойи сони эса чекланган. Бундай вазиятда биринчи бўлиб кимларга уй берилади?

Анора НОРБОВА,
Самарқанд вилояти.

Гайбулла ПРИМОВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Айтايлик, бир аёл уй-жойга муҳтож ва ёлғиз она, иккинчиси уй-жойга муҳтож, ёлғиз она ва айни дамда кам таъминланган, учинчиси эса ҳам ёлғиз она, кам таъминланган ва бунинг устига, ногиронлиги бор. Албатта, бу вазиятда учинчи тонфадаги аёл бошқа даъвогарларга нисбатан тавсия олишга кўпроқ ҳақлидир.

Битта тумандан йилга 6 та уй берилади, аммо унга ўнлаб, ҳатто юзлаб талабгорлар бор. Шунинг учун комиссия ҳар бир ҳолатни индивидуал ўрганиб, кейин ҳулоса қилади. Талабгорлар туман ҳокимияти қошида тузилган махсус ҳудудий комиссияга ҳар йилнинг 1 февралга қадар ариза топшириши ва шу комиссиянинг тавсияси билан кейинчалик имтиёзли уй-жой-


га эга бўлиши мумкин.

Ҳудудий комиссиялар дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган талабгорлар рўйхатини ҳар бир туман (шаҳар)да ҳар йили амалга ошириладиган дастурлар доирасида тегишли Низомнинг 4-бандида белгиланган арзон уй-жойлар билан таъминлаш тартибига мувофиқ шакллантиригач, бу комиссия баённомаси билан тасдиқланади. Рўйхатда талабгорнинг исм-фамилияси, отасининг исми, яшаш манзили, паспортига оид маълумотлар, оила аъзолари сони ва бериладиган арзон уй-жойларнинг тури (қўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс ҳолда қурилган кўп қаватли кўп хонадонли (2 ва 3 хонали) ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар) аниқ кўрсатилади.

Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида «ўзини яққолаш» ҳаёт тарзи жорий этилади.



у кунларда юртимизда амал қилаётган карантин, вирус хавфи туфайли баҳорнинг қатор бошқа таҳдидлари ёдимиздан кўтарилгандек гўё. Масалан, баҳорги селлар ўтган йили ҳудудларимиз ва пойтахт инфратузилмасига жиддий зарар етказганди. Тоғли ҳудудлардаги бир неча қишлоқлар тупроқ кўчкиси эҳтимоли сабаб кўчирилди. Бундан ташқари, сейсмик хавф юқори бўлган ҳудудда жойлашганимиз боис ҳар йили, айниқса, баҳор ойларида юртимиз бўйлаб қатор ўрта кучли зилзилалар бўлиб ўтиши ҳам сир эмас. Жумладан, ўтган ҳафта 26 март – пайшанба кунини Тошкент вақти билан 09:44 да Ўзбекистон – Тожикистон чегарасида зилзила содир бўлди. Пойтахт, Наманган, Фарғона, Гулистон шаҳарларида унинг кучи 4 баллгача етди. Дарҳақиқат, бугун осмонўпар бинолар қад ростлаётган, улкан қурилиш майдонида айланган мамлакатимиз учун сейсмология ўта долзарб соҳа экани шубҳасиз. Бундан ташқари, айрим илмий давраларда XXI асрда сайёраимиз умумий сейсмик фаоллик даврига киргани, яқин юз йил ичида ўта вайронкор зилзилалар бўлиши кутилаётганини тўғрисида башоратлар қилинмоқда. Мавзу юзасидан Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори Қаҳҳорбой Абдуллабеков билан суҳбатлашдик.



Сайёраимиз сейсмик фаоллик даврига кирдимми?

Янги имкониятлар — янги марралар сари чорламоқда

— Мамлакатимизда сейсмология соҳасига 2017 йилдан буён жиддий эътибор қаратила бошланди, — дейди К.Абдуллабеков. — Айнан шу йили Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Г.О. Мавлонов номидаси Сейсмология институтининг қатор тақлифлари инobatга олиниб, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлиги даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мазмуни қабул қилинди. Замонавий йўналишдаги илмий тадқиқотлар, шиланмаларни ҳаётга татбиқ қилиш, олимларимиз учун қўшимча қўлайлик ва шароитлар яратишдан тортиб, биноларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, фуқаро муҳофафаси соҳаларини ўз ичига олувчи ҳужжат соҳада янги даврини бошлаб берди. Айтиши жоизки, янги имкониятлар тадқиқотчиларимизни янги кашфиётлар сари руҳлантirmoқда. Олимларимиз соҳада оламшумул натижалар оstonасида турибди.

Ер нега қимирлайди?


Сайёраимиз сейсмик фаоллик даврига киргани тўғрисидаги гаплар ғайриилмий ҳисобланади. Зеро, ер шарини доимо сейсмик жиҳатдан фаол бўлиб келган. Бу сайёранинг мавжудлиги, унда ҳаёт бўлиши учун ўта муҳим. Ер шарини бир йил давомида бир неча юз минг зилзила юз бериши мумкин, уларнинг аксариятини фақатгина сейсмографлар сезади, холос.

Бизга сезиладиганлари бир неча мингга етиши мумкин. Вайронкор ер силкинишлари эса бир йилда юзтагача кузатилади. Масалан, жорий йил 22 март кунини Хорватиянинг Загреб шаҳрида 5,3-5,4 балли ер силкиниши содир бўлди. Эпидмарказда эса силкиниш кучи 7 баллдан ҳам ошди. Қатор вайронагарчиликларга олиб келди. Айниқса, Загреб шаҳри марказидаги тарихий обидалар жиддий зарар кўрди. 27 киши оғир жароҳатланиб, бир киши ҳалок бўлди. Бу, айниқса, мамлакатда коронавирус тарқгани боис эълон қилинган фавақулда ҳолат ортидан содир бўлгани аҳоли ўртасида саросимага сабаб бўлди. Жорий йил 24 январда Туркиядаги ер силкиниши натижасида эса 600 нафарга яқин инсон жабрланди. 20 киши ҳалок бўлди.

Зилзилалар ер шарининг тектоник жиҳатдан энг фаол бўлган (масалан, бир қисми Ўзбекистонга кирган Тянь-Шань, Афғонистондаги Ҳиндикуш, Тожикистондаги Помир каби) тоғ тизмалари жойлашган ҳудудларда ҳам тез-тез кузатилади. Ҳудудимизда баҳор ойларида бошқа даврдигарларга нисбатан кучлироқ ер силкинишларининг кузатилиши тектоник даврийликка боғлиқ ҳодиса.

Илм барчасига жавоб топа оладими?

Олимларимиз дунё бўйича соҳада етакчи мутахассислардан ҳисобланади. Аммо узок йиллар мобайнида моддий техник базанинг етишмаслиги, эътиборнинг йўқлиги боис кўп-кўп ишланмалар чала қолди ёки ҳаётга татбиқ қилинмади. Шу ўринда зилзила тўғрисида аниқ



маълумот берадиган мукамал тизим ҳали яратилмагани, қачон ва қандай кучдаги зилзила рўй беришини олдиндан аниқ айтишнинг ҳозирча иложи йўқлигини таъкидлаш керак. Аммо қатъият билан айтишим мумкинки, янги авлод илмий ходимлари ҳали бунинг ечимини ҳам топади. Ҳозирча эса фақатгина зилзиладан бироз аввал содир бўладиган ўзгаришлар фанга маълум.

Масалан, форшок (зилзила олдиндан содир бўладиган тўқкилар), ерости сувлари сатҳи, таркибининг ўзгариши, зилзила хавфи мавжуд ҳудудларда магнит майдони таъсирининг кучайиши ёки пасайиши, кучли электрланиш натижасида ер жинсларининг кимёвий ва физик хусусиятларининг ўзгариши шулар жумласидан. Замонавий илм-фанга зилзиланинг ўндан ортиқ дарақчилари маълум. Ҳар бир сейсмик станциялардаги асбоблар мазкур дарақчиларни доимий кузатиб бориши лозим. Шунда 70 фоиз эҳтимол билан кучли зилзилани олдиндан башорат қилиш имкони туғилади. Мазкур дарақчиларни кузатиш натижасида 1984 йилнинг январидан Наманган вилоятининг Поп туманида содир бўлган зилзила олдиндан башорат қилинган. Ушанда кунини бир-иккита майда зилзилалар кайд этилган,

орадан бир ой ўтиб эса форшоқларнинг сони суткасига 100-150 тага етган. Шунда маҳаллий маъмуриятга зилзила содир бўлиши ҳақида хабар берилган ва ҳақиқатан ҳам, Попада 8 балли зилзила рўй берган.

1978 йили Андижондан 120 километр жанубда Олой зилзиласидан олдин ерости сувлари таркиби ва магнит майдонлари ўзгариши кайд этилган. Тахлиллар натижасида офатдан 6 соат аввал маҳаллий маъмуриятга хавф тўғрисида хабар берилган. Ҳисоб-китоблар тўғри чиқиб, соат 01:50 да 6 балли зилзила содир бўлган.

Кундузги шафак бахтсизликдан даракми?

1980 йил 11 декабрда маҳаллий вақт билан соат 20 дан 35 дақиқа ўтганда Тошкентнинг ғарб томонида Назарбек зилзиласи содир бўлди. Бироз аввал уфқда шафак кўринди. Бундай шафак 1966 йилдаги апрель зилзиласи пайтида ҳам кузатилган эди.

Олимларнинг ўрганишлари натижасида ерости тектоник плиталари ўзаро қисилиши натижасида ишқаланиш юз бериб, кучли электромагнит майдони пайдо бўлиши аниқланди. Бу майдон атмосферанинг куйи қатламларида шимол ёғдуси каби шафак ҳосил қилади. Ҳолат фақат кучли зилзилалар олдиндан содир бўлади. Назарбек зилзиласида эса монокалдрок каби гумбурлаган кучли товуш ҳам эшитилган. Демак, кутилмаган пайтда ғайриоддий шафак кўринса, дарҳол хавфсиз жойга ўтишга ҳаракат қилган маъқул.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

ЮРТИМИЗНИНГ СЕЙСМИК ХАВФЛИ ҲУДУДЛАРИ

Мамлакатимизнинг баъзи ҳудудлари сейсмик жиҳатдан хавфли ҳисобланади. Жумладан, Фарғона водийси, Тошкент вилояти ва шаҳри Тошкент-Писком сейсмон зонасида жойлашган. Бу ҳудудларда сўнгги 150 йил давомида 20 га яқин кучли зилзила бўлиб ўтган. Шу боис сейсмомикрорайонлаштириш натижасида шаҳарлар рельефи, муҳандислик-геологик шароитини назарга олган ҳолда, 7, 8, 9 балли майдонларга бўлиб чиқилган. Масалан, Тошкент шаҳри остидаги ер қатламлари жуда зич жойлашгани ва сейсмофаол синиқлар борлиги маълум. Республикаимизнинг барча ҳудудларидаги йирик қурилишлар натижасида шаҳарлардан ишлаб чиқилган махсус харитага асосан бунёд этилади. Харитада мамлакатимизнинг қайси ҳудудида қай даражагача зилзила содир бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Қурилишларни назорат қилиш бўйича махсус комиссия доимий фаолият юритади. Жумладан, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 8-9 даража ер силкинишларига дош бера оладиган бинолар барпо этишга руҳсат этилади.



Она заминнинг саховати чексиз. У эл-юртга ризқ-насиба улашади. Ер майдонларидан самарали фойдаланиш эса бозорларимиз тўкинлиги ва нарх-наво барқарорлигини таъминлайди. Бугунги кунда Навоий вилоятининг умумий ер майдони 10 миллион 948 минг гектарни ташкил этади. Шундан 91 минг 515 гектари ер майдонидан иборат. Минг афсуски, бошқа ҳудудларда бўлгани каби Навоийда ҳам мансабдор шахслар томонидан ерларни ноқонуний ажратиш, фуқаролар томонидан эса ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ер ресурсларидан қандай фойдаланяпмиз?

ЕР АСЛИДА ВАТАН. АХИР, БИЗ ФАҚАТ ВАТАН ВА ЕРГА ОНА СИФАТИНИ БЕРАМИЗ. «ОНА ВАТАН» ДЕГАНИМИЗ КАБИ «ОНА ЕР» ҲАМ ДЕЙМИЗ. ОНА ЕРГА ХИЁНАТНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ КЎРИНИШИ ЭСА, АЛБАТТА, ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши қатъий чора кўриш борасида муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти прокуратураси томонидан аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар белгиланиб, вилоят ва шаҳар-туманлар даражасида ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

— *Ишчи гуруҳлар томонидан кунлик мониторинг ишлари олиб борилиб, ер майдонлари босқичма-босқич тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда. — дейди вилоят прокуратураси масъул ходими Ойбек Қурбонов.* — Жумладан, ўрганишлар давомида вилоят бўйича 22 та ҳолатда 5 минг 230 гектар ноқонуний ер ажратилиш ҳолатлари аниқланди, 4 минг 711 гектар ер майдонлари эса давлат эгаллигига қайтарилди.

Шунингдек, жами 1 минг 232 та ҳолатда 134 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ва ноқонуний қурилишлар қилингани ойдинлашди. Шундан 59 гектар ер майдонига қурилган 639 та ноқонуний қурилишлар бартараф этилиб, судларга 525 та даъво аризаси киритилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер ажратиш ҳақидаги 22 та қарори қонуна зид деб топилиб, бу ҳақда судларга протест киритилди ва бекор қилинди.

Ерга хиёнат — давлатга хиёнат

— *Айрим юртдошларимиз «бугун бузиб ташлаш ҳолатлари кўпайди», дея норози бўлишади, аслида, қонуний иморатни ҳеч ким, ҳеч қачон буз, демайди, — дейди Олий*

Мажлис Сенати аъзоси Улуғбек Файzieв. — *Бузилаётган иморатлар давлатга тегишли бўлган, сугориладиган экин майдонларида, руҳсатсиз, ўзбошимчалик билан қурилган. Бу ерлар давлат мулки ҳисобланади. Агар бу майдонлардан қўшимча томорқа сифатида фойдаланилса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сероб бўлади, бозорларда нарх-наво арзонлашади, дастурхонлар ноз-неъматга тўлади.*

Афсуски, гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, қайсидир «ҳожатбарор»нинг «хотамтой»лиги эвазига давлат мулки ҳисобланган ерга хиёнат қилинган. Ерга хиёнат — давлатга хиёнат, аслида. Бугун биз, сенаторлар ҳам хонадонмаҳонадон юриб, Президентимиз имзолаган фармон моҳиятини халқимизга тушунтиряпмиз. Жараёнда амин бўляпмизки, азалдан ерни кадрлаган, қонида миришқорлик бор элимиз бу ҳужжат моҳиятини тўғри англаб, хатоларни тузатишга киришмоқда.

Жумладан, Қизилтепа туманининг «Муस्ताқиллик» маҳалласидан Раббим Ялғашев ўзинга ажратилган 22 сотих қўшимча томорқа майдонида 2006 йилда уй қурган эди. Орадан 14 йил ўтиб, мазкур уй-жойни бузишга мажбур бўлди. Даставвал ишчи гуруҳи ўрганишлари натижасидан норози бўлиб, иморатини бузишни истамаганди. Юзма-юз мулоқотлар асосида ҳақиқатни англаган Раббим ака ўз хатосини тушуниб етди.

— *Шукрки, оиламиз билан бемалол истиқомат қилиш имкониятимиз бор, бу иморатни бузиш оқибатида кўчада қолганимиз йўқ, — дейди у.* — *Энди бу майдонда деҳқончилик қиламан, ерни боқсанг, кам бўлмайсан, бу майдондан олган маҳсулотимни бозорга чиқариб, рўзгоримга даромад киритаман.*

Ишчи гуруҳи томонидан

олиб борилган ўрганишлар давомида Қизилтепа туманида 378 та ҳолатда фермер хўжаликлари билан уларнинг 341 минг 656 гектар ер майдонидан фойдаланиш ҳақида ижара шартномалари тузилмагани аниқланиб, мазкур тадбир давомида ушбу камчиликлар бартараф этилди, шартномалар тузилиши таъминланди. Қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари, бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан мансабдор шахсларга 7 та такдимнома киритилиб, 9 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий чора кўрилди.

— *Ерлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари борасида аввал ҳам ўрганишлар олиб борилган, — дейди Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари Шукрулло Отақулов.* — *Чунки юртимизда айнан ер масаласида коррупцияга оид ҳолатлар такрор ва такрор содир этилгани ҳаммага аён. 2018 ва 2019 йилларда айнан ерлардан ноқонуний фойдаланишга оид 12 та жиноят иши кўзга тилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилган.*

Ноқонуний қурилишлар қаердан пайдо бўлган?

Тўғри, ҳеч ким машаққат чекиб қурган иморатини қимнингдир қистови билан бузишни истамайди. Бирок бу ҳолатга тушмаслик учун у, аввало, қонунларни ҳурмат қилиши лозим. Ахир, «қонунга қул бўлган одам подшоҳдир» деган ибора бежиз айтилмаган.

Хатирчи туманида олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, 337 та ҳолатда 43 гектар ер майдонида ноқонуний тарзда қурилиш қилингани аниқланиб, шундан 227 таси бартараф этилди. Жумладан, 7,3 гектар ер майдонида амалга оширилган ноқонуний қури-

лишларни мажбурий бузириш чораларини кўриш юзасидан туман ҳокимига такдимнома киритилди.

Аслида фуқароларнинг ўзбошимчалик билан ерларни ўзлаштириб, ноқонуний иморатлар қуриши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг ортида маълум бир кучлар, яъни давлат ҳокимияти органларида юқори лавозимларда ўтириган шахслар тургани ачинарли ҳолдир. Албатта, давлат мулкани ўзбошимчалик билан эгаллаб, ўз манфаати йўлига хизмат қилиш халқ ризқиға чанг солиш билан баробар. Бу каби қимсаларнинг кирдиқори эса ҳеч бир қонунни четлаб ўтмаслиги тайин.

Айтиш керакки, қонун устувор бўлган жамиятимизда уларнинг қилмишларига муносо ҳуқуқий баҳо берилмоқда. Жумладан, Хатирчи тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Зиядулла Хўжақулов, Навбахор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган Ойбек Хайиров навоийликлар хотирасида «ер сотган раҳбар» сифатида қолди. Уларга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар қўлланилган.

Ердан нафақат ноқонуний, балки самарасиз ҳам фойдаланилган

Ўрганишлар натижасида вилоят бўйича 12 та ҳолатда жами 27 гектар, шундан Навбахор туманидаги 19 гектар, Учқудук туманидаги 8 гектар ердан самарасиз фойдаланилаётгани аниқланди. Пиrowардида мазкур майдонлар қонуний асосида захирага қайтариллиши таъминланди. Шунингдек, мелиоратив ҳолати ёмонлашган 6 минг 337 гектар сугориладиган ер майдонларининг ҳолатини яхшилаш, ер унумдорлигини

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Жиноят кодексининг 197¹-моддасига кўра, сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса, жавобгарликдан озод этилади.

ошириш юзасидан муайян амалий тадбирлар олиб бориш, уларни қайта тиклаб, фойдаланишга киритиш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ер аслида Ватан. Ахир, биз фақат Ватан ва ерга Она сифатини берамиз. «Она Ватан» деганимиз каби «Она ер» ҳам деймиз. Ҳа, замин — онамиз. Унинг чексиз саховати туфайли тириклик бардавом. Она ерга хиёнатнинг ҳар қандай кўриниши эса, албатта, жавобсиз қолмайди.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгаши депутати М.А. 15 суткага қамалди.

Ишсизлик кўнаймоқда, муамманинг ечими борми?

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, дунё халқларини тахликага солаётган коронавирус пандемияси оқибатида ер юзида ишсизлик муаммоси янада авж олмақда. Ҳозирги вазият сайёрамизнинг 25 миллион аҳолисининг бандлигига чек қўйиши мумкинлиги аниқланди. Албатта, бу глобал муаммодан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ.

Хусусан, турли буюм бозорларида савдо қилувчи тadbиркорлар, транспорт хизмати кўрсатувчилар, сервис соҳасида фаолият юритувчи тadbиркорлик субъектлари ходимлари, сартарошлар ишга чиқишмаяпти. Бундан ташқари, яна юзлаб хорижда ишлаётган ўзбекистонлик пандемия туфайли ишнини ташлаб ортга қайтди ва бугун уларнинг барчаси уйда қолишга мажбур. Аини муаммони бартараф этиш мақсадида Президентимизнинг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

— *Фармонга мувофиқ, камбағал ва ишсиз аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни тadbиркорликка кенг жалб этиш, касб-хунарга ўқитишга эътибор кучайди, — дейди Навоий вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбасари Насиба Содиқова. — Бунда камбағал, ишсиз фуқароларни касб-хунарга тadbиркорликка ўқитиш маҳаллада ташкил этилган ўқув курсларида боиланиб, туман ёки шаҳар касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан уларга амалий ёрдам кўрсатилади. Кейинги босқичда эса «Ишга марҳамат» миномарказлари ташкил этилади ва бу марказлар касб-хунарга ўқитиш масканларида ўқиган фуқаролар бандлигини таъминлайди.*

Аслида биз маҳаллаларда касб-хунарга ўқитишни карантин тартиби ўрнатилмасдан аввал ташкил этган эдик. Карантин бошлангач, бу ўқув курслари машғулоти тўхтаган бўлса-да, ана шу саъй-ҳаракатимиз янги фармон ижросини таъминлашга пойдевор бўлаётди. Чунки вилоятимиздаги 307 та маҳалланинг ҳаммасида «Уста-шоғирд» аъёнасини йўлга қўйганмиз.

Хотин-қизлар бандлиги — доимий эътиборда

Жорий йилнинг 27 февраль кунини давлатимиз раҳбари раислигида тadbиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳалла тизими ходимларига ишсизликни камайитириш борасида аниқ топшириқлар берилган эди. Шу асосда вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан «Хотин-қизлар тadbиркорлик маркази» билан ҳамкорликда маҳаллаларда ўқув курслари ташкил этилди.

— *Нурота қашталарининг донинг етти иқлимга машур, — дейди Нурота тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходими Гулрух Тогаева. — Хусусан, қаштали буюмларга хорижлик сайёҳларнинг талаби юқори. Аини пайтда ҳудудимиздаги*

НАХОТКИ, УРУШ ЙИЛЛАРИДА МИЛЛАТИ ВА ДИНИГА ҚАРАМАЙ, ЕТИМ БОЛАЛАРНИ БАҒРИГА ОЛГАН ХАЛКИМИЗ БУГУН ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИ БОКИШ УЧУН МАВЖУД ИШ ЎРНИНИ РАД ҚИЛИБ, БОЗ УСТИГА, УЯЛМАЙ МАҲАЛЛАДАН ЁРДАМ СЎРАЯПТИ?!



барча маҳаллаларда қаштачилик хунарини ўргатиш учун «Уста-шоғирд» аъёнаси йўлга қўйилган. Аҳамиятлиси, ёшларимизнинг бу момомерос хунарга қизиқиши юқори, карантин даврида қизлар қашта тикишни астойдил ўрганишмоқда. Эътирофли эъҳвати, улар ҳимоя ниқобларини ҳам тайёрлаб, маҳалладошларига бепул тарқатишмоқда.

Нурота тумани марказидан 35 километр олисда жойлашган Ҳозгон кўрғони жорий йилда Президент қарорига кўра, алоҳида шаҳар мақомини олди. Асосан чорвачилик ва мрамар қазиб олишга ихтисослашган ҳудудда шу пайтгача хотин-қизлар учун деярли иш ўрни йўқ эди. Баҳорнинг илк кунларида Ҳозгон шаҳрида «Нурота баракка чеварлари» фабрикаси барпо этилди. Фабрика фаолияти ўқув курслари билан бошланди. Мазкур курсларга Ҳозгондаги «Тумар», «Мрамаробод» ва «Гулистон» маҳаллаларида истикомат қилувчи 50 нафар хотин-қиз жалб қилинди.

— *Тикув дастгоҳлари уйларига етказиб берилган хотин-қизларимиз мустақил равишда кўрпа-ёстиқ жислларини тикишапти, — дейди «Мрамаробод» маҳалласи раиси Шо-*

ҳиста Нурова. — Гап ишундаки, фабрикада тайёрланаётган маҳсулотларни реализация қилиш учун аллақачон буюртмачилар билан шартномалар имзоланган эди. Уй шароитида тайёрланаётган бу маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилади. Энг асосийси, хунарга ўрганувчилар даромадсиз қолмайди. Уларга Нурота тумани аҳоли бандлигига кўмаклаштиш маркази томонидан ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдоридан ҳақ тўлаб боришмоқда. Карантин даври тугагач, бу хотин-қизлар иш фабрикада иш билан таъминланади.

Ишсиз фуқароларга ўн сотихдан ер берилди

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳрида ҳам қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

— *Ишсизлик, моддий етишмовчилик жиноятчиликка йўл очиши мумкин, — дейди Навоий шаҳар маҳалла ва оилани бошлиғи Рустам Ғафоров. — Ҳозирги мураккаб шароитда катталар босиқлик билан иш туттишса-да, ёшларимиз орасида биллиб-билмай қонунбузарликка қўл урадиганлар чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис биз, аввало, ёшлар бандлигини таъминлашга ҳаракат қилишимиз. Бунда биринчи навбатда, 18-25 ёшли ишсизлар рўйхати шакллантиришди. Уларнинг 25 нафарига «Ёшлик» маҳалласи ҳудудидаги бўйи, ҳокимлик захирасидаги майдондан ўн сотихдан ер ажратдик. Ёшлар ўз ерларига қартишса, помидор, тибё ва бошқа сабзавот маҳсулотларини экишмоқда.*

Шунингдек, Навоий шаҳри ҳокими томонидан маҳаллаларда жамоатчилик асосида ишлайдиган фуқаролар сонини ошириш, ҳудудда саранжом-сарништалikka эътиборини кучайтириш борасида ҳам аниқ топшириқлар берилган.



— *Пандемия туфайли шаҳар шароитида ишсизлар сони кескин ошгани сир эмас, — дейди «Истиқдол» маҳалласи раиси Холмурод Муродов. — Чунки меҳмонхоналар, гўзаллик салонлари, қаҳвахоналар, тўйхоналар ўз фаолиятини тўхтатган. Бу жойларда ишлаган фуқаролар аини пайтда ишсиз. Афсуски, ана шу фуқароларимиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ишловини исташмашпти. Уларга 750 миң сўм маош камлик қилар экан. Йўқдан кўра, ҳарна-ку. Ачинарлиси, тайёр ишини рад қилганларнинг айримлари уялмай маҳалладан ёрдам сўрашпти, бола-чақасини боқиб учун ҳамишлар кўмакка кўз тикташпти.*

Маҳалла раисининг куюнғаннича бор. Аини пайтда Навоий шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан хомийлар кўмагида ҳар кунини 500 тагача ховдонга кундалик зарурий истеъмол маҳсулотларни етказиб беришмоқда. Бундай ёрдамни талаб қилиб, «нега унга бору менга йўқ?» дея кунда эшик қоқаетганлар ҳам йўқ эмас. Нахотки, уруш йилларида миллати ва динига қарамай, етим болаларни бағрига олган халкимиз бугун ўз фарзандларини боқиб учун мавжуд иш ўрнини рад қилиб, боз устига, уялмай маҳалладан ёрдам сўрашпти?!

Маҳалла институти вакиллари ҳамкор ташкилотлар билан олиб бораётган тарғибот-тушутириш ишлари самара беради, албатта. Аини вазият мохиятини англамай, нотўғри йўл тутаетган баъзи юртдошларимиз хатосини тушуниб етди. Асосийси, халкка сунъ ва таянч бўлишга интилан маҳалла ходимлари бугун ҳам одамлар ташвиши билан яшаппти, бандликни таъминлашга хисса қўлишни биринчи галдаги вазифа деб билмоқда.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ишсизлик нафақаси қандай ҳолатда бекор қилинади?

— *Аваллари ишсизлик нафақаси олардим. Ўртада уни узиб қўйишди. Сабабини сўрасам, икки-уч марта менга тақлиф қилинган ишни рад этганим туфайли ишундай қилишибди. Шу тўғрими?*

Назиржон ХОЛИҚОВ,
Навоий вилояти.

Эркин АВЕЗОВ,
Навоий вилояти бандлик бош бошқармаси бошлиғи:

— *«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга кўра, ишга жойлашган, ўзига тақлиф қилинган ишни икки марта рад қилган, озодликдан маҳрум этилган*

ҳамда пенсия оладиган шахсларга ишсизлик нафақасини тўлаш бекор қилинади.

Шунингдек, ишсиз шахс стипендия олган ҳолда касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтаётган, ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасида даволаш курсини ўтаётган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ишга қўйилган бўлса, ишсизлик нафақасини тўлаш тўхтатиб қўйилади. Ишсиз шахс узрэнз сабабларга кўра, белгиланган муддатда маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда, ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойгача муддатга тўхтатиб қўйилиши ёки нафақа миқдори камайитирилиши мумкин.

Пенсия жамғармаси ижрочи директори вазифасидан озод қилинди.

НУКУСДАГИ САВДО РАСТАЛАРИ ҚАЧОН ЯНГИЛАНАДИ?

СОТУВЧИЛАР: «ЙИГИЛГАН ПАТТА ПУЛИГА ШУ ПАЙТГАЧА
КАРВОНСАРОЙ КУРСА БЎЛАР ЭДИ», ДЕЙДИ. УЛАРНИНГ ЖОН
КОЙИТГАНИЧА БОР, ФАҚАТ БУНИНГ УЧУН МАСЪУЛЛАР БОЗОРГА
ФАҚАТ ПАТТА ЙИГИБ ОЛИНАДИГАН ЖОЙ, ДЕГАН ҚАРАШНИ
ЎЗГАРТИРСА БЎЛГАНИ

Халқимиз азалдан ўзи ишлаб чиқарган ёки етиштирган маҳсулотларини сотиш учун бозорларга олиб чиққан. Ҳатто Амир Темур даврида ҳам хунармандлар ва деҳқонлар бозорда бемалол савдо қилиши, уларнинг маҳсулоти олибсатарлар кўлига ўтиб кетмаслиги учун махсус назорат ўрнатилган. Демакки, бозорда шунга яраша шароит ҳам яхши бўлган.

Азалдан бозор учун жой танлашда доимо аҳоли эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Наврўз» маҳалласи ҳудудидаги бозор ҳам аҳоли эҳтиёжи сабаб пайдо бўлган, десак янглишмай-миз. Бундан ўн йиллар олдин бу ерда кичкина мол бозори, ўт-ем, қурилиш моллари бозори ташкил қилинган. Вақт ўтиб, бу манзилга нафақат шу атрофдаги маҳаллалардан, балки узоқ ҳудудлардан ҳам одамлар келадиган бўлишди. Шу тариқа бу ҳудуддаги энг катта бозорлардан бирига айланди.

Катта йўл ёқасидаги қўмликда жойлашган бозор бир гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Бу ерда камида 250-300 нафар киши кўй-эчки, ем-хашак, ёғоч, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа хўжалик буюмлари олди-сотдиси билан шугулланади. Шундай бўлса-да, бозордаги шароитлар ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас: сотувчилар ўз маҳсулотларини шундоқ очик ҳавода, ерга қўйиб сотишмоқда. Улар иссиқ кунларда ҳам, кор-ёмғирда ҳам шундай савдо қилишга мажбур. Озгина шамол гурса, буюмлар



қўм бўрони остида қолади. Чунки бозор ҳудудида савдо расталари учун биронта қулайлик яратилмаган. Бундай шароитда сотилган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳақида бирон гап айтишга эса истиҳола қилади, киши.

Пул йиғишга доим одам топилади

Ажабланирлиси, бозорда зарур шароитлар яратилмаган бўлса-да, патта доимий равишда йиғиб олинади. Қизиғи, сотувчиларнинг ҳаммасига ҳам тўловни тасдиқлайдиган чек берилаётгани йўқ. Ўзини таништиришни хоҳламаган ходимлар эса буни айтилган топишиқни бажараётгани ва барча сумма марказий бозор кассасига топширилишини айтишди.

— Бозорнинг ташкил этилгани аҳоли учун жуда маъқул бўлди, — дейди «Наврўз» маҳалласида яшовчи Гулчехра Раймбергенова. — Уйимизга яқин, узоқ йўл юриб, вақт кетказмаймиз. Лекин бу ердаги аҳвол жуда ачинарли. Битта ҳам дарахт экилмасан, соя эскининг ўзи йўқ. Шамолда қўм тўзони кўтарилиб, уст-бошимиз чанга беланади. Ем-иқт эҳқанда эса тиззага урадиган лойни оралаймиз.



Йўл ўтган сайн бозор кенгайиб борапти. Агар шунга яраша имконият яратилса, барчага бирдек фойда бўларди.

Очиги, нафақат бозор, ҳудудимиз ҳам эътиборга муҳтож. Кўчаларимиз асфальтланмаган. Ёз мавсуми бошлангани билан водопровод суви ҳам қуриydi. Дарёдан эса бу ерларга сув келмайди. Шу боис томоркага экин экишнинг умуман имкони йўқ. Ҳудуд ободонлиги ҳақида гап айтишнинг ўзи қийин. Фарзандларимиз анча олисдаги мактабга катнаб ўқийди. Айрим тўғарақларга қатнашиш учун шаҳарга боришга мажбур.

— Ҳудудимизда мактаб, боғча қуриши учун буни эскининг ўзи йўқ, — дейди йиғин раиси Имоматдин Ҳабибуллаев.

— Фақат кичик стадион қуриши учун имконият бор. Лекин ҳамий йўқлиги сабабли бу ҳам кечикмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ободонлаштириш, томорқа ерларини сугориши учун умуман шароит йўқ, қрандан сув олиш имконсиз. Маҳалламиз эскирий йўлда «Обод маҳалла» дастурига киритилса, бундай муаммолар ечилади, деган умиддамиз.

Маҳалла раисининг беғам оҳангда сўзлашадан унинг ҳам шу ерда истиқомат қилишига шубҳа қиласан, киши.

Йиғилган патта пулига карвонсарой курса бўлар эди

Нукус шаҳрининг «Амударё» йиғини ҳудудида фаолият юритаётган мол бозори ҳам бундан 4-5 йил олдин шаҳар ҳокими қарори билан «Таслак» маҳалласи ҳудудида кўчирилган эди. Ўтган вақт мобайнида ҳудуд кенгайтирилиб, у кийим-кечак, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сотиладиган катта бозорга айланди. Ҳафтанинг чоршанба ва яқшанба кунлари фаолият юритадиган бозордаги аҳвол ҳам қувонарли эмас.

Бозор мутасаддиларига учрашмоқчи эдик, бироқ яқшанба кунини бўлгани боис улар аллақачон патта пулини йиғиб, жўнаб қолган экан. Сут-қатик, маккажўхори уни, гўшт маҳсулотлари ерга қўйиб сотиладиган бозорда биронта санитар тозалиқни текширадиган одамга дуч келмадик. Масканининг бир гектардан сал кўпроқ майдони бетон девор билан

ўралиб, иккита айвонча қилиб берилган. Девор ташқарисида қурилиш ишлари давом этмоқда.

Юқоридagi ҳар икки бозордаги вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги масъуллари билан боғландик.

— Бизнинг вазифамиз тадбиркорларга ер ажратиб бериши, — дейди Нукус шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт, камбағалликни қисқартириш бўйича биринчи ўринбосари Каллибек Хожанов. — Бозордаги шарт-шароитга «Нукус деҳқон бозори» маъмурияти жавобгар. Чунки ҳар иккала бозор ҳам уларнинг тасарруфиди.

Шундан сўнг ҳолатнинг асд сабабини билиш учун бозор маъмурияти билан боғландик.

— Муаммодан хабаримиз бор, — дейди «Нукус деҳқон бозори» АЖ қурилиш ишлари бўйича назоратчиси Мақсад Абинов. — Айни пайтда ҳар бири 50 млн. сўмлик иккита айвонча қуриб берилади, яна иккитасида қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, режамизда 200 ўринга мўлжалланган савдо шохобчаларини қуриши ҳам белгиланган. Кредит олиш масаласи ҳозирча тўхтаб тургани боис масалани ечишда қийинчилик туғилмоқда. Яна бир масала: Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан бозор атрофидаги ерлар шахсий уйлар қуриши учун ажратиб берилган. Бу бозор учун ажратилган бир секторли майдонда эркин қурилиш ишларини олиб боришга ҳалал бермоқда. Барча қурилиш ишлари бозор маъмурияти ҳисобидан бўлгани боис «Наврўз» йиғини ҳудудидаги бозорга ҳозирча фақат айвонча қуриб беришимиз мумкин.

Хуллас, Нукусдаги ушбу бозорларда (агар бозор деб аташ мумкин бўлса!) бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар талайгина. Сотувчилар эса: «Йиғилган патта пулига шу пайтгача карвонсарой курса бўлар эди», дейди. Уларнинг жон койитганича бор, фақат бунинг учун масъуллар вазифасини унутмаса, бозорга фақат патта йиғиб олинadиган жой, деган қарашни ўзгартирса бўлгани.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»


МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Қорақалпоғистонда ҳам деҳқон бозорлари ва озиқ-овқат дўконлари аҳолининг кундалик талабига мос равишда хизмат кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда шаҳар аҳолисини деҳқончилик, чорвачилик, мева-сабзавот билан таъминлаш учун захира етарлича яратилган, — дейди «Нукус деҳқон бозори» АЖ раҳбари Бахтиёр Қўчқоров. — Деҳқонларимизга ва тадбиркорларга савдо ярмаркалари ташкил қилиниб, маҳсулотларини арзон нархларда сотишлари учун барча шароит мавжуд.

«Нукус деҳқон бозори»да аҳолига ҳар кунини ўртача 5 тонна картошка, 2 тонна пиёз, 1,5 тонна сабзи, 2,5 тонна ун, ярим тоннадан қарам ва гуруч сотилапти. Шунингдек, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази билан ҳамкорликда ҳар кунини кечки пайт бозор ҳудудида дезинфекция ишлари ўтказилмоқда.

Энди қарорлар камбағаллик даражасига таъсирини баҳоловчи экспертизадан ўтказилади.



«Ўз қаҳрамони билан яшаётган, ёнаётган актёрларни ҳурмат қилайлик!»

«Ўзбекистон Республикаси санъат ароби» фахрий унвони ҳамда «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри Исоқ Тўраев номи нафақат Қашқадарё вилояти, балки республикамиз санъат ихлосмандларига ҳам яхши таниш. Тажрибали режиссёр ҳамда маҳоратли актёр Исоқ Тўраев кўп йиллардан бери театр соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Ҳиндистон, Япония, Украина, Россия каби мамлакатларда сафарларда, кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келдик. Вақт ўтган сайин жамоамиз аъзоларининг ташвишлари кўпайиб, моддий етишмовчилик сабаб фаолиятимизни тўхтатдик.

Кинода роль ижро этиш мен учун...

— Тўғриси айтсам, кинода роль ижро этишга унчалик қизиқмасдим. Лекин кейинги йилларда «Муҳаббатим — қисматим»да Ойбек домла, «Зебузар»да ота, «Ой киз»да Шох Сарбанд, «Вирус»да Босс каби ролларни ижро этдим.

Роль ижро этишдан аввал биринчи ўринда унинг «оқоғ»га аҳамият бераман. Фикримча, фильмда бош роль ижроси актёр учун муҳим бўлмаслиги керак. Аксинча эпизод бўлса ҳам у ўз иштироки билан фильм мазмун-моҳиятини очиб бериши, воқеаларни ривожлантириши ва албатта, томошабин қизиқишини уйғота олиши керак. Яна бир муҳим жиҳат, мен учун кинонинг мавзуси, моҳияти жуда муҳим.

Кўтилмаганда «Барон» фильми учун кастингга таклиф қилишди. Сиёвдан муваффа-

қиятлик ўтдим. Фильмдаги гийҳ-вандик воситаси савдоси билан шуғулланувчи тadbиркор Мардонбой образига мени ташлашди.

Фильм режиссёри Рустам Саъдиев билан ҳамкорликда Мардонбой образига мени ташлашди. Фильм режиссёри Рустам Саъдиев билан ҳамкорликда Мардонбой образига мени ташлашди.

Тан оламан, шу кунгача ўйнаган ролларим бир тараф бўлган бўлса, «Барон»даги Мардонбой роли бир тараф бўлди. Бу ролим орқали жуда кўп мухлис ортирдим. Кўчаларда юрганамда «Барон» деб чақира бошлашди.

«Барон» фильми эса яқин 15-20 йиллик ўзбек кино тарихида алоҳида ўринга эга бўлди, десам янглишмайман. Чунки фильм сюжетни мукамал, гоҳини ўтқир, актёрлар гуруҳи малакали эди. Яна чет элдан ҳам ижодкорлар таклиф қилингани, хориждаги бир қанча шаҳарларда тасвирга олингани ҳам унинг савиясини оширди.

Хаётимнинг асл ўзаги — театрда

— Бугун миямизни банд эгидан ахборотлар шу даражада кўп, шошиб қолди ҳеч гап эмас. Аммо театр барибир ўз макомига эга даргоҳ.

Эътироф этишим керакки, кейинги 3-4 йил ичида Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри анча ўсишга эришди. Бунинг учун республи-

камизнинг таникли режиссёрлари Баҳодир Йўлдошев, Олимжон Салимов, Аскар Холмўминов, Баҳодир Назаров, Абдурахмон Назаров ва таникли актёрларни таклиф этиб, устоз-шогирд аънаси асосида бир неча спектакллар намойиш этдик. Айниқса, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асарида Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловнинг иштироки томошабинларнинг олқишига ва эътирофига сазовор бўлди. 2019 йилда Абдулла Қодирийнинг 120 йиллик юбилейига бағишланган «Бахтсиз кувё» спектакли театршунослар томонидан юқори баҳолаб, жорий йилнинг 14-19 апрель кунлари Туркиянинг Айвалик шаҳрида бўлиб ўтадиган «II Халқаро Айвалик театр фестивали» таклифномасини қўлга киритди. Асосийси, машҳур шахсларнинг вилоятимиз актёрлари билан бирга ишлаши уларга улкан тажриба мактаби бўляпти. Шунингдек, улар билан биргаликда ёш талаба ва ўқувчилар ўртасида «Орзумдаги инсон билан учрашишни истайман» лойиҳаси асосида бир катор маҳорат дарсларини ташкил этиб келятимиз.

Театрда «томоша санъати» жуда муҳим

— Чет давлатларида спектаклларни мароқ билан кўямиз. Чунки у ердаги театрлар томошабинлар билан тўла бўлади. Ўзимизда эса, афсуски, ўриндиклар анча бўш. Одамларни жалб қилиш учун ҳаракат қилаймиз, лекин напжаси кам бўляпти. Шунга мос тарзда томошабинлар маданияти ҳам қониқарли эмас. Мисол учун, айрим томошабинлар театрга келганда ўзаро суҳбатлашиб, телефонда гаплашиб ўтиришади. Бу ҳолат мени доим ўйлангириб, қалбимни кемиради. Биргина спектакль учун юзлаб инсон меҳнат қилади, ишлайди, тиним билмайди. Илтимос, ўша атмосферада лард чекаётган, изтиробга тушаётган, ўз қаҳрамони билан яшаётган, ёнаётган актёрларни ҳурмат қилайлик!

«Mahalla» мухбири
Шоҳиста БОЗОРОВА ёзиб
олин.

Театр – фидойилик даргоҳи

— Назаримда, театрда ишлаш, санъаткорлик пешонамга ёзилган. Чунки 1975 йили мактабни тамомлаб, Шаҳрисабз халқ театрида иш бошлаганман. Кейин Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим. Талабалик вақтида ўша пайтдаги Ҳамза номидаги миллий академик драма театрида бир қатор спектаклларда роль ижро этдим. 1989 йили Қашқадарёда бир гуруҳ ёшлар билан «Мулоқот», кейинроқ эса «Эски масжид» номи хўжалик ҳисобидаги театр-студиясини ташкил этдик.

Кўпчилик театр номини нима учун «Эски масжид» деб номлаганимиз ҳақида сўрашади. Аввало, актёр ўзи фаолият кўрсатадиган даргоҳни мукаддас деб билиши, эл-юртга хизмат қилишнинг машаққатини ҳис этиши керак. Хўш, энди томошабинга масжиднинг қандай боғлиқлик томони бор? Инсон масжидга бошқа ҳаёл билан келиб, ўзгача қайфиятда чиқиб кетади. Мақсад — театримизга кирган томошабин ҳам маънавий озуқа олиб чиқиб кетсин!

Мен театرنинг халққа фойдаси тегадиган, ижобий таъсир ўтказадиган томонларини ўйлайман. Мана шундай асарлардан бири «Қобил ила Хобил»дир. Шунингдек, уруш ва зўравонликка қарши Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» асари асосида «Манкуртларга берманг дунёни» номи томошани сахналаштирганмиз. Умуман, қандай асарга қўл урмайлик, албатта, ортида маълум бир мақсад ётган.

Жамоамиз шунчалик аҳил эдики, битта асарни сахналаштириш учун, ҳаттоки, кечалари ҳам иш-

лардик. Малика исмли қизимиз «Темир хотин» спектаклида керак бўладиган бир тележка Ўзбекистон бир ўзи кишлоғидан қўлда териб олган пайтлари ҳам бўлган.

Театримиз жамоаси билан 1992-2013 йилларда бир қатор халқаро танловларда иштирок этдик. Жумладан, Франция ва Италияда 64 кунлик хизмат сафарида бўлиб, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» асари асосида сахналаштирилган «Найман она нидоси», Жорж Бароннинг «Канн» драмаси асосида «Қобил ила Хобил», Софоклнинг «Шоҳ Эдип» каби қатор спектаклларни намойиш этдик. Ушбу спектаклларимиз халқаро фестивалларда юқори ўринларга лойиқ топилди. Францияда ўтказилган халқаро



ДАРВОҚЕ...

Исоқ Тўраев 2018 йилда Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган «Нодирабегим» спектаклида Амир Насрулло, «Тинчлик ортида» бадийи фильмида генерал-майор Пўлатов родини ижро этган. 2019 йили Россиянинг Самара вилоятида Амир Темур ва Тўхтамышхон ўртасидаги буюк жангга бағишланган «Русь. Эпоха объединения» Халқаро этнографик тарихий фестивалида иштирок этган.

фестивалда Алишер Навоийнинг «Сабаъи сайёр» достони асосида сахналаштирилган «Рақси само» спектакли билан олий ўринга сазовор бўлдик. Шунингдек, жамоамиз билан Германия, Бельгия, Миср,

Ёшараётган Касаллик

Касалликнинг яхшиси бўлмайди. Аммо айрим касалликлар борки, номини эшитиб, инсон бир сесканиб олади. Бугун бутун дунёда кенг тарқалиб бораётган ва ёшараётган кўкрак беzi саратони ана шундай хавфли хасталиклар туркумига кирилади. Афсуски, бу иллатга чалинганлар сони юртимизда ҳам ортиб бормоқда. Чунки инсон организмда суст, узок вақт давомда белгиларсиз кечгани учун ҳам уни барвақт аниқлашнинг имкони йўқ. Хўш, касалликка чалинмаслик, уни барвақт аниқлаш ва олдини олиш учун нима қилиш керак?

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази маммология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, Европа онкология жамияти аъзоси Лола Алимхўжаева билан айна шу мавзуда суҳбатлашдик.



— Афсуски, бугунги кунда кўкрак беzi саратони мамлакатимизда ҳам аёллар онкология касалликлари орасида биринчи ўринни эгалламоқда, — дейди Л.Алимхўжаева. — Яна бир ачинарли ҳол шундаки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, кўкрак беzi саратони йилдан-йилга ёшариб бормоқда. Агар 10 йил олдин бу касаллик билан, асосан, 55-60 ёшли инсонлар оғриган бўлса, бугунга келиб, 35-40 ёшли аёллар орасида ҳам кенг тарқалиши кузатиломқда. Бир йилда республикамизда ўрта ҳисобда 3 мингта яқин аёлда кўкрак беzi саратони аниқланади. Уларнинг 2-3 фоизи ёшлар. Афсуски, кўп беморлар ҳамон 3-4-босқичда мурожаат қилишмоқда. Бу касалликни даволаш мумкин, ҳатто, буткул соғайиб кетиш имконияти бор. Бунинг



учун ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш керак. Вақтида мурожаат қилинмаслиги натижасида даволаш имконияти пасайиб кетади ҳамда бедаво дард сифатида қабул қилинади. Яна қайтараман, хасталикнинг илк давридаёқ аниқлаш, даволашни 95 фоизга қафолатлайди.

Касаллик қандай пайдо бўлади?

— Кўкрак беzi саратонининг келиб чиқишига аниқ омил йўқ, лекин шу ҳолатга олиб келадиган ички ва ташқи таъсирлар бор. Ташқи омилларга экологик хавф, радиация, токсик воситалар, носоғлом турмуш тарзи, нотўғри овқатланиш, ичиш, чекиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш кирилади. Гормонал бузилишлар ва ёндош касалликлар — бачадон ва тухумдон, буқок, жигар хасталиклари, кўп аборт, кеч турмушга чиқиш, кеч ҳомиладорлик, ҳайз ва менопауза жараёнининг бузилиши, жинсий фаолиятнинг издан чиқиши, қаттиқ сиқилиш ҳамда стресс ҳолатлари ички омил ҳисобланади. Бу касаллик ривожига наслий омил ва саратонли касалликлари ҳам роль ўйнайди. Кўкрак беzидаги барча мастопатиялар, айниқса, тугунли шаклдагиси, фиброаденомалар, кистоаденомалар, анамнезда ўтказилган мастит касаллиги ҳам саратон қакирувчи ҳисобланади.

Кўкрак саратонида қандай белгилар кузатилади?

— Одатда кўкрак беzi саратони белгилари касалликнинг 2-3-босқичида аниқланади. Шу туфайли кўп аёлларимиз касалликни ўтказиб қелишади. Табиийки, шунга монанд тапхис қўйиш ҳам кечикади. Агар касаллик белгиларини кутмасдан, кўкракда биринчи пайдо бўлган оғриқ, ҳайз олдида кузатиладиган шиш ва оғриқ, кўлга илинар-илинмас қаттиқлик пайдо бўлганда мурожаат қилинса, олдини олиш ва бутунлай соғайиш имконияти ошади. Саратонни тугунли ва пип-инфильтратив тури мавжуд. Тугунли туридаги илк белгиларида кўкрак беzида кичик, нўхатдек қаттиқлик ёки ҳосила пайдо бўлади. Бу ҳосила тери билан боғлиқ бўлиб, терини ичига тортиб қўяди ёки ташқарига бўртгиб чиқади. Бошқа ҳолда кўкрак шишиб, инфилтратив ва кизариш билан қопланади, бутун кўкракда шу ҳолат кузатилади. Яна бир белгиси — кўкрак беzi сўргичидан гўшт селига ўхшаш, баъзида қонли ажралма келиши мумкин. Кўкрак беzi териси ранги ўзгариб, апельсин пўстлоғи тусига кириди. Касаллик томонидаги қўлтқ соҳасида қаттиқлик пайдо бўлади. Лимфа тугунлари катталашади. Лимфа тугунлари касаллик ривожланиб кетганда нафақат қўлтқ остида, балки умров устида ҳам катталашади. Бир хил ҳолатларда кўкрак беzi саратонини маститсимон ва панцир турлари ҳам кузатилади. Бунда, албатта, саратонни аниқлаш ва тасдиқлаш учун биопсия усулидан фойдаланилади.

Яна бир тури — педжет касаллигидир. Бунда сўргич емирилиши кузатилади.

Агарда кимда-ким ўзи ва яқинида шу белгиларни сезса, дарҳол онколог шифокорга мурожаат қилиши лозим. Уйда ўзича даволаниш, ҳар хил дори воситаларини истеъмол қилиш, табиғат бориш нотўғри. Аксинча бу ҳаракатлар касалликни авж олиб кетишига сабаб бўлади. Кўкрак беzi саратони вақтида аниқланиб, даволанмаса, бутун организмни емиради. Касалликнинг авж олиши натижасида метастазлар суякларга, ҳатто, бош миёга зиён етказилади. Тарқалиб кетган ва метастаз берган ҳолатларда сабабсиз йўтал хуружи, суяк оғриқлари ва синиши, тана

ДАРВОҚЕ...

Сут беzi саратони қанчалик эрта аниқланса, уни тўлиқ даволаш ва қайталанмаслиги шунчалик юқори бўлади. Касалликнинг илк босқичларида кучли кимё-терапия ўтқизилмайди, аъзо сақловчи ва кўкракда пластик амалиёт бажарилмайди. Нур ва гормонотерапия билан беморни буткул даволаш мумкин.

ранги сарғайиши, бош айланиши ва координация йўқолиши, иштаҳа бўлмаслиги, озиб кетиш кузатилади. Касаллик шуни-си билан хавфли.

Қандай текширувлардан ўтиш зарур?

— Башарти аёлларимиз шу белгиларни пайқаб қолишса, биринчи навбатда ўзларини мустақил текширишлари зарур. Йигирма беш ёшдаги аёлларнинг йилда бир маротаба УТТ текширувидан, қирк ёшдан кейин эса йилда бир маротаба маммография текширувидан ўтишлари тавсия этилади.

Маммография — кўкрак саратонининг эрта босқичида аниқлашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бунда кўкрак беzида ҳатто аёл ўзи сезмаган, жудаям кичик ўсимтани кўриш имкони бор. Касалликни эрта аниқлаш аёл ҳаётини сақлаб қолиш даражасини оширади. Бу борада Европа давлатларида маммоскрининг тадбирлари кенг йўлга қўйилган. Яъни, 50 ёшдаги соғлом аёлларни йилда бир маротаба маммография текширувидан ўтказиш кўзда тутилган. Бу қарийб 20-24 фоиз касалликни илк босқичида аниқлаш имкониятини беради.


Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 40-60 ёшгача бўлган аёлларни энг замонавий маммография аппарати ёрдамида кўриқдан ўтказиш ва скрининг чора-тадбирларини кенг йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда бу тадбирлар марказимизнинг Наманган вилояти филиалида амалга оширилмоқда. Яқин кунлари Бухорода ҳам бошлаш кўзда тутилган. Маммографик текширувда сут беzi саратонига шубҳа қилинган аёллар кенгайтирилган текширувдан ўтиш учун вилоятлардаги филиалларимизга юборилади. 40 ёшгача бўлган аёллар УТТдан ўтказилади.

Аслида ҳар қандай соғлом аёл ҳам тиббий кўриқдан ўтишни унутмаслиги лозим. Бу нафақат саратоннинг олдини олади, балки унга олиб келадиган ёндош хасталикларни аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида

— 12 фоиз беморларда 1-2-босқичнинг ўзида ҳам, метастаз ва тарқалиш ҳолатлари кузатилади. Шу омилларни ҳамда касаллик ёшариб боришини инобатга олган ҳолда ёшларимиз белгиланган вақтда тиббий кўриқдан ўтиб туриши лозим. Чунки саратон касаллиги ёшларда жуда хавфли кечади ва тез тарқалади. Иложи борича аёлларимиз, айниқса, ёшлар безовталиқ бўлмаганда ҳам қамида бир йилда бир маротаба маммолог кўриқдан ўтиб туришини тавсия қиламиз.

Лобар ЮЛДОШЕВА



Шифокорлар коронавирус инсон организмда қанча вақт сақланишини аниқлашди.

Фарзанд камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг энг катта орзуси. Афсуски, ҳамма вақт ҳам хоҳишимиз имконимиз билан ҳамоҳанг бўлавермайди. Жумладан, болалар ўртасида аутизм касаллиги бугун кўплаб ота-оналар ташвишига сабаб бўлган.

Аутизм

касаллик эмас



ДАРВОҚЕ...

2005 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2 апрелни «Халқаро аутизм муаммоси бўйича маълумот тарқатиш» кунли сифатида нишонлаш таклиф этилган.

Ўртимизда ҳам мазкур ташхис мавжудлиги 2010 йилда расмий равишда қайд этилди. Бугунги кунда аутизм ташхисга эга бўлган болаларга Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг малакали мутахассислари томонидан манзилли, мажмуавий ёрдам кўрсатилади.

Бу қандай ташхис?

Аутизм (грекча «аутос» – «ўзим» деган сўз) – бу руҳиятнинг ўзига хос ҳолати бўлиб, ушбу ташхисга эга шахс ташки олам, атрофдагилар билан мулоқот қилишни истамайди. У ёлғизликни ёқтиради. Бир хил хатти-ҳаракат ва сўзларни такрорлайди. Ўз оламида яшайди. Фикрлаши, хатти-ҳаракати реал воқеликдан узилган бўлади. Статистик маълумотларга кўра, бу ташхис кўпинча ўғил болаларда учрайди.

Аутизмнинг келиб чиқиш сабаблари

Олимларнинг фикрича, касалликка ҳомилани она корнидалик даврида оксиллар етишмовчилиги, организмда икки хил оғир металлнинг, кўрғошин ва симобнинг кўпайиб кетиши, экологик бузилишлар ва ҳомилдорлик пайтида кучли стрессни бошдан кечириш сабаб бўлади. Анемия ҳамда кон босимнинг ошиши, буйракда босим ошиши ҳам аутизмга олиб келади. Ёш даврлари бўйича болалик аутизми – илк ёшдан 11 ёшгача, ўсмирлик аутизми — 11-18 ёш даврларга бўлинади. Аутизмни намоён этувчи белгиларида ижтимоий қолқоқлик, мулоқотда ўзи билан галлашиш, ҳар хил қўл ҳаракатлари қилиш, боланинг онасига эътиборсизлиги (қулиш, жисмоний ҳаракат, овоз чиқариш), «тайёргарлик» ҳолати йўқлиги, яъни уни кўтаришга уринганда қўлларини чўзмаслиги, тиззаларида туришга ҳаракат қилмаслиги, эмишдан бутунлай тўхташи кузатилади. Шунингдек, жамоа билан ўйнашни истамайди, ота-она ва бошқалар билан ўйнаганда инжиклик қилади, ёлғизликни

хоҳлайди, овоз, ёруғликка сезувчанлик ошиб кетади.

Бундан ташқари, гапириш қобилияти сусаяди. Овқатни танлаб ейди, буйруқларни бажармайди, буюмларни кўрсатса қарамайди, ўз исмига эътибор бермайди, Хавфлардан кўрқмайди, аммо оддий буюмлардан кўрқайди. Баъзан аутистлар гайритабiiий қобилиятга эга бўлади. Масалан, эслаб қолиш қийин бўлган сонларни, мураккаб матнли шеър, кўшиқ сўзларини эсда сақлаб қолиши мумкин. Аутизм ташхиси тор доирадаги мутахассислар, психиатр, психоневролог, невропатолог, дефектолог, психологларнинг хулосаларига таяниб белгиланади. Кўпчилик аутист болалар адабиётларда келтирилган аутизм белгиларига мос келмаслиги мумкин.

Уни бартараф этиш мумкинми?

Бундай болаларни яққа коррекцион-педагогик-психологик машғулотлар орқали даволанади. Яъни, гапириш қобилиятини яхшилаш мақсадида логопед, психолог билан машғулот олиб бориш, сўзлашниш учун расмий карточкалардан фойдаланиш ёки планшет, компьютерда сўзларни ёзиб ўргатиш, бола билан ҳар хил ўйинлар ўйнаш мумкин. Кучли агрессия ҳолати кузатилганда мутахассис тавсиясига биноан тиббий муолажа тавсия этилади.

Аутизмга эга шахсларда ўзига хос бўлган ҳулқ-атвордаги оғишлар кузатилади. Бу ҳолатни қандай бўлса, шундай қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Катталар буни ўз вақтида аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаши зарур. Аутизмнинг ирсият билан боғлиқлиги ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Америкалик ва франциялик бир гуруҳ олимлар бош мия ривожланишининг илк босқичларида хид сезишда иштирок этадиган ўзақ хужайраларни ўрганиш зарур, деган хулосага келишган. Чунки, бурундан осонлик билан олиннадиган биопсия суртмаси бу хужайраларни ўрганишда яхши усул ҳисобланади.

Васила АЛИМОВА,
Республика болалар ижтимоий
мослашуви маркази директори.



ПСИХОЛОГ МАСЛАҲАТИ

КАРАНТИНДА ОРТИҚЧА СТРЕСС КАСАЛЛИКНИ ЧАҚИРАДИМИ?

Бугун коронавирус пандемияси ҳақидаги янгиликлар ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмаяпти. Айниқса, руҳий саломатлиги яхши бўлмаганлар учун бу хабарлар ортиқча стрессни келтириб чиқармоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ортиқча кўркув ва стресс инсон иммуни тизминин заифлаштириб, вирусга чидамсиз қилиб қўяди.



Куйида ма-
лакали психолог,
профессор
Зарифбой
И Б О Д У Л -
Л А Е В нинг
бундай вазият-
да ўзини қан-
дай тутишга

доир мулоҳазаларини ҳавола этамиз.

— Вирусдан ҳадиксирасангиз ҳам, ваҳимага тушманг. Ҳадик ва ваҳима бошқа-бошқа нарса! Ҳадик, бу — руҳият учун ҳимоя функциясини бажаради. Инсон ҳадиксиратган нарсасига яқинлашмайди. Ваҳима – кайфиятни туширади, асабийлаштиради ва руҳиятни издан чиқаради.

— Теран фикрлашни ўрганинг! Теран фикр атрофда бўлаётган воқеаларни тўғри таҳлил қилишга ёрдам беради! Ҳар ким «Бу ерда менинг ўрним нимадан иборат, менга, мендан атрофдагиларга қандай хавф-хатар бор!», деган саволга жавоб топиши керак!

— Хотиржам бўлинг, бироқ бепарво бўлмаг! Бепарволик, бу — бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни назар-писанд қилмаслик! Бепарволик — нафақат сиз, балки яқинларингиз соғлиғига ҳам хавф туғдирадиган вазиятни юзага келтирса, хотиржамлик — аксинча сизга фикрларингизни бир жойга жамлаб, тўғри қарор қабул қилишга имкон яратади.

— Ортиқча хавотирга берилманг! Меъёрдаги хавотир психологик ҳимоя функциясини шакллантирса, ортиқча хавотир — фобияга олиб келади. Фобия, бу — миёнга ўрнашиб олган ва ўзақ давом этувчи кўркув. Хавотирнинг ҳам энгил, ўрта ва оғир турлари бўлади. Хавотирнинг энгил ва ўрта тури, бу — яхши. Чунки инсонда психологик иммунитетни шакллантиради, ортиқча хавотир эса фобияга сабаб бўлади.

— Юқори кайфият ва хушчақчақ инсон олдида ҳар қандай вирус ожиз! Чунки юқори кайфият қондаги Т ва В-лимфоцитларни 20 фоизга оширади. Бежизга лабга учук чикса, нимадандир кўрқибман, дейилмайди. Ас-лида учукдан вирус чакиради, бироқ у кўрқкандан кейин пайдо бўлади.

ДАРВОҚЕ...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи ҳам руҳий саломатлиқни асрашга доир тавсияларини эълон қилди.

Фуқароларга янгиликлардан эҳтиёт бўлиш, уларни танлаб ўқиш, мамнун қилмайдиган нарсаларни ўқиш ва кўришни чеклаш, уларни куннинг фақат бир вақтида текшириш маслаҳат берилди.

Шунингдек, текширилган ва ишончли манбалардан бошқасига эътибор бермаслик, ижтимоий тармоқлардан ўзақроқ туриш, чатлардан танаффус қилиш, Twitter даги айрим сўзларни ёпиб қўйиб, баъзи саҳифалардан танаффус қилиш, WhatsApp гуруҳларини ҳам «ўчириб», Facebook даги оғирлик қиладиган гуруҳлардан чиқиш тавсия этилган.

Бир йўла тўртта бемор ўпкасига ҳаво берадиган аппарат яратилди.

Исломи динида касаллик бор жойга кирмаслик, агар кирса чикмаслик буюрилган

Бугун дунёнинг бир худудида пайдо бўлиб, 200 га яқин давлатларга тарқалиб улгурган оммавий касаллик – коронавируснинг хавфи ортиб бораётгани кузатишмоқда. Барча давлатлар эҳтиёт чорасини кўриб, ўз халқи, давлатини бу балоодан сақлаб қолишга эътибор қаратмоқда. Юртимизга ҳам бу касаллик кириб келди ва ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарори билан бир қатор чекловлар ўрнатилиб, муайян чоралар кўришмоқда. Хукуматимиз томонидан тезкорлик билан ушбу балоонинг бартараф этиш чоралари кўрилиб, халқимизни инфекция хавфидан асраб қолишга қатъий эътибор қаратишмоқда. Шу билан бирга, халқимизга ҳам бу касалликдан ўзини ўзи асраш, кенг ёйилишини олдини олиш бўйича қатор кўрсатма ва тавсиялар бериб берилмоқда.

Бутун дунё оқибат қолмоқда

Тарихда бу каби хавфли ва юқумли иллатлар кузатишганига ва ўз даврида қандай муолажа қилинганлиги тўғрисида кўплаб манбаларда маълумотлар келтирилган. Бугун тиббиёт, илм-фан, техника ривожланган даврда ҳам тўсатдан пайдо бўлган бу иллатнинг муолажасида бутун дунё оқибат қолмоқда.


Халқнинг бошига келган оммавий ҳар хил касалликлар ислом тарихида ҳам бўлиб, «Вабо» ва «Тоъун» деб номланган. Бу иллатдан шифо топиш

ва сақланиш борасида муқаддас динимиз таълимотларида кўплаб кўрсатмалар берилган. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг саҳиҳ асаридида «Тоъун ва вабо» касалликлари ҳақида қуйидаги хадислар келтирилади:

Асома ибн Зайдан Расулulloх (с.а.в) Тоъун ҳақида шундай марҳамат қилдилар: «Тоъун – азоб ва касалликдир. Бу касалликни Аллох таоло Баний Исроил қавмидан бўлган баъзи тоифаларга ва сизлардан олдинги қавмларга юборган. Сизлар уни бирон жойда тарқалгани ҳақида эшитсангиз, у ерга (зинхор) кирманг. Агар кирсангиз, у ердан (ҳеч қачон) чиқиб кетманг», дедилар. Шунингдек, «Саҳиҳ Бухорий» асаридида: Абу Хурайрадан Расулulloх (с.а.в): «Бемор киши, соғлом кишини олдига келмасин», дедилар». Бу хадисда тоъун ва вабога ўхшаш юқумли касалликлар билан бемор бўлганлар ҳақида таъкидланган.

Сабр қилган кишига улуғ мукофот берилиши ваъда қилинган

Инсонни Аллох таоло ердаги махлуқотлари ичида энг улуғ ва муқаррами қилиб яратган. Жисм ва руҳдан иборат инсон ҳаётда хар хил синов ва имтиҳонлар би-



лан синалади. Унга бардош бериб сабр қилган кишига улуғ ажрлар берилиши ваъда қилинган. Аллох таоло «Бақара» сураси 155-оятда: «Албатта, Биз сизларни бир оз кўрқинч ва очлик билан, мол-мулкка, жонга, меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер», деб марҳамат қилган. Қаттиқ синовлардан кейин сабр қилганларга улуғ ажр ва мукофотлар берилиши ваъда қилинган.

Араб тилида тоъун ва вабо сўзлари бир хил маънога эга бўлиб, унинг оммага салбий таъсири, тез тарқалиб кетиш хавфи билан фарқланади. Уламолар бу икки ҳолатда ҳам қуйидаги тавсияларни беришади:

– *зиён келтирувчи сабаблардан эҳтиёт бўлиш ва ундан узоқланиш;*

– *тоъун ва вабо бор жойларга умуман кирмаслик, бу касаллик ҳаводан ўтиши сабабидан унга яқин бормаслик;*

– *шу касаллик билан касалланганлар билан бирга бўлмаслик ва уларни ўзига яқин олмаслик (касалнинг юқумлилиги*

сабабидан);

– *нафсини поклаш, Аллохга таваккал қилиш, мусибатга сабр қилиш ва рози бўлиш;*

– *покликка қатъий эътибор қаратиш, ўзини ва теварак-атрофни поклаш тутуш;*

– *касалликнинг тарқалиб кетишидан сақлаш ва унинг олдини олишга бор вужуд билан киришиш;*

– *инсонларни касаллик майдонига кириши ва чиқишини ман қилиш. Чунки инсонлар кириб беморлар билан мулоқотда бўлиб, ташиқрига чиқадиган бўлса, бу борада олиб борилаётган барча ишлар самарасиз бўлади. Бу касаллик ҳаводан кўчувчи ва тез тарқалиши хусусиятига эга бўлиб, бошқа ҳудудларга ҳам тез тарқалиб кетади.*

Инсон ўз нафси ва ҳаётини ҳалок қилувчи ишлардан сақлашга буюрилган

Исломи дини инсониятнинг ҳаёти, соғлигини сақлаш ва уни ҳимоя қилишга қатъий эътибор қаратган дин. Инсон ўз нафси ва ҳаётини ҳалок қилувчи ишлардан сақлашга буюрилган. Аллох таоло «Бақара» сурасининг 195-оятда: «Ўзингизни (ўз қўлларингиз билан) ҳалокатга дучор қилманг», деб огоҳлантиради. Мазкур оят ва хадислар инсон бошига шундай хавф-хатар тушган вақтда ўзини қандай тутуши, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши, ўзаро муомалада ён-атрофидагиларга эътиборли бўлишига даъват этади.

Тоъун-вабо касаллиги жамиятда хар даврда учраб турса-да, улар бир-биридан касалликнинг хусусияти билан фарқ қилган. Касаллик сабаби, тарқалган майдони, танланган ҳудуд, муолажаси, тарқалиш сабабларида ихтилофлар бўлган. Шунинг учун ҳам бу касалликнинг илк муолажаси «тош қотиш саломатлиги», яъни уйдан чиқмаслик, бу муолажани ўн тўрт аср олдин Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) муборак хадисларида таълим берганлар.

Бугунги даврда ҳам айнан бу усулдан фойдаланиш муҳимдир.

Исломи дини жамиятда юқумли, хавфли касалликлар аниқланган вақтда қуйидаги амалларни бажаришни лозим санайди:

– *бу касалликни давоси учун табиблар томонидан ижтисод қилмоқ лозим бўлади;*

– *уни бошқаларга ўтмаслигини олдини олишга қатъий эътибор қаратилади;*

– *касалликни қасоддан бошқага юқтириши исломда ҳаром, шаръан ножойиз амал ҳисобланади;*

– *соғлом кишилар вақтинча беморлар билан ҳар қандай алоқани узилиши лозим бўлади. Бу борада жуда мулоҳимлик билан беморлар қарғилида азият бермаслик шарт қилинади;*

– *лозим топилса, жамоатдан ажратилиш ва яшаи манзилни ўзгартиришга ҳам рухсат берилади.*

Мақолада зикр этилган оят ва хадислардан олинган фойдалар ҳамда фахрларнинг жамиятда хавфли ва юқумли касаллик тарқалган вақтда унга нисбатан инсонларнинг муносибати қандай бўлишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Дарҳақиқат бугунги кунда айнан биздан талаб этилаётган вазифалар ҳам шундан иборат. Бу коронавирус деб номланган касалликнинг олдини олиш, уни кенг тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Фуқароларимиздан талаб қилинаётгани ўз соғлиги, ҳаётини сақлашга эътиборли бўлиш. Бу талаб ва тавсиялар тарихда синалган илмий-ҳаётий тажрибаларга асосланган бўлиб, «тош қотиш саломатлиги» тажрибасига тўғри келади. Яъни уйда қолиш, покликни лозим тутуш, ўз соғлигига жиддий эътибор қаратиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотни камайтириш, меҳр-мурувватли бўлиш, ўзаро ёрдамни кўпайтириш, уйда фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиш, таътил даврдан максалди фойдаланиш, масофадан ишлаш каби кулайликлардан иборат.

Барҳамизга ушбу талаб ва тавсияларга амал қилиб, жамиятимизга келган бу синовни ҳам-жихатликда енгиб ўтишимизни Аллох таоло насиб этсин!

Шукурullo УМАРОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари,
Ҳадисшунослик иختисосини буйича фалсафа доктори.

ҲАДИСИ ШАРИФ

Енгил, аммо савоби улуғ амаллар

– Абу Барза Асламий айтди: «Ё Расулulloх! Мени жаннатга киритадиган амалга далolat қилинг», – дедим.

У зот соллalloху алайҳи ва саллам: «Одамлар йўлидаги озор берувчи нарсани олиб ташла», дедилар.

– Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллalloху алайҳи ва саллам: «Бир одам йўлда ётган тиконнинг олдида ўтиб қолади. «Албатта, мана шу тиконни олиб ташлайман, бир мусулмон одамга зарар бермасин», деди. Шунда унинг гуноҳлари мағфират қилинди», дедилар.

– Набий соллalloху алайҳи ва саллам: «Қачон икки мусулмон учрашиб, қўл олиб сўрашсалар, Аллохга ҳамд ва У зотга истигфор айтсалар, икковлари мағфират қилинади», дедилар (Имом Абу Довуд ривоят).

– Кимки қилмишига пушаймон бў-

либ, узр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам Аллох таоло қиёмат кунини кечиради.

– Манзилни сўраганга йўл кўрсатиш ҳам яхшиликдир.

– Дўзахдан яримта хурмо садака қилиб бўлса ҳам сақланганлар! Агар бунга ҳам қодир бўлмасангиз ширин сўз билан сақланган.

– Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди.

– Касал кўрган борувчи одам гўё жаннат боғида юргандек бўлади.

– Кимки дуоларим ижобат бўлсин, ташвишларим бошимдан арисин деса, камбағаллар ҳолидан хабар олсин.

– Кимки кўзи оқиб одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши муқаррардир.

– Садақа сўв оловни ўчирганидек хатони (гуноҳни) ўчиради.

АФҒОНИСТОН: ТИНЧЛИКНИНГ УЗОҚ ЙЎЛИ

Афғонистонда юзага келган мураккаб вазият шу йилнинг 29 февралда Афғонистондаги зўравонликка чек қўйиш, афғонлараро тинчлик музокараларига йўл очган АҚШ ва Толибон ўртасидаги тинчлик аҳдномасини савол остига қўйиши мумкин. Гап шундаки, Афғонистонда Ашраф Ғани президент дея эълон қилиниши ортидан унинг асосий рақиби Абдулла Абдулла сайлов натижаларини тан олмай, ўз ҳукуматини ташкил қилишга уринмоқда. Ғани ва Абдулланинг ҳар иккиси ўзини президент деб эълон қилиб, бир кунда қасамёд келтирди.



Мамлакатда икки қасамёд маросими ўтказилганидан АҚШ ва Афғонистонга кўшни давлатлар хавотирда. Ахир, АҚШ ва Толибон ўртасида тинчлик келишуви имзоланганча канча тер тўкилди, машаққатли йўллар ва сўқмоқлардан ўтибди. АҚШнинг Афғонистон сулҳи бўйича махсус вакили Залмай Халилзод сиёсий тортишувлар Толибон билан музокараларга салбий таъсир қилиши мумкинлигидан таъвишда.

Залмай Халилзоднинг сўзларига кўра, АҚШ Ашраф Ғанини Афғонистон президенти сифатида қабул қилган, лекин, Абдуллани ҳам ҳукуматга қўйиш шарт. Айни дамда Залмай Халилзод Ғани ва Абдулла билан мунтазам равишда мулоқот ўтказмоқда. Мақсад — низозга сиёсий ечим топиш.

Кузатувчилар фикри қандай?

Кузатувчилар назарида Ашраф Ғани янги ҳукуматга Абдуллага улуш бермадан илоҳий йўқ. Аммо амалдаги президент Бош вазир лавозимини бекор қилиб, Абдулла Абдулла билан бўладиган музокараларни оғирлаштирди.

Тахлилчи Қозим Амминининг айтишича, томонлар махфий музокараларда ҳокимиятни бўлиши масаласида бахсласмоқда. Афғонистондаги асосий муаммо мамлакатдаги адолатсизлик ва тенгсизликка бориб тақалади. Кўпчилик-оқчилик масаласидаги муаммолар ҳал қилинмагунча жиддий сиёсий низолар чиқиб туради. Шу билан бирга, рақиблар бир-бирини заифлаштиришга уринмоқда. Мамлакатда параллел ҳукуматларнинг фаолият бошлаши энг хавотирли ҳолатдир.

Масалан, Абдулла бир неча вилоятлар учун янги ҳокимлар тайинлади. Яна бир канча вилоятлар учун бошқа ҳокимлар тайинлашга устида ишламоқда. Ўзини «барча қатламларни ўз ичига олган ҳукумат» президенти деб эълон қилаётган Абдулла ўз ҳукумати таркибининг ҳам маълум қилмоқчи эди, лекин томонлар ўртасида ўтказилаётган музокаралар ушбу жараён тўхтатилишига сабаб бўлган.

Ғани ва Абдулла келиша олмаса, иккаласи ўз ҳукуматларини давом эттиради. Агар ҳозирги муаммолар тез орада ҳал қилинмаса, ички урушлар

бошланиши мумкин. Низозлар кучаядиган бўлса, уни ҳал қилиш жуда мушкул. Тортишувлар минглаб одамлар умрига зомин бўлиши мумкин. Ашраф Ғани сиёсий қудратига таянаётган бўлса, Абдулла Абдулла ортда кўзга кўринарли даражада ҳарбий кучга эга гуруҳлар турибди.

АҚШ муаммони ҳал эта оладими?

Муаммони ечиш мақсадида АҚШ давлат котиби Майк Помпео Афғонистонда бўлиб, Президент Ашраф Ғани ва Бош вазир Абдулла Абдулла билан гаплашди. Вашингтон назарида агар халқ манфаатини кўзлаб иш тутат олса, икки арбоб ва унинг тарафдорлари келиша олади. Бирок 23 март куни Афғонистонда ташир билан бўлган Майк Помпео икки томонни муросяга келтири олмаган, Кобулга ёрдам қискартирилиши ҳақида эслатди. Вашингтоннинг моддий кўмаги бу йил камиди 1 миллиард долларга камайиши мумкин.

Аммо президент Ашраф Ғани бу афғон иқтисодиёти ва умуман ҳаётига унча қатта зарар келтирмайди, деган фикрда. «Афғонистон бундай синовларга тайёр. Сизга ишонч билан айтманки, АҚШ ёрдами камайиши асосий секторларга у қадар салбий таъсир қилмайди. Биз бошқа манбаларга мурожаат қиламиз», дейди афғон раҳбари.

Бу билан Афғонистон президенти Вашингтондан мустақил эканини исботлашга уринди. Аммо Қўшма Штатлар 2001 йилдан бери Афғонистонга 130 миллиард доллардан ошмиқ моддий кўмак кўрсатган. Помпео афғон заминига дунё коронавирус балоиси билан олишайётган пайтда сафар қилиб, томонларни муросяга чакирди. Кобулда икки лидер келиша олмайётгани юрт бўйлаб хавотир уйғотди, албатта.

Муаммонинг иккинчи томони

Бу масаланинг бир томони. Бошқа томондан расмий Кобулнинг асирларни озод қилиш масаласида Толибон билан келиша олмайётгани муаммо кўламини кенгайтираётган иккинчи омил. Афғонистон ҳукумати ва Толибон 25 март куни телекўприк орқали музокара ўтказиб, 31 март куни камоқдаги 100 нафар толибонинг озод этилишига келишиб олган эди. Бирок толиблар жараённи

назорат этиш учун Кобулга гуруҳини юбормагач, режа қолдирилди. АҚШ ва Толибон имзолаган келишувга кўра, Афғонистон ҳукумати камоқхоналаридаги 5000 жангарини, Толибон эса 1000 нафар ҳукумат аскарларини озод этиши керак эди. Расмий Кобул озод этилган толибларнинг жанг майдонига қайтмаслигини талаб қилмоқда, бироқ буни назорат қилиб бўлмайди. 29 март куни жангарилар Тахор, Забул, Ҳилманд ва Бағлан вилоятларида полициячилар ва аскарларга ҳужум қилиб, афғон хавфсизлик кучларининг 28 аъзосини ўлдирган.

Келишув нега ортга сурилмоқда?

АҚШ — Толибон келишувига, шунингдек, жангариларнинг ҳукумат ва фуқаролик жамияти вакиллари билан музокара бошлаши кўзга тутилган эди, аммо толиблар 28 мартга режаланган мулоқотдан бош тортиди. Жангарилар эътирозига кўра, ҳукумат делегацияси барча қатлам вакиллари ўз ичига олмаган, аммо Президент Ашраф Ғанининг маслаҳатчиси Воҳид Умарнинг айтишича, толиблар шунчаки турли баҳоналар билан жараённи ортга суришга уринмоқда. Ҳукумат турли гуруҳлар билан келишиб, 21 кишилик делегация тузишга муваффақ бўлган, гуруҳ таркибида беш аёл ҳам бор. Сиёсий партиялар делегация аъзолари бўйича қаршилик билдирмагани айтилади.

Тинчлик бўйича АҚШ элчиси Залмай Халилзод Толибон билан келишилган битимнинг навбагдаги босқичларини амалга ошириш сўст кечаётгани юзасидан «Твиттер»да ўз норозилигини билдирди. «Ҳар икки томон ваъда берганига қарамай, шу пайтгача ҳеч бир маҳбус озод қилинмади». Келишув ижросининг кечикиши расмий Кобулга боғлиқ экани айтилмоқда. Чунки АҚШ-Толибон мулоқотида Афғонистон ҳукумати тарафлардан бири сифатида иштирок этмаган.

АҚШ — Толибон тинчлик битимида кўзга тутилган шартлардан бири, бу — халқроқ коалиция кўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ. Вашингтон ўтган ҳафта АҚШдаги 13 миң кишилик кўшинини 8600 га тушириш жараёнини бошлади.

Трам маъмурияти 14 ой ичиде Афғонистондан барча халқроқ кучлар чиқиб кетишига ваъда берган. Бунинг эъзига Толибон Афғонистон худудидан АҚШга қарши террор амалиётлари содир этилмаслигига кафолат беради.

Албатта, Афғонистон тинчлик мулоқоти олдидеги тўғаноқ фақат маҳбуслар айрибошлаш муаммоси эмас. 2019 йил 28 сентябрь куни ўтказилган президентлик сайлови натижаларига оид баҳс Кобул ҳукумати оёғига тушов бўлмоқда. Яъни мамлакатда юз берган сиёсий инқироз Толибон билан музокара ўтказиш учун янча гуруҳнинг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Демакки, Афғонистонда 100 миң одамнинг ёстигини қуритган 19 йиллик урушнинг поёни хали-бери кўринмайдигандек. АҚШ ва Толибон ўртасида 22 февраль куни кучга кирган сулҳ хозирча амалда. Бирок тинчлик жараёнига бу гал толиблар эмас, ҳукуматдагилар тахлил солмоқда.

АҚШ Президенти Дональд Трамп Толибон ва Афғонистон ҳукуматини «тинчлик учун бу имкониятни сақлаб қолиш»га чакирди. «Агар ваъдалар бажарилса, Афғонистонда урушни тугатиш ва аскарларимизни уйга қайтариш бўйича кучли йўлга эга бўламиз», деди Трамп.

40 йиллик уруш тугайдими?

Шубҳасиз, 40 йиллик уруш зудлик билан буткул тугамайди. Чунки кузатувчилар назарида мамлакатда сулҳ музокараларини бошқара оладиган куч мавжуд эмас. Аммо Толибон ва Кобул ўртасида музокаралар бошланиши билан вақтинчалик ҳукумат тузилиши ҳам тахмин қилинмоқда. Сулҳ билан шуғullanувчи вақтинчалик тизим шаклланиши мумкин. Бирок ички музокаралар камида икки йил чўзилади. Айни пайтда толиблар тинч ҳаётга қайтиб мафқуравий нуктага назардан ҳам ўзгариши керак. Икки йилга яқин давом этган музокаралар ортидан имзоланган мазкур келишув нафақат Марказий Осиё, балки халқроқ ҳамжамият то-

монидан ҳам олқишланаётгани кузатилади.

Афғонистон ҳукуматига, мамлакатдаги халқроқ кўшинларга қуролли қаршилик кўрсатиб қалаётган Толибон билан мулоқот хозиргача турли давлатларда, турли даража да турли манфаатларга кўра давом этиб келди. Баъзан афғон ҳукуматини четлаб ўтказилган бу мулоқотлар толиблар мамлакатдаги ҳокимиятга даъвогар асосий куч сифатида қолаётгани билан ҳам боғлиқ қўрилади. Толиблар билан мулоқот ташаббусини олға суриб келган Ўзбекистон толибларнинг коалицион ҳукуматга киритилишини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Толибонга ишонч борлигини назардан кочирмади.

Дарҳақиқат, Толиблар билан мурося қилиш, Афғонистондаги қарама-қарши томонларни музокарага келтириш анчанда бўён Тошкент томонидан илгари суриб қелинаётган ташаббуслардан бири ҳисобланади. Буни Толибон вакиллари ҳам эътироф этади. «Биз жаноб Президент Шавкат Мирзиёевнинг фикрларини мунтазам қузатиб борамиз. Кўп яхши ишлари, теран мулоҳазалари, айниқса, Афғонистон борасидаги ижобий сўй-ҳаракатларига гувоҳимиз. Доим Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши тарафдорини, Афғонистон хавфсизлиги учун қайғуради. Биз буни эътироф этамиз. Афғонистонга нисбатан ҳолис бўлиб, бизга яхшилик ихтиёр этгани учун биз беҳад хушхолмиз», дейди Толибон ҳаракатининг сиёсий ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Абдул Салом Ҳанафий.

Ҳозир Афғонистондаги вазият оғир ва мураккаб қолаётганига қарамай, икки қарама-қарши куч ўртасида расман музокаралар бошланиши 40 йилдан бўён уруш давом этаётган мамлакатда зўравонликлар тўхташига доир оғиз умидларини пайдо қилган.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

ДАРВОҚЕ...

Айни кунда бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамплин, спорт акробатикаси билан 2605 нафардан ортиқ фарғоналик ёшлар шугулланиб келмоқда. Хусусан, бадий гимнастика бўйича Екатерина Фетисова, Нилуфар Аъзамова, трамплин бўйича Самир Усмонов, спорт гимнастикаси йўналишида Расулжон Абдурахимов, Андрей Марошниченколар мамлакатимиз миллий терма жамоаси аъзолигига қабул қилинган.



« БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛА СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ. МАЪНАВИЙ ЭСКИРГАН ЖИҲОЗЛАР ЭСА ТАЪМИРГА, ЯНГИЛАНИШГА МУҲТОЖ. ЧУНКИ ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ, ЯНГИ ЧЕМПИОНЛАРНИ КАШФ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИНИНГ ЎРНИ МУҲИМ. АФСУСКИ, МАВЖУД ҲОЛАТ ЮЗАСИДАН ВИЛОЯТДАГИ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР, ҲОМИЙЛАРДАН КЎМАК СЎРАГАНМИЗ, ЛЕКИН АМАЛИЙ ИШЛАРДАН ДАРАК ЙЎҚ.

чилар билан тез дўстлаша олиши, яхши хулқи, жамоадаги аҳлилик, иноқлик, ҳамжиҳатлик ришталарини боғлашда фаоллиги билан ҳам кўпнинг хурмат-эътиборини қозонган.

Спорт гимнастикаси турлари билан шугулланиш бир қараганда оддий жараёндек кўринади. Аммо мустаҳкам жисмоний тайёргарлик, ишонч ва максалсиз бу вазифаларни меъёрига етказиб бажаришни ҳамма ҳам урдамайди. Айтишларича, бу спорт тури ҳар бир амалий ҳаракат, куч-қувватни аниқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда иш тутишни талаб қилади. Озгина эътиборсизлик, шовишшошарлик катта хатоликлар келиб чиқишига асос бўлади.

Иқтидорлар кўп, аммо...

– Спорт гимнастикаси спорт турларининг малликати сифатида эътироф этилади, – дейди Фарғона вилоят гимнастика федерацияси президенти Нигора Латипова. – Аксарият спорт турларида куч-қувват, гайрат-шижоатга алоҳида эътибор қаратилади. Бадий гимнастика турлари эса

бу жиҳатлардан ташқари, назик ҳаракат амалларини санъаткорона бажара олиши билан ҳам ажралиб туради. Бунинг учун спортчидан ўзига хос иқтидор, ижодкорлик, ёшлиқдан берилган таълим-тарбия, машқларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Вилоятимизда бу йўналишида изланишлар олиб бораётган иқтидорли ёшлар кўп. Улар вилоят, республика ва халқаро майдонларда бўлиб ўтаётган баҳсларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Аммо бу ҳамма иш рисоладагидек деган маънони англатмайди. Бугунги кундаги энг долзарб масала спорт жиҳозларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Маънавий эскирган жиҳозлар эса таъмирга, янгилашига муҳтож. Чунки иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, янги чемпионларни кашф этишда замонавий спорт жиҳозларининг ўрни муҳим. АФСУСКИ, МАВЖУД ҲОЛАТ ЮЗАСИДАН ВИЛОЯТДАГИ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР, ҲОМИЙЛАРДАН КЎМАК СЎРАГАНМИЗ, ЛЕКИН АМАЛИЙ ИШЛАРДАН ДАРАК ЙЎҚ.

Хулоса қилиб айтганда, муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳар қандай ғалаба ортда яратиб берилган қулай шарт-шароит, имконият, машаққатли меҳнат, интилиш ва иштиёқ мурасим бўлиши талаб этилади. Шундай экан, юксак марраларни қўлаб машғулотларга зўр бераётган спортчи йилнинг ғалабали олимлари янада бардавом бўлаверсин.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

тини ҳис қилиб турман, ундан куч-қувват алман.

Ёш иқтидор эгаси биринчи мураббийи Одилжон Сулаймоновдан спорт гимнастикасининг ўзига хос талаблари, қонун-қоидалари, жозибалари хусусида назарий ва амалий билимлар олди, малака, маҳоратини оширди. Бу изланишлар уни катта спорт арена-ларига сари етаклади. 2009 йилда спорт гимнастикаси бўйича мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинди, спорт устаси деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Халқаро майдон сари

Спортда муваффақият қозониш учун орзу-ҳаваснинг ўзи камлик қилади. У меҳнат ва изланиш, тинимсиз машғулот, устозлар ўғит-маслаҳатларининг маҳсули. Бу тамойилга амал қилиб иш тутган ёш спортчи, бир неча йилдирки, нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

2014 йили XVII Осиё ўйинлари, 2017 йилда эса Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионати совриндори бўлди. 2018-2019 йиллар «Қозғистон Президенти очик кубоги» соврини учун бўлиб ўтган халқаро беллашувларининг

мушакқаб сифатида эътироф этилди. 2019 йили Грузиянинг Батум шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда иккита олтин медални қўлга киритди. Германиянинг Штутгарт шаҳри мезбонлик қилган Жаҳон чемпионатида Олимпия йўлнамасини қўлга киритди.

– Расулжон бошқа спортчи ёшлардан ҳаракатчанлиги, ўз мақсади йўлида ҳар қандай қийинчиликларга чидамлилиги, ўқув-машқларга ижодий ёнда-лиши, изланиши, продасининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради, – дейди спорт мураббийи Руслан Қайюмов. – Шу боис у билан машғулотларни ўтказиш, белгиланган марралар сари қадам ташлаш осон кеч-ди. Қолаверса, у бошқа спорт-



Фарғона шаҳридаги вилоят гимнастикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Расулжон Абдурахимов Германияда спорт гимнастикаси бўйича бўлиб ўтган ёшлар баҳслари ғолиби бўлди. Бу улкан ғалаба иқтидорли спортчи Токио Олимпиадасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятини берди. Спортчининг зафарли одимлари жамоатчилик томонидан олқишланди, унга «Cobalt» автомашинаси совға қилинди.

Илк қадамлар қувончлари


Фарғона туманидаги кўхна Аввал қишлоғида, оддий оилада камолга етган Расулжон болалик чоғидаёқ ҳаракатчанлиги, турли спорт машқларини тез ўзлаштириб олиш қобилияти, иштиёқи билан бошқа тенгқурларидан ажралиб турарди. Унинг бу борадаги ўзига хос ноёб хислатларини сезган Шуҳрат ака ўғлини вилоят спорт гимнастикасига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига олиб борди. Бу воқеага ҳам ўн етти йил бўлибди. Ўшанда у етти ёшга тўлганди.

– Дадам билан спорт мактабига кириб келган илк кунлар, ҳаяжонли дамлар, машғулотлар жараёнида кечган ўзига хос қийинчиликлар ҳақуз ёдимда, – дейди Расулжон. – Спорт мактабидоги тенгқурларим, хатта ёшдаги спортчилар ҳаракати, маҳоратларини кўриб ҳавасим келарди, улардек бўлишга интилардим. Шу сабабли машғулотларга тез қўниқиб кетганман. Вақт топдим дегунча спорт мактабига ошиқардим. Оиладагилар менинг интилишларимни ҳаминча қўлаб-қувватлаб, ҳар жиҳатдан амалий ёрдам беришган, янги марралар сари рўҳлантириб туришган. Спорт баҳсларидаги ғалабали одимларимда яқинларимнинг ана шу меҳр-муҳаббат-

Токио Олимпиадаси ўйинлари 2021 йилнинг 21 июлида очилиши мумкин.

АМИРГА ШАРТ ҚЎЙГАН АҲМАД КАЛЛА

«**А**гар Амир менинг илмий ишларимни қолдириб, давлат аппарати ишларига киришимни хоҳласа, бошқа мамлакатларда бўлганидек, давлатни бошқаришда маълум тизимни жорий қилиши зарур... Мен Овруна мамлакатларида бўлганидек, амирлик ва давлат аппаратини бошқариш тамойиллари баён этилган рисола ёзаман...»



Бу XIX асрда нафақат Бухоро ёхуд Мовароуннахр, балки бутун Шарқда Аҳмад Махдум, Аҳмад мунажжим, Аҳмад калла ёхуд Аҳмад Дониш номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Носирнинг 1875 йилда Бухоро амири Музаффархонга тақдим этган «Маданият ва ўзаро кўмаклашиш тўғрисида»ги рисоласининг муқаддимаси эди.

«...Хукмдор бўлиш дунёда энг фахрли ишлардан биридир, дейилади асарда. — Хукмдор ўзининг барча вазифасини илм ва тажрибага таянган тақдирдагина уддалай олиши мумкин... Адолатли бўлиш учун хукмдор куйидаги ўн шарт асосида иш олиб бориши керак.

Биринчи шарт: шох ўз фуқаросининг ипини муҳокама қилиб, кўриб чиқаётганда ўзини ўша фуқаро ўрнига қўйиши керак, уни эса ўз ўрнига тасаввур этиши керак. Ҳар икки ҳолатда қабул қилинган қарор маъқул бўлади ва ҳукм фуқароларга тарқатилиши керак. Ҳақиқатан маъқул бўлмаган нарсаси, бошқалар учун ҳам номаъқул ҳисобланиши керак. Акс ҳолда у хонлик қилган бўлади...»

Ҳўи, ўз ҳукмдорига шарт қўйиш оражасига чина борган Аҳмад Дониш ким ўзи? Унинг ўз ҳаётини хатарга қўйиб, ушбу жузуръатли қадамга нима сабаб бўлган эди...

Алифбони кизлар мактабида ўрганган аллома

— Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухоро шаҳрида ўртаҳол оилада таваллуд топган, — дейди Бухоро давлат университети тарих ва маданий мерос факультети ўқитувчиси Махмуд Орзиев. — Аҳмаднинг онаси адабиётдан яхшигина хабардор бўлиб, шеърлар ҳам машқ қилган. Ўз ҳовлисида кизлар учун мактаб ташкил этиб, отини олиш қилган. Табиийки, Аҳмад ҳам дастлабки саводини шу мактабда чиқаради. «Мактабда боришимдан олдин, оиламиздаги бошқа болалар сингари онамдан алифбени ёд олдим, ўқини, ёзини, ҳаттоки, қўшиқларни тартибга солишни ўргандим», дейди бўлажак аллома ўз асарларида.

Эски мактабдан сўнг мадрасада тахсилни давом эттирган Аҳмад Дониш бу ерда исломий фанлар билан биргаликда риёзиёт, фалакиёт, мусика, фалсафа ва тарих фанларини ҳам чуқур ўзлаштирди.

Алломаннинг ароб сифатида машҳур бўлишига гўзал хусниҳати сабаб бўлди. Талабаларига моҳир ҳаттот сифатида тилга тушган Аҳмаднинг сарой

хизматида ишга олишади. Тез орада иқтидорли йигит амир саройининг бош мирзасига айланади. Бу эса унга амир, вазир ва олий мартабали бошқа амалдорлар билан танишиш, давлат бошқаруви жараёнларини бевосита кузатиш имконини беради.

Донишнинг комусий билимлар соҳиби эканлиги унинг саройдаги шухратини янада оширади. Ҳатто геометрияни чуқур билгани боис маълум вақт саройда бош меъморлик вазифасини ҳам бажаради.

Юрган дарё...

Аҳмад Донишнинг кенг қиррали илмий мероси алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Айниқса, астрономия, геометрия, тарих, жамиятшунослик ва бошқа соҳаларга оид рисолалари ушбу фанларни ўрганишда ниҳоятда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хусусан, «Мунозир ал-Кавокиб» («Юлдузларни кузатиш») асарида фалакиёт илмига оид муҳим масалани ҳал қилган бўлса, 12 бобдан иборат бўлган «Изтигрожи бул ва арзи балат» («Жойларнинг узунлиги ва эрини ўлчаши») асарида Аҳмад Дониш жойларнинг ўрнини ўлчаб чиқариш осмон меридианини соатларда белгилаш масалалари ҳақида мулоҳаза юритади.

Айниқсининг гувоҳлик беришича, Аҳмад Дониш кўш ва ой тутилиши саналарини ҳисоблаб, аниқ белгилаган. Шунингдек, Ер сайёрасининг пайдо бўлиш даврийлиги бўйича илмий фаразларни илгари сурган.

Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари «Наводир ул-вақое», «Рисолаи мухтасара аз тарихи салтанати хонадони мангития» каби асарларида ўз аксини топади.

Энг муҳими, аллома илм билан фақат ўзи шугулланиб қолмасдан, балки бутун жамиятда маърифат зиёсини тарқатиш ҳаракатида бўлади. Айнан шу истак уни жамоат арбобига айлантириб, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш бўйича янги ғояларни илгари суршига даъват этади.

Айниқса, амирлик делегацияси сафида Россияга уюштирилган таширлар алломанинг ислохотчилик кайфиятига жуда катта таъсир кўрсатади.

— Дастлаб 1857 йилда Николай I вафотига таъзия ихоз этиш учун юборилган делегация котиби сифатида борган Аҳмад Дониш янги мамлакатда ўзи учун жуда кўплаб янгиликларни олиб қайтади, — дейди М.Орзиев. — Хусусан, Петербургдаги Технология институти, Император Александр мануфактураси,

Пулководаги обсерватория ва бошқа жойлар катта таассурот қолдирганди.

Сафардан қайтиб кўрган-кечирганлари ҳақида амирга ахборот беради. Зеро, мангитлар даврида Европага узатиш илк делегациянинг мақсади ҳам нисбатан ривожланган минтақадаги давлат қурилиши, саноати, иқтисодиётини ўз кўзи билан кўриш ҳамда уни татбиқ этиш эди. Аммо Донишнинг тақлифлари амир томонидан безъатбор қолдирилади.

Иккинчи сафар эса эндиликда Бухоро чор Россияси томонидан ярим мустамлакага айлантирилган вақтда амалга оширилади. Ушбу сафар давомида қишлоқ хўжалиги, геология, транспорт соҳалари билан яқиндан танишиди. Қоғоз, чинни ва шиша ишлаб чиқариш заводлари, давлат банки хазинасини бориб кўрди.

Сафар давомида ўзининг теран ижтимоий-сиёсий, фалсафий-илмий қарашлари билан сарой амалдорлари, юқори доира вакиллари эътирофини қозонди. 1873 йилда Россияга уюштирилган учинчи сафарда эса энди у делегация раҳбарининг ўринбосари сифатида иштирок этади. Ушбу сафар хотираларини «Абдулқодир элчилиги ва рус тантанали байрамлари баёни» асарида батафсил баён этади.

Албатта, чуқур билим ва тафаккурга эга, қолаверса, дунё кўрган, оқпошпо саройи аъёнлари орасида ҳам муносиб обрў-эътиборга эга шахснинг давлат бошқарувида иштирок этиши давлат ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Амир Музаффархон Аҳмад Донишни бир неча бор саройга нуфузли лавозимларга тақлиф этади. 1875 йилда ўзининг сиёсий фаолиятидаги концепцияси сифатида ёзган «Маданият ва ўзаро кўмаклашиш тўғрисида»ги рисоласини Бухоро амири Музаффархонга тақдим этган Дониш хукмдорнинг норозилигига учрайди.

Натижда аввалига Ғузор бекилигида, кейин Нарпай тумани қозилигига узатилади...

Дониш сиёсатчи

Аҳмад Донишнинг ўз асарларида илгари сурган муҳим ижтимоий-сиёсий қарашлари уни ўз замонасининг етакчи маърифатпарвар ва модернистлардан бири сифатида гавдалантиради. Аҳмад Дониш ижтимоий тараққиётга ғов бўлиб қолган феодал ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатларни танқид остига олади. Бухоро амирлигини Оврупо мамлакатлари, хусусан, Русия билан таққослаб, Дониш ўз ватанини

иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганини кўрсатиб беради ва бу қолоқликдан чиқиш учун ижтимоий-сиёсий тузумда ислохотлар қилиш зарурлигини уқтиради.

Донишнинг фикрига кўра, «давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш учун эмас, халқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур. Буз дунёни гуллаб-яшнайтиш учун, денгизлар кезиб ўрганиш учун, ерости бойлиқларини топиш учун, унинг ҳамма китъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз», деб ёзган эди Дониш. Бунинг учун хукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилмоғи шарт. У қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввал ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилмоғи лозим. Бу адолатни таъминлашга имкон яратади. «Мамлакатни идора қилишда, — дейди Дониш, — хукмдор муҳим давлат муаммоларини ўз апрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиши керак. Маслаҳатчилар ҳам донишманд ва адолатли кишилар бўлиши керак ва уларнинг фикри билан ҳисоблашиши шарт, чунки кўпчиликнинг ақли бир кишининг ақлидан ортиқроқдир».

Аҳмад Дониш ўз ватанини қолоқликдан чиқариш йўлларини тинмай излади. «Кўриш ўз ватанини химоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина, у хар доим барҳаётдир», дейди Дониш. У Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрганиш билан бир қаторда, Ғарбда тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқади. Гарчи бу таълимотларни Дониш қабул қилмаган бўлса-да, унинг буларга нисбатан бўлган муносабати мутафаккирни кенг қўламадги тадқиқотчи ва ижтимоий-сиёсий орзулари кенгрок эканини кўриш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Донишнинг бадий ва илмий ижоди бизда нафақат ўша давр тарихий кифёсини акс эттириш, балки бутунги илмий долзарблиги жиҳатидан ҳам жуда муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан, унинг асарларини она тилимизга таржима қилган ҳолда (шўро даврида амалга оширилган таржималар бир ёқлама бўлиб қолганлиги туфайли ўқувчиларга тўлиқ хулоса бера олмайди) чуқурроқ ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш аллома руҳига эҳтиромдан кўра ўз маънавий камолотимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ақбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

СОЛИК

ДАРОМАД ОЛМАСДАН СОЛИҚ
ТЎЛАШ МУМКИНИ?

? – Айни пайтда ҳудудларда маҳаллий ҳоқимлик вакиллари фермерларни йиғиб, солиқ тўлашларини сўраётган экан. Бу қонунчилигимизга қанчалик тўғри? Умуман, фермер даромад олмасдан қандай солиқ тўлаши мумкин? Қолаверса, айни коронавирус тарқаган вазиятда, солиқ имтиёзлари берилаётган бир пайтда.

Дилмурод ХУСАНОВ,
Сурхондарё вилояти.



Дилнора ХОШИМОВА,
Давлат солиқ қўмитаси давлат
солиқ катта инспектори:

– 2020 йил 1 январдан бошлаб фермер хўжаликлари фойда солиғи, jismoniy шахслардан олинандиган даромад солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва ижтимоий солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иктисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан, солиқ органлари вақтинча қийинчиликлари бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисоблашнинг тўхтатиб туради. Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмаслиги белгиланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасаёттирилади.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига хўжалик юритувчи субъектларидан мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ваколати берилди.

ХУҚУҚ

ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТНИ ЯШИРГАНГА
ҲАМ ЧОРА КЎРИЛАДИМИ?

? – Коронавирус инфекциясига оид ҳақиқий ҳолатларни яширганга ҳам қонуний чора кўриладими?

Б.АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазири матбуот коти-
би:



– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига мувофиқ, касаллик юқиб хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги қонуний талабларни узрли сабабларсиз бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд.

Унга кўра, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йиғирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

БАНК КРЕДИТ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?



– Карантин пайтида кредит олиш мумкинми? Қайси турларини олиш мумкин? Ажратилган кредитлар берилиши мuddати чўзилиши мумкинми?

Неъмат ОЧИЛОВ,
Фарғона вилояти.

Хусанхўжа АБИДОВ,
Марказий банк бошқарма бошлиғи:

– Кредит бериш амалиётлари тўхтатилгани йўқ. Банклар томонидан барча турдаги кредитлар ажратиб келинмоқда. Банклар ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаради.

Бироқ вазиятдан келиб чиқиб, банкларнинг мавжуд кредитлар мuddатини узайтириб, қарз юкларини қамайтиришга қаратилганини ҳисобга олишингизни сўраймиз.

ТРАНСПОРТ

ТАКСИЧИЛАРДАН ЙЎЛ
ВАРАҚАЛАРИ УЧУН ПУЛ
ОЛИШМОҚДА?

– Самарқандда карантин даври бошланган, ҳамма уйда бўлсин, деган бир пайт «сарик такси» ҳайдовчиларидан 40 минг сўмдан нўтёвка пули олишаётган экан. Уларнинг талаби қанчалик тўғри ва асосли?

Э.ТОШҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.



Наврўз АШУРМАТОВ,
Транспорт вазири матбуот котиби:

– Амалдаги қонунга мувофиқ, йўл варақалари йўналишсиз таксиларнинг ишини таърифловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Йўналишсиз такси ҳайдовчиларига йўл варақаларини бериш ташувчи ташкилотнинг навбатчи диспетчери томонидан амалга оширилади. Бунда ҳайдовчилар томонидан ҳеч қандай тўловларни амалга оширилиши кўзда тутилмаган.

Нафақат бугунги кун шаронтида, балки пандемия режимидан ташқари ҳолатда ҳам юридик шахслар томонидан йўл варақаларини берганлик учун йўналишсиз такси ҳайдовчиларидан кунлик тўловларни талаб қилиши ҳеч қандай асосга эга эмас.

ТАЪЛИМ ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛМОҚДАМИ?



– Ижтимоий тармоқларда вилоятлардаги халқ таълими бошқармалари томонидан таътилга чиққан ўқитувчиларга интернет орқали иш юзасидан қўшимча вазифалар юклатилаётганлиги айтилмоқда. Бу қанчалик рост?

Жолдас ЖУМАРТОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси.



Дилшод КЕНЖАЕВ,
Халқ таълими вазири ўринбосари:

– Халқ таълими вазирлиги масофадан ишлаш учун фақат уйда имконияти бор ходимларни жалб қилиш бўйича ҳудудий бошқармаларга қўшимча топириқлар берган. Мазкур топириқ ўқувчиларнинг масофавий таълим олишига умуман алоқаси йўқ.

Халқ таълими вазирлиги вилоятларда ва узок ҳудудларда интернет тизлиги пастлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда видеодарсларни телеканаллар орқали намойиш этилишини йўлга қўйди.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

МАЖБУРИЙ ТАЪТИЛ БЕРИШ
ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?

– Укам Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозиланган метани негизда синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқариш заводи қурилишида ишлайди. Уларга коронавирус карантини сабаб ўз ҳисобидан таътил берибди. Бундай вазиятда корхона меҳнатга ҳақ тўлаши ёки меҳнат таътили бериши керак эмасми?

Ш.ОЧИЛОВ,
Қашқадарё вилояти.

Лайло ҲАСАНОВА,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик мутахассиси:

– Агар укангиз навбатдаги меҳнат таътили (жорий йил учун) олмаган бўлса, ўз розилигига кўра меҳнат таътили олиши керак. Шунингдек, иш бевручи билан келишиб, фаоллик туридан келиб чиқиб ё масофадан ишлаши ёки тўлиқ бўлмаган иш режимига ўтказилиши ёхуд ўз ҳисобидан таътил олиши керак. Буларнинг бари ходимнинг розилиги асосида амалга оширилади.

Ходим масофавий ишлашга ўтса ҳам, тўлиқ бўлмаган иш режимига ўтказилса ҳам меҳнат шартномаси асосида ҳақ тўланиши лозим.

ЙЎЛ-ҲАРАКАТИ

ШАХСИЙ ТРАНСПОРТИМДАН
ФОЙДАЛАНСАМ БЎЛАДИМИ?

– Отамнинг кўзлари кўрмайди, ҳар икки кунда касалхонага олиб бориб тегишли муолажа олишлари зарур. Бундай ҳолатда шахсий транспортимдан фойдалансам бўладими?

Актам БЎРИЕВ,
Навой шаҳри.

Шоҳрух ҒИЁСОВ,
Ички ишлар вазири
матбуот котиби:

– Албатта, агар сизни ёки яқинларингизни касалхонага олиб боришга жиддий зарурат туғилса, шахсий транспорт воқеанингдан фойдаланишингиз мумкин. Бундай ҳолатда йўл патруль ходимлари тўхтатса юзага келган вазиятни ва кўчага чиқиб сабабини тўғри тушунтирсангиз, улар ҳам ҳолатни тўғри тушунишади. Керак бўлса, қўлидан келганича сизга ёрдам беришади. Лекин буни суиистеъмол қилиш керак эмас.

